


— АСКАРАЛИ СУЛАЙМОНОВ —

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ТАЪЛИМИ СИФАТИ



ВА САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШНИНГ ДИДАКТИК
ИМКОНИЯТЛАРИ

Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

Количество предыдущих
выдан _____

--	--

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Т.Н.ҚОРИ НИЁЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ

АСҚАРАЛИ СУЛАЙМОНОВ

ТАСВИРИЙ САНЪАТ
ТАЪЛИМИ СИФАТИ ВА
САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШНИНГ ДИДАКТИК
ИМКОНИЯТЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ОЛИЙ ВА ОՐТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI



ТОШКЕНТ
2017

94
С-96

0218

Самар

УЎК: 37.016:74
КВК: 74.268.51
S - 96

Сулаймонов, Аскаралӣ.
Тасвирий санъат таълими сифати ва самардорлигини оширишнинг
дидактик имкониятлари. Монография. - Тошкент: "BAUOZ", 2017. - 184 б.

Тақризчилар:

Назар Ҳакимов - Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика
фанлари илмий тадқиқот институти бош илмий ходими, фалсафа фанлари
доктори, профессор;

Сандаҳбор Булатов - Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика
университети профессори, педагогика фанлари доктори
Зиёдилла Бобомуродов - Тошкент Архитектура-қурилиш институти
"Расм ва муҳандислик графикаси" кафедраси муdiri, доцент.

Монография Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари
илмий тадқиқот институтида давлат гранти асосида бажарилган ПЗ-2014-
0829151412-рақамли "Тасвирий санъат таълими сифати ва самардорлигини
оширишнинг дидактик имкониятлари" мавзусидаги амалий илмий тадқиқот
дорасида тайёрланган. Унда тасвирий санъат таълимининг сифати ва
самардорлигини оширишнинг турли масалалари, хусусан, хоризжий тажрибалар
асосида тасвирий санъат таълимини ривожлантириш концепцияси, тасвирий
санъат ўқув фани мазмунини ислоҳ қилиш, қўшимча материаллар жумладан,
таълимнинг электрон ресурслари воситасида тасвирий санъат таълими сифати ва
самардорлигини оширишнинг дидактик имкониятлари баён этилган.

Монографиядан умумий ўрта таълим мактабларининг тасвирий санъат
ўқитувчилари, болалар мусика ва санъат мактаблари ҳамда "Баркамол авлод"
болалар ижодиёти марказларидаги тасвирий санъат тўғараклари раҳбарлари,
шунингдек, тасвирий санъат йўналишидаги ўрта махсус ҳамда олий таълим
муассасалари ўқитувчилари, ўқувчи ва талабалари фойдаланишлари мумкин.

Монографияда илгари сурилган илмий гоялар, методологик ёндашувлар
бадий таълим соҳасида илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар учун
фойдали манба вазифасини ўтайди.

Монография Т.Н. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари
илмий тадқиқот институти илмий кенгашининг 2017 йил 26 сентябрдаги 7-
йиғилиши қарори билан нашрга тавсия этилган.

УЎК: 37.016:74
КВК: 74.268.51

ISBN 978-9943-48-99-1-2

© "BAUOZ", 2017.
© А.Сулаймонов, 2017.

КИРИШ

Педагогика ва психология, хусусий методика соҳасида
таълимнинг, хусусан умумий ўрта таълимнинг сифати ва
самардорлигини ошириш борасида мақсадли ишлар амалга
оширилиб, унинг дидактик имкониятлари ҳар бир ўқув фани
хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ этиб келинмоқда.
Республикамызда босқичма-босқич амалга оширилган умумий
ўрта таълим мазмунини модернизациялаш, такомиллаштириш,
оптималлаштириш ва узвийлаштириш бўйича ўтказилган
тажриба-синов ишларининг натижалари асосида истиқболда
таълим сифати ва самардорлигини оширишга оид илмий
асосланган тавсиялар ишлаб чиқилиб, таълим амалиётига жорий
этилмоқда. 2017-2018-ўқув йилидан эътиборан таълим
компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштирилган таълим
стандартлари асосида амалга оширилиши тадқиқотлар кўламини
бирмунча кенгайтди. Ўзбекистонлик олимлардан Абдирасилов
С., Абдуллаев С., Аляминов Х., Амануллаев А., Бойметов Б.,
Булатов С., Дарменов Ж., Восиқов Р., Ершов А., Иноғомов А.,
Кевеш Н., Нуртов Ў., Орипов Б., Толипов Н., Турдалиев А.,
Худойёрова О., Юсупов И., Қосимов Қ., Кўчқоров Б., Ҳасанов Р.,
Ғуломов К. ва бошқалар томонидан амалга оширилган
тадқиқотларда бадий-эстетик таълимнинг турли масалаларига
оид илмий хулосалар тақдим этилган. Бироқ айнан умумий ўрта
таълим мактабларининг 5-7-синфларида тасвирий санъат
таълими сифати ва самардорлигини оширишнинг дидактик
имкониятлари махсус тадқиқ этилмаган.

Умумий ўрта таълим тизимида шундай ўқув фанлари
мавжудки, унинг сифати ва самардорлигини таъминлашнинг
устувор омиллари мавжуд. "Тасвирий санъат" ўқув фани шундай
соҳа ҳисобланади. Зеро, мазкур ўқув фани бўйича таълим сифати
ва самардорлигини таъминлашни талаб даражасида амалга
оширишга тўқинлик қилаётган зиддиятли ҳолатлар мавжуд.
Уларнинг асосийлари сифатида қўйидагиларни эътироф этиш
мумкин.

Биринчидан, таълим сифати ва самардорлигини
таъминлашда умуминсоний ва миллий тарихий қадриятлар ҳамда
замонавий тенденцияларни ўзида жамлаган, мазмунли ва

кўримли дарсликлар дидактик имкониятларни оширишнинг энг муҳим шартларидан бирidir. Бу борада республикамизда ноёб тизим (дарсликларни ижара тизими, кутубхона фонди назарда тутилаётган) фаолият кўрсатмоқда. Бирок умумий ўрта таълимнинг барча ўқув фанлари дарслик билан таъминланган бир пайтда “Тасвирий санъат” ўқув фанидан 5–7-синфлар учун дарслик масаласи 2017–2018-ўқув йилига қадар ўзининг ижобий ечимини топмаган, яъни амалдаги реал ҳолат куйидагича:

- 5–6-синфлар учун дарслик яратиш бўйича тендер эълон қилиниб, 2011 йилда 5-синф, 2013 йилда 6-синф учун дарсликлар яратилди. Амалда эркин савдога чиқарилган 5-синф дарслиги китоб савдоси тизимининг худудий шахобчалари тўлақонли ишламаслиги боис унинг 2012 йилда чиқарилган варианты мактабларга тўлиқ етиб бормаган. Фақатгина 2015–2016-ўқув йилидан ўқувчилар дарслик билан таъминландилар;

- Муस्ताқиллик йилларида Ўзбекистонда 5–6-синфлар учун биринчи бор дарслик яратилганини эътиборга олсак, бу борада муайян имкониятлар ўз ечимини топмаган, яъни дарсликлар 2017–2018- ўқув йилигача макет ҳолатида бўлган;

- 7-синф учун дарслик охириги марта кам тиражда 2006 йилда кутубхона фонди учун нашр қилинган. Шунинг учун 5–7-синфларда “Тасвирий санъат” таълими 2017–2018-йилигача дарсликсиз олиб борилган;

- умумий ўрта таълим мактаблари учун дарсликларни ўз вақтида чоп этиш ва жойларга етказиш тизимидаги камчиликлар туфайли 4, 7-синф дарсликлари ўқув йили бошида тайёр бўлмаган.

Юқорида келтирилган далиллардан кўриниб турибдики, тасвирий санъат таълими сифати ва самардорлигини оширишнинг кўшимча манбаларини излаш такозо этилади. Зеро, асосий манба – дарсликларни нашр қилиш ишларидаги камчиликлардан ташқари, уларнинг ҳажми ўқув материаллари талаблари даражасида иллюстратив-методик манбалар билан таъминлаш эҳтиёжларини қондира олмайди.

Иккинчидан, умумтаълим фанлари тизимида тасвирий санъатчилик кам эътибор қаратиладиган таълим соҳаси йўқ. Умумий ўрта таълим тизимидаги бошқа ўқув фанларини барқарор авлод тарбиясидаги аҳамиятини эътироф этган ҳолда

таъкидлаш жонзки, бошқа фанларни номутахассис ўқитувчилар ўқитиш ҳоллари деярли кузатилмайди. Тасвирий санъат мисолида эса бундай фикрни билдириш мушкул. Ўзбекистон умумий ўрта таълим мактабларини олий маълумотли тасвирий санъат ўқитувчилари билан таъминлашнинг 2017 йилги ҳолати 13,7% ташкил этади. Табиийки, мутахассис бўлмаган ўқитувчи “Тасвирий санъат” ўқув фанининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида етарли касбий компетенцияга эга бўлмаганлиги боис баъдий таълимнинг дидактик имкониятларидан тўлақонли фойдала олмайди. Демак, соҳадаги ҳолатдан келиб чиқиб унинг яқин 5–10 йилги тараққиётини башорат қилган ҳолда мазкур ўқув фанининг дидактик имкониятларини амалиётга жорий этишнинг самарали педагогик механизминини яратиш, шунингдек, бу жараёни самарали кечириш учун қулай педагогик шароитни тақдим этишнинг илмий асосланган тизимини ишлаб чиқиш лозим.

Учинчидан, мамлакатимизда умумий ўрта таълим мактаблари учун тасвирий санъат ўқитувчилари тайёрлаш тизими амалдаги эҳтиёжни қондира олмаяпти. Бунинг бир қанча объектив ва субъектив сабаблари бор. Объектив сабаб шуки, иллотлардаги давлат университетларининг “Санъат” факультетларида асосий урғун тасвирий санъат ўқитувчилари эмас, балки тасвирий ва амалий санъат бўйича расом, амалий санъат устаси, муҳандислик графикаси каби соҳаларда мутахассислар тайёрлашга қаратилаётганлиги боис мазкур таълим муассасаларини битириб чиқаётган ёш мутахассислар соҳанинг Далаат таълим стандартлари, ўқув дастурлари талабларини яхши ўзлаштирмаганлиги учун мавжуд имкониятлардан оқилона ва самарали фойдаланиш методлари бўйича етарли компетенцияга, педагогик фаолият кўрсатишнинг методик асосларида белгиланган меъёрий талаблар даражасида назарий билим ва амалий кўникмаларга эга эмаслар.

Муаммонинг субъектив сабаби ўқув фанига ажратилган соғтларнинг камлиги билан боғлиқ. Айнан шунинг учун ўқитувчини ҳам, ўқувчини ҳам дарсларнинг оммавий мобиллигини таъминлаш имкониятлари сезиларли даражада чекланади. Табиийки, бу жараёни таълим сифати ва самарадорлигига салбий таъсирини бартараф этиш учун кўшимча дидактик имкониятларни тақдим этиш лозим бўлади.

Тўртинчидан, айнан “Тасвирий санъат” ўқув фанида турли шакл ва мазмундаги қўшимча манбалардан фойдаланиш имкониятлари кенг бўлса-да, мактаб ўқитувчисига шундай дидактик имкониятни тақдим этувчи ишланмалар етарли эмас. Мактабда “Тасвирий санъат” таълимнинг айрим жиҳатлари сезиларли даражада яхшиланганлиги (эндиликда сифати бўёқлар, мўйқаламлар, альбом ва турли маркадаги сифатли қоғозлар ва х.к.)лигини эътироф этган ҳолда унинг сифати ва самарадорлигини таъминлашнинг муҳим дидактик воситалари – дарсада қўлланиладиган тулумлар, муляжлар, турли геометрик шаклдаги гипс қўйилмалари танқислиги учун Давлат таълим стандарти талабларини бажаришда камчиликлар кузатилмоқда. Бошқа фанлар учун бу борада намунавий ишлар (лаборатория жиҳозлари ва анжомлари, ҳар хил препаратлар, электрон тарздаги виртуал лаборатория машғулоти ва б.) амалга оширилаётган бир пайтда “Тасвирий санъат” таълимидаги бу камчиликни имкон қадар бартараф этувчи тадқиқотлар ўтказиш эҳтиёжи долзарблигича кўлмоқда.

Юқорида келтирилган далилларга асосланган ҳолда эътироф этиш лозимки, умумий ўрта таълим мактабларининг 5–7-синфларида ўқитиладиган “Тасвирий санъат” ўқув фани бўйича таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг дидактик имкониятларини очиб беришнинг илмий-методик асосларини ишлаб чиқиш бўйича мақсадли илмий тадқиқот ўтказиш педагогика фани, таълим амалиёти учун долзарб муаммолар сирасига киради. Қолаверса, айрим ўқув фанлари, хусусан, аниқ ва табиий фанлардан фарқли ўлароқ тасвирий санъат таълимида хорижий тажрибалардан фойдаланиш имкониятлари чекланган. Хусусан, тасвирий санъат таълими мазмуни ва методикасини белгилаш, унинг самарадорлигини таъминлаш борасида амалга оширилган тадқиқотларнинг хорижий тажрибалари (В.С. Кузин, Б.М. Неменский, Н.Н. Ростовцев, Г.Ф. Т.Я. Шпикалова, Б.П. Юсовларнинг илмий лабораториялари мисолида), уларнинг таҳлиллари худудий-минтақавий ва миллий-мафкуравий нуқтаи назардан мамлакатимизда амалга оширилаётган бадий таълимнинг бугунги кундаги маънавий-таълимий эҳтиёжларига мос келмаслигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг истиқлолга эришиши натижасида ўнга хос ва мос сийсий-иқтисодий ва маънавий-маданий соҳаларини ривожлантириш, жумладан, таълим-тарбия тизимини сифат жиҳатдан янгилаш вазифалари долзарблик касб эгалари, шу маънода бугунги кунинг долзарб вазифаларидан бири умумий ўрта таълим мактабларида педагог кадрлар касобатини сифат жиҳатдан ошириб боришдир. Чунки, ҳар қандай таълим ва тарбия ўқитувчи ва мураббийлар орқали амалга оширилади. Шунинг учун ҳам уларнинг касбий маҳоратларини таълимнинг принципи асосида такомиллаштириб бориш ўринлидир. Биро, “Таълим тўғрисида”ги қонун ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да жамиятни ҳаракатлантирувчи куч – шахс деб қўрилган. Ўқитувчи эса таълим сифати ва самарадорлигини таъминлаш талаб этилади. Тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишда ўқитувчининг турли дидактик имкониятлардан оқилона фойдаланиши муҳим рол ўйнайди. Агар тасвирий санъат ўқитувчиси ўқувчиларга мактабда тасвирий санъат асосларини мукамал эгаллашни таъминласа, натижада у қандай касб эгаси бўлишидан қатъи назар шу касбнинг том маънодаги устаси, ўз касбий фаолиятига ишонч ҳосил қила оладиган мутахассис бўлиб етишишига ишонч ҳосил қила олади, шубҳасиз, тасвирий санъат таълимнинг сифат ва самарадорлиги, шубҳасиз юқори бўлади. Зеро, ўқувчининг мотивацияси нафақат унинг ўқув фаолиятида, балки синф, кенг маънода мактабдаги муҳитни, тасвирий санъатга нисбатан касбий муносибатни шакллантиришга хизмат қилади.

Тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини таъминлашда бу жараёнга бевосита таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва жараёнга тўғри йўналиш бериш муҳим аҳамият касб этади. Кузатувлар натижалари асосида бу жараёнга таъсир этувчи омиллар сифатида қуйидагиларни эътироф этиш мумкин.

1. Ўқувчининг тасвирий санъат таълими асосларини таъминлаш учун оилавий муҳит, ота-оналарнинг умумий таълим фанлари тизимидаги “Тасвирий санъат” ўқув фанига фанларнинг эстетик камолоти, бадий ва интеллектуал жиҳатдан шаклланишидаги ўрнини англаши ва унга адекват муносибати.

2. Ўқитувчининг касбий компетенцияси. Одатда, ўз фанини яхши билган ўқитувчи таълим бераётган ўқув фанига нисбатан ўқувчиларда қизиқиш юқори бўлади.

3. Таълим муассасасидаги муҳит, яъни айнан мактаб раҳбарларининг муайян ўқув фанига нисбатан муносабати мактабдаги у ёки бу фанни ўқитишга нисбатан муносабатни, микромуҳит характери ни белгилаб беради. Жуда кўп ҳолларда мактаб раҳбарияти “Тасвирий санъат” ўқув фанига нисбатан етарли эътибор қаратилмаган ҳолда тасвирий санъат ўқитувчисини мактабдаги бадий безак ишларига жалб этиш ҳисобига тасвирий санъат таълимида мунтазамлик, ўқувчилар томонидан “Тасвирий санъат” ўқув фани асосларини ўзлаштиришга жиддий қараш қузатилмайди.

4. Методик таъминот: тасвирий санъат таълимига оид турли мақомдаги ишланмаларнинг амалдаги мавжуд эҳтиёжларни қондиришга қодир эмаслиги.

5. Маҳсус таъминот: ўқувчилар томонидан тасвирий санъат таълимининг Давлат таълим стандарти, ўқув дастурида белгиланган ўқув компетенцияларини эгаллаши учун тасвирий санъат таълимини талаб даражасида ташкил этишга имкон берувчи маҳсус жиҳоз, восита ва материаллар фонднинг талаб даражасида эмаслиги.

6. Ўқувчининг шахсий мотивацияси. Юқоридаги омилларни эътиборга олган ҳолда камчиликларни бартараф этиш механизминини ишлаб чиқиш тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

БИРИНЧИ БОБ

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ТАЪЛИМИ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1.1. Умумий ўрта таълим муассасасларида тасвирий санъат таълиминини такомиллаштиришнинг концептуал асослари

Глобаллашув, интеграциялашув жараёнлари фан ва техникани юқори суръатларда ривожланиши учун кенг йўл очиб берди. Бу жараёнларга ҳамоҳанг тарзда жамиятнинг турли соҳаларида, айниқса, таълим тизимида ижобий ўзгаришлар кузатишмоқда. Хусусан, таълим тизимида янги илмий ғоялар, наъривлар ҳамда ўқитишнинг инновацион технологияларидан самарали фойдаланишнинг янги қирралари кашф этилмоқда. Шу мавзуда, биринчидан, умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган ўқув фанларини жамиятнинг ижтимоий талаб ва эҳтиёжлари асосида такомиллаштириш, ўқитишнинг сифати ва самарадорлигини оширишнинг истиқболлари, ривожлантириш йўналишларини белгилаш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Бунда, биринчи навбатда, фан ва техника, технологиялар борасидаги ютуқлардан таълим амалиётида фойдаланиш муҳим аҳамиятга молик масалалар сирасига киради.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Қадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг сўнгги босқичи (2005 йилдан кейинги йиллар)да умумий ўрта таълим мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, таълим муассасаларини сифатли ўқув куроллари, жиҳозлар ва, айниқса, ўқув-методик мажмуалар билан таъминлаш борасида катта ҳажмдаги ишлари амалга оширилди. Шунинг учун ҳам умумий ўрта таълим мактаблари тизимидаги ўқув фанларини ўқитишга янгича ёндашувларни жорий этиш тақозо этилади. Таълим соҳаларини ривожлантириш концепцияси бундай ёндашувларнинг мазмуни ва моҳияти, йўналишларини белгилаб беради.

Жамиятда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, таълимий ўзгаришлар тизимида инсон омили, унинг

тарихий тажрибаларни замонавий ёндашувлар билан интеграциялаштирган ҳолда амалга ошириш тажрибаси қўлланилмоқда. Бу ижобий тажрибалар умумий ўрта таълим мактаблари тизимидаги “Тасвирий санъат” ўқув фанини ўқитилишида ҳам қўлланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2008–2014-йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги қарори, бундан, республикамизда бадий таълимни ривожлантиришни янада юқорироқ сифат поғонасига кўтариш учун қулай шароит яратди. Иккинчидан, мактабдан ташқари таълим муассасаларида тасвирий ва амалий санъатни ўқитиш амалиёти янги шакл ва мазмун касб эта бошлади. Шунингдек, мактабдан ташқари таълим муассасаларининг макomini уларни муносабати билан қўшимча тарзда берилаётган бадий таълимнинг ижтимоий аҳамияти янгича моҳият касб эта бошлади. Бу тажрибадан келиб чиқадиган хулосалар, ижобий ҳолатлар умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган “Тасвирий санъат” ўқув фанини ўқитиш амалиётига ҳам таъбиқ этилиши лозим. Зеро, умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъат дарслари ҳамда дарсдан ташқари таълим муассасаларида амалга оширилаётган бадий-эстетик таълим билан маънавий алоқдорликда ўқитилишига янгича ёндашувни таъкид этади.

Бадий таълимнинг хорижий тажрибалари шундан далolat берилди, айнан ривожланган мамлакатларда ўқувчиларнинг бадий-эстетик тарбияси борасида ибратли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Буни, биринчи навбатда, ўқув фанини умумтаълим фанлари тизимидаги салмоғида кўриш мумкин. Хусусан, бир қатор юқсак тараккий этган мамлакатларда “Тасвирий санъат” ўқув фани турли номларда ҳафтага 2 соатдан 5 соатгача миқдорда ўқитилади. Бу тажрибалар ЮНЕСКО томонидан тасвирланган ҳолда дунё мамлакатларида бадий-эстетик таълим ва тарбия, жумладан, “Тасвирий санъат”ни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларини, унда миллий аҳамиятга молик ҳамда халқаро

ижодий имкониятларини тўлақонли рўёга чиқариш масаласига устувор тарзда қараш мавжуд тенденцияларнинг бош ғояси сифатида эътироф этилмоқда. Бу борада умумий ўрта таълим мактабларининг 1–7-синфларида ўқитиладиган “Тасвирий санъат” ўқув фани кенг имкониятларга эга. Шунинг учун ҳам мазкур ўқув фанини ўқитиш тизimini ривожлантириш концепциясини яратиш бугунги кун бадий таълимнинг долзарб масалаларидан биридир.

Учинчидан, “Тасвирий санъат” ўқув фанининг тузилиши ва мазмуни, моҳияти, ижодкор шахс тарбиясидаги ўрни ўзгарди. Амалдаги концепция ишлаб чиқилгандан буён (1995 йил) мазкур фан том маънодаги интегратив фанга айланди, яъни унинг мазмунида тасвирий ва амалий санъат ҳамда меъморлик тарихига оид материаллар қаторида жаҳон маданияти ва санъатида тобора ривожланиб бораётган ижодий соҳалар – ўқувчиларда дизайнлик қобилиятларини ривожлантириш, миллий ва жаҳон тасвирий санъатининг замонавий тенденциялари билан миллий тарихий-бадий анъаналарни синтетик тарзда ўзлаштириб боришни таъминлаш “Тасвирий санъат” ўқув фанининг асосий вазифаларидан бирига айланиб бормоқда.

Юқорида келтирилган далиллар “Тасвирий санъат” ўқув фанининг мазмуни ва моҳиятига нисбатан янгича ёндашувни таъкид этади.

1.1.2. Умумий ўрта таълим тизимида “Тасвирий санъат” ўқув фанини ўқитишнинг аҳамияти: хорижий ва маҳаллий тажрибалар

“Тасвирий санъат” ўқув фанининг амалдаги концепцияси яратилгандан буён республикамик бадий таълим тизимида кенг ҳажмдаги ислохотлар малга оширилди. Айниқса, Ўзбекистон Бадий академиясини ташкил этилиши (1997 йил) натижасида мамлакатимизда бадий таълимнинг янги тизимига асос солинди. Унинг таркибидаги ихтисослаштирилган академик лицейлар, мактаб-интернатлар, касб-хунар коллежлари ҳамда Миллий рассомлик ва дизайн институтида бадий таълим мазмуни ва методикасида хорижий тажрибаларни миллий бадий анъаналар,

миқёсда қўлланиши мақсадга мувофиқ бўлган стратегияларни аниқлаш, бадиий-эстетик таълимнинг миллий тизимларини ривожлантириш истиқболларини белгилаш масалалари илгари сурилмоқда. Бу тажрибалардан келиб чиққан ҳолда эътироф этиш жоизки, жаҳон тажрибасидаги бадиий таълим, жумладан, ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилиятларини таркиб топтириш ва ривожлантириш билан бир қаторда миллий тасвирий ва амалий санъатимиз, миллий хунармандчиликка оид ўқув материаллари “Тасвирий санъат” ўқув фанининг мазмунида асосий ўринни эгаллаши лозим.

Бадиий таълим ва тарбия борасида кейинги ўн йилликда олиб борилган тадқиқотларнинг хорижий тажрибалари устувор тарзда бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини педагогик фаолиятга тайёрлаш масалаларига бағишланганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлашга жараёنли ёндашув, жараёнларнинг концептуал-методологик асослари, унинг модели, жараёنли ёндашувни педагогик феномен сифатидаги тахлили (А.Г.Поровский, 2010); педагогика олий ўқув юрғларида тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлашни оптималлаштириш (Ф.Ф.Бандуристий, 2004); халқ педагогикаси воситасида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида ижодий тафаккурни ривожлантириш (А.А.Герасимова, 2007); бу жараёнда миллий анъаналардан фойдаланиш (О.М. Батчаев, 1996); тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида инновацион ва ахборот технологияларидан фойдаланиш, ўқитувчининг профессионал компетенциясини шакллантиришнинг назарий-методологик асослари (О.М. Гулчина, 2003), шунингдек, амалиётчи ўқитувчиларнинг малака ошириш, қайта тайёрлаш, методик марказлар фаолияти мисолида касбий компетенцияларини ошириш масалалари тадқиқ этилган. Тахлил этилган манбалардан кўринадики, уларнинг якуний натижалари маълум маънода мактаб таълими тизимидаги “Тасвирий санъат” ўқув фани бўйича таълим жараёнини такомиллаштириш омили сифатида эътироф этилиши мумкин бўлса-да, бевосита умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг дидактик имкониятларини тадқиқ

этишти оид махсус тадқиқоқлар амалга оширилмаган. Аслида мактаб таълимида тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини ошириш нафақат бадиий таълим тизими учун, балки умуман кадрлар тайёрлаш тизими учун аҳамиятли аспектлардир, яъни ўқувчиларда тасвирий саводхонлик элементларини таркиб топтириш бўлажак мутахассиснинг касбидан қатъи назар ўз профессионал фаолиятига ижодкорлик билан ёндашиш малакаларини шакллантиради. Зеро, тасвирий санъат дарсларида эгалланган малакалар буюмларнинг специфик параметрлари – уларнинг шакли, конструктив тузилиши, ранги, материалли, фактураси, нисбатлари, тежамкорлик ва энг муҳими, эстетик параметрлари ва уларнинг мутаносиблиги ҳақидаги конуниятлар – назарий билимлар ва амалий малакалар, асосан, тасвирий санъат дарсларида таркиб топтирилади.

Педагогика ва психология, хусусий методика фанларининг янани хулосалари ҳамда таълим тарихи, унинг замонавий шартларда ривожланиш тенденцияларининг тахлилига асосан таълимнинг мумкинлики, тасвирий санъат дарслари ўқувчиларда борлиги ва санъатдаги гўзалликларни кўра билиш ва ундан эстетик завқ олиш малакаларини шакллантиришда муҳим асосларга эга бўлибгина қолмай, балки ижодкор шахсни тарбиялаш омили ҳамдир. Айниқса, инсон ва табиат мутаносабатлари халқаро миқёсдаги глобал муаммога айланиб бораётган бир даврда ўқувчиларни табиат гўзалликларини эстетик ядрок этиш, уни ўзларининг ижодий фаолиятларида таъбирлашга, атроф-муҳитнинг гўзаллиги ва бойлигини асраб-яқлашга ўргатиш уларни нафақат бадиий-эстетик тарбиялаш, балки она табиатга муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Тасвирий ва амалий санъат, бадиий хунармандчилик, меъморлик ва дизайн санъати асарлари намуналарини ўрганиш ўқувчиларни бадиий маданиятимиз дурдоналаридан бахраманд қилади, уларга халқимиз тарихи, турмуш тарзини чуқурроқ билиб олиш имкониятини беради. Бу таълимий ва тарбиявий имконият ўқувчиларни ватанга, унинг миллий тарихи ва бадиий анъаналарига хурмат ва садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Бадиий маданият ва ижодкорлик ҳар бир шахс учун у қандай касб этаси бўлишидан қатъи назар фаолиятга ижодий

сўрашди. 2014–2015-ўқув йилидан 4–5-синфлар учун, 2017–2018-ўқув йилидан 6, 7-синфлар (қайта нашр) учун шу тартибда дарсликлар яратилиб бадий таълим амалиётига татбиқ қилинди.

Ўқитилган яратилган “Тасвирий санъат” дарсликлари мазмунини ўқувчиларда маънавий, бадий ва ахлоқий маданиятни шакллантириш, бадий-эстетик маданиятни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъмуриятининг Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза, асарот ва телекоммуникациялар комплекси мажлисининг 2011 йил 2 февралдаги 07-8-10-сонли баёнига кўра, бадий таълим мазмунини миллий тарихий бадий асарлар билан бир қаторда муъассалар йилларида яратилган тасвирий санъат асарлари билан бойитиш, унда оптималлаштирилган ўқув дастурининг талабларига тўла риоя қилишга бош мезон сифатида асосланмоқда.

Тасвирий санъат таълими соҳасида 2017–2018-ўқув йилига қадар мавжуд бўлган муаммолар сирасига, биринчи навбатда, дарсликлар тақчиллигини киритиш мумкин. Хусусан, 2008 йилдан 2–7-синфларда тасвирий санъат таълими дарсликсиз ҳолатда олиниб келинди. 2006 йилда нашр этирилган 7-синф дарслигини кам тиражда (35 000) чиқарилганлиги ҳамда 2017 йилга қадар қайта нашр қилинмаганлиги боис бугунги кун тасвирий санъат фани ўқитувчисининг педагогик арсеналида бу дарслик мавжуд мавжуд эмас эди. 2012 йилда кам тиражда (80 000) нашр қилинган 5-синф дарслиги¹ ҳам 2015 йилга қадар мавжуд ҳолатда қолдира олмаган. 4-синф учун² 2015 йилгача, 6-синф учун эса 2017 йилгача республикамиз халқ таълими тарихида умуман дарслик нашр қилинган эмас.

Нижатидан, тасвирий санъатни ўқитиш учун лозим бўлган дидактик мажмуа – ўқув таблицалар, иллюстратив материаллар маъмурият, ўқитишнинг электрон воситалари, махсус методикага

¹ Мазкур дарслик 2015 йилда “Ўзбекистон” нашриёт-маъбаа ижодий уюмида нашр этирилган ҳамда янги таълимга киритилган.

² 4-синф дарслиги 2015 йилда “Шарк” нашриёт-маъбаа акциядорлик компанияси томонидан нашр этирилган ҳамда янги таълимга киритилган. 2017 йилда таълим қўрилган асосда дарсликнинг қайта янги таълимга киритилиши нашр этирилган. 2017–2018-ўқув йилидан мазкур дарсликнинг қайта янги таълимга киритилиши ҳамда ўқутирилган тарзда мазмун, иллюстратив қаторлари 40 % ўзгаририлган тарзда янги таълимга киритилган.

ёндашиши учун зарурдир. Шу тариқа мактаб таълимида тасвирий санъат дарслирида амалга оширилаётган бадий-эстетик таълим билан бир қаторда ўқувчиларнинг инсонпарварлик руҳида тарбиялаш борасида ҳам кенг имкониятлар яратилади. Бунинг учун тасвирий ва амалий санъат, бадий хунармандчилик, меъморлик ва дизайн санъати бўйича тарихий мумтоз намуналар билан бирга замонавий санъат асарларини ўрганиб боришни таъминлаш, бу борада умуминсоний ва миллий санъат намуналаридан синтетик тарзда оптимал нисбатлар асосида ўрганилиш лозим.

1.1.3. Тасвирий санъат ўқув фани мазмунини ислох қилиш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ҳамда муаммолари

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Қадрлар тайёрлаш миллий дастури” талаблари асосида таълим тизимида рўй бераётган ўзгаришлар умумий ўрта таълим мактабларидаги бошқа ўқув фанлари қатори “Тасвирий санъат” ўқув фанини ўқитишнинг мазмуни ва тузилиши ислох қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъмуриятининг 1998 йил 13 майдаги “Ўзбекистонда умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида”ги 203-сонли қарорига асосан ўтказилган тажриба-синов натижаларининг таҳлили, шунингдек, кўп сонли тасвирий санъат ўқитувчилари ва муъассаларнинг фикр-мулоҳазаларига асосан 1999–2000-ўқув йилидан бошлаб янги мазмун ва тузилишдаги “Тасвирий санъат” ўқув фани ўқитишга бошланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъмуриятининг 1999 йил 16 августдаги “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 390-сонли Қарори билан тасдиқланган Давлат таълим стандарти, ўқув дастури ва таънч ўқув режасига биноан тасвирий санъат дарслири 1–7-синфларда ҳафтаига 1 соатдан жами 237 соат ўқитилиши белгиланган. Вазирлар Маъмуриятининг 2004 йил 22 ноябрдаги 548-сонли қарори асосида “Тасвирий санъат” ўқув фанидан 1-синф (2002 йилдан) 2–3-синфлар учун (2008 йилдан) дарсликлар нашр этирилиб, ижара тизими асосида таълим амалиётини

оид ишланмалар, ўқув кўйилма(натура) учун муляж ва тулумларнинг етарли эмаслиги истиқболда ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар сирасига кирadi.

Учинчидан, умумий ҳолатда мамлакатимизда бадий таълим сифати ва самардорлиги сезиларли тарзда ортиб бораётган бир даврда умумий ўрта таълим мактабларида махсус маълумотли ўқитувчилар таркиби мавжуд эҳтиёжни қондириш даражасида эмас. Шу маънода педагогик йўналишдаги олий ўқув юртиларида маҳаллий эҳтиёжлар асосида лозим бўлган касбий компетенцияга эга бўлган тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлаш муаммосига ижобий ечим топish зарур.

1.1.4. Тасвирий санъат таълимини ривожлантириш концепциянинг мақсади, вазифалари ҳамда асосий йўналишлари

Умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъатни ўқитишни ривожлантириш концепциясининг мақсади ва вазифалари ўқув фанининг мақсади ва вазифаларига монанд бўлиб, республикаимизда мазкур фанни ўқитишнинг истиқболларини белгилаш йўллари аниқлаш унинг асосий мақсади ҳисобланади. Унга кўра “Тасвирий санъат” ўқув фанининг бош мақсади ўқувчиларда эстетик маданият ва бадий тафаккурни юксалтириш ҳамда уларда тасвирий саводхонликнинг элементар асослари ҳақидаги назарий билим ва амалий малакаларни шакллантиришдан иборат.

Тасвирий санъат таълимининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ўқувчиларнинг бадий тафаккурини шакллантириш орқали уларда тасвирий ва амалий санъат асарларини эстетик идрок этиш компетенцияларини такомиллаштириш;
- ўқувчиларда санъат асарларини ижтимоий моҳияти ва аҳамиятини англаш, идрок этиш ва баҳолаш, уларга эстетик муносабат билидириш малакаларини таркиб топтириш;
- атроф-муҳит, борлиқдаги ва санъат асарларидаги эстетик ҳолатларни англашга оид билим ва малакаларни шакллантириш;

Ўқувчиларни тасвирий ва амалий санъат, бадий саводхонлик, меъморлик ва дизайн санъати намуналари билан таништириш орқали уларнинг ўзига хос хусусиятлари билан назарий билим ва амалий малакаларини тарбиялаш;

Ўқувчиларни тасвирий санъатнинг турлари (рангасвир, графика ва ҳайкалтарошлик), жанрлари (портрет, натюрморт, манера ва б.), тасвирий санъатнинг қонуниятлари (компановка, перспектива, композиция, ритм, фактура, ёруғ ва соя ва х.к.), инфовий воситалари (ранг суртмаси, чизик, фактура ва б.) билан таништириш орқали уларда тасвирлаш малакалари, ижодкорлик қулимавларини таркиб топтириш;

Тасвирий санъатнинг назарий ва амалий асослари ҳақидаги билим ва малакаларни таркиб топтириш воситасида баркамол нақш тарбиясининг муҳим компонентлари – ўқувчиларда эстетик дид, эстетик онг, бадий тафаккур ва тасвирий саводхонликни шакллантириш.

Концепцияда илгари сурилган ғояларни амалиётга жорий этиш уч йўналишда амалга оширилади. Унинг **биринчи йўналиши**да умумий ўрта таълим мактабларининг 1 – 7- синфларида “Тасвирий санъат” ўқув фанини ўқитиш жараёнида концепцияда кўрсатилган тавсия ва ёндашувларга амал қилиш орқали асосий ғоялар амалиётга татбиқ этиб борилади. Шу тарзда соҳанинг ўқув дастурини такомиллаштириш воситасида “Тасвирий санъат” ўқув фанининг мазмуни, умуман бадий-эстетик таълим тизими ривожлантириб борилади. Бу ривожлантиришнинг асосий параметри сифатида тасвирий санъат воситаси сифати ва самардорлигини ошириш даражалари кўрсатилади.

Иккинчи йўналишда “Тасвирий санъат” ўқув фанининг Давлат таълим стандарти, ўқув дастурини такомиллаштириш воситасида амалдаги дарсликларнинг структураси, мазмуни ва бадий-архитектоник параметрларини такомиллаштириш, истиқболда дарсликларнинг янги авлодини яратиш орқали бадий-эстетик таълимни ривожлантириш имкониятлари юзага келиши, Талқоқот натижаларига асосланган ҳолда истиқболга йўналтирилган лойиҳаларнинг биринчи босқичи – бошланғич таълим учун тасвирий санъатдан **янги авлод дарсликларини**

яратишнинг дидактик талабларига оид лойиха ишлаб чиқилди. Шунингдек, амалдаги дарсликлар қайта ишланиб тўлдирилган ва тузатиш вариантда тақдим этилди.

Учинчи йўналишда умумий ўрта таълим мактабларини тасвирий санъатдан олий маълумотли ўқитувчилар билан таъминлаш воситасида соҳани ривожлантириш назарда тутилади. Амалдаги ҳолатнинг тахлили шунини кўрсатадики, умумий ўрта таълим тизимидаги ўқув фанлари ичида махсус маълумотга эга бўлган мутахассис ўқитувчилар билан таъминланганлик борасида тасвирий санъат охириги ўринда туради, яъни республикамиз умумий ўрта таълим мактабларида фаолият кўрсатаётган олий маълумотли тасвирий санъат ўқитувчилари монографиянинг кириш қисмида таъкидлаб ўтганимиздек, 13,7 фоизни ташкил қилади. Бу муаммони педагогик йўналишдаги олий ўқув юр்தларининг “Санъат”, “Педагогика”, “Қасбий таълим” факультетларида умумий ўрта таълим учун ўқитувчилар тайрлашнинг мақсадли дастурини жорий этиш билан ҳал этиш мумкин.

Муаммонинг ижобий ечимларидан бири сифатида педагог кадрларин қайта тайёрлаш курсларида уларни тасвирий санъат таълимига ихтисослаштиришни эътироф этиш мумкин.

1.1.5. Умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъатни ўқитишнинг структураси ва мазмуни

Тасвирий санъат таълими умумий ўрта таълим мактабларининг 1–7-синфларида ҳафтасига 1 соатдан ўқитилиб, уч турдаги фаолият (санъатшунослик асослари, тасвирий фаолият (натурага қараб тасвирлаш) ҳамда композицион фаолият) ва олти йўналиш (санъатшунослик асосларининг етакчи йўналиши – суҳбат, рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, меъморлик, амалий ва дизайн санъати)даги дарс турларига бўлинади. Айрим дарс турлари 1–4-синфларда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бир-биридан фарқ қилиши назарда тутилади. Жумладан, 5–7-синфларда ўқитиладиган ҳамда ўқувчиларда санъат асарларини бадий-эстетик идрок этишга ўргатувчи санъатшунослик асослари дарслари бошлангич синфларда суҳбат

турдаги борлиқни ва санъатни идрок этиш шаклида олиб борилади.

Умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган “Тасвирий санъат” ўқув фани ўз мазмунига кўра интератив фан ҳисобланади. Чунки унинг мазмунида тасвирий санъатдан таниқлари амалий безак санъати, бадий хунармандчилик, меъморлик ва дизайн оид ўқув материалларини ўзлаштириш белгилаб қўйилган. Шунингдек, тасвирий санъат таълимининг мазмуни 1–4, 5–7-синфларда ўқитилишида муайян тафовуслар мавжуд ва тасвирий санъатнинг узлуксиз тизими мантиқий ривожланиб бориш принципи асосига қурилади. Масалан, бошлангич синфлардаги борлиқни идрок этиш дарслари 5-синфдан бошлаб санъатни идрок этиш тарзида давом эттирилиб, асосий эътибор бевосита ўқувчиларда санъат асарларини бадий-эстетик идрок этишга оид билим, малака ва кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилади ва фаолиятнинг бу тури тасвирий санъатдан Давлат таълим стандарти ҳамда ўқув дастурида “Санъатшунослик асослари” блоки тарзида берилади.

Фаолият турлари бўйича “Тасвирий санъат” ўқув фани қуйидаги йўналишларда олиб борилади.

Борлиқни идрок этиш. Бу йўналишдаги дарсларда бошлангич синф ўқувчиларини агроф-муҳитни эстетик идрок этишга ўргатиш воситасида инсоният учун долзарблашиб бораётган инсон ва табиат муносабатларини теранроқ англаш, теъварак-агроф ва воқелиқдаги гўзалликни идрок этиш кўникмаларини шакллантириш орқали ўқувчиларда эстетик ва экологик маданият элементлари таркиб топгириб борилади. Бу бўлим тасвирий санъат таълими мазмунида алоҳида ўрин эгаллайди. У санъатнинг ҳаёт билан алоқасини тушунишга, кузатилаётган воқелиқларнинг турли-туман ҳолатлар, ундаги шакллар, ранглар хилма-хиллигини кўра билишни ўргатади. Бу бўлимда тасвирий санъатда тасвирланган воқелиқлар, шунингдек, меъморлик обидаларини табиат билан ҳамоханликда борлиқнинг бир қисми сифатида англаш, эстетик идрок этиш объекти тариқасида ўрганилади.

Санъатни идрок этиш. Санъатшунослик фаолиятининг асосий шакли сифатида бу турдаги дарсларда кенг маънода

методик қўлланмалар, ўқув табличалари, ўқитишни мултимедиа воситалари, иллюстратив материаллар ва бошқа ўқув-услубий манбаларнинг танқислиги тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишга, умуман, бадий таълим соҳасини ривожлантиришга тўқинлик қилаётган муаммолар сирасига киради. Умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган "Тасвирий санъат" ўқув фанини лозим бўлган ўқув-методик мажмуа ва жиҳозлар билан таъминланиши умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни бадий-эстетик тарбиялаш тизимини ривожлантириш, таълим мазмуни ва методларини такомиллаштириш, пировардида таълим сифати ва самарадорлигини оширишни кафолатлайди.

1.2. Тасвирий санъат таълимининг хорижий тадқиқотлар контекстидаги методик эҳтиёжларининг миллий таснифи

Барча замонларда ва барча бадий мактабларда тасвирий саводхонлик муаммоси, яъни таълим сифати ва самарадорлиги муҳим масалалар қаторида эътироф этилиб, унинг асосий омиллари сифатида бир қатор дидактик талаблар тилга олинган. Шунингдек, соҳа мутахассислари бадий таълимни, жумладан, тасвирий санъат таълимини шахснинг умумий ривожланишидаги ўрнига юқори баҳо берадилар. Жумладан, австралиялик тадқиқотчилар А.Кларк ва Ш.Хуберт (Clarke, Angela; Hubert, Shane)лар икки йил давомида олиб борган тадқиқотларига асосланган ҳолда, тасвирий фаолият самарадорлиги борасида интеграциялашган таълим методлари бу борадаги кўпгина муаммоларни ҳал этишга замин яратишига ишора қиладилар. Айниқса, бу жараённинг гнесологик асосларини эътиборга олиш тасвирий фаолият билан шуғулланувчиларнинг ижодий потенциалини оширишга хизмат қилишини алоҳида уқштириб ўтадилар. Шу ғоларнинг микротатбиқи сифатида турли шакл ва мақомдаги визуал материалларни интегратив тарзда тасвирий санъатнинг тур ва жанрлари, тасвирий санъат таълими таркибидаги фаолият турларига нисбатан таълим этиш ҳақидаги ёндашувларнинг мақсадга мувофиқлиги маълум маънода назарий жиҳатдан асосланади. Яна бир гуруҳ олимлар (Liebau, Eckart)

таълим таълим сифати ва самарадорлигини таълим таълимнинг борлиқни, агроф-мухитни эстетик идрок этиш таълимнинг билан боғлайдилар ҳамда бадий-эстетик таълимнинг методологик ёндашувларини мунтазам тарзда тадқиқот таълимнинг лозимлигини ўқтирадилар. Бу концепция Ўзбекистон таълим таълимнинг ўрта таълим ўқув фанлари тизимида таълимнинг барча соҳалари каби тасвирий санъат таълими таълимнинг мавжуд ижтимоий-педагогик эҳтиёжлар таълимнинг мунтазам тарзда тадқиқот этиш лозимлиги ҳақидаги таълим ёндашувларга мос келади.

Москва тадқиқотда тасвирий санъат таълимининг визуал таълими бадий таълим сифати ва самарадорлигини таълимнинг устувор омилларидан бири сифатида қаралмоқда. Таълимнинг бу нуқтани назардан айрим хорижий тадқиқотлар таълимнинг нуқтани назарлари билан мос келади. Таълимнинг, Liebau (Liebau, Eckart)нинг фикрича, таълим таълимнинг ийида турлича методларни қўллаб кўриш таълим

Таълимнинг бир муаллиф, туркиялик тадқиқотчи Н.Маъмур таълимнинг таълимнинг, визуал воситалар ёрдамида таълимнинг устуворлигининг таълимнинг кейинги босқичларидаги таълимнинг ҳам самаралироқ кечади. Тадқиқотчи олий таълим таълимнинг мақсадида ўқитган тартибига кўра, яъни визуал таълимнинг билан ва уларсиз ўқитилган талабаларни ўқитишни таълимнинг орқали айнан визуал воситалар орқали ўқитилган таълимнинг маънавий-таҳлилий сифатлари юқори бўлганлиги таълимнинг илгари сурган ва бу борадаги маълумотлар таълимнинг таълим вақили, профессор Айсе Чакир Илхан таълимнинг эксперт сифатида юқори баҳоланган.

Хитойлик (Liu, Siyuan) ва туркиялик (М.Гокай, М. Шахверди) олимларнинг тадқиқотларида бадий таълим сифати ва самарадорлигини ошириш воситаси сифатида рассомларнинг таълимлари ҳамда тасвирий санъат музейлари ва галереяларининг таълим алоҳидада эътибор қаратилган. Бизнинг тадқиқотимиз таълимнинг кўшимча материал сифатида студияларда таълимнинг рассомлар томонидан ўқитилган "Маҳорат таълимлари" таълимнинг машғулотларнинг видеотасвирларидан,

Шу мақсадда мактаб ўқитувчилари билан ижтимоий педагогик талаблар контекстида ҳар бир даврга хос ва мос тарзда социологик сўровлар ўтказиб борилади ҳамда истиқболга йўналтирилган ишларда унинг натижаларига асосланилади.

Педагогик ва психологик тадқиқотларда анаъанвий тарзда қўлланиб келинаётган социологик сўровнома методи у ёки бу соҳадаги мавжуд муаммолар, уларнинг кўлами ва мазмуни, биртараф этишга оид фикр-мулоҳазаларни ўрганиш ҳамда объектив маълумот олишнинг муҳим шаклларидан биридир. Шу нуқтилада мамлакатимиз умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган “Тасвирий санъат” ўқув фанидан таълим сифати ва самардорлигини ошириш омилларини аниқлаш мақсадида тасвирий санъат ўқитувчилари ўртасида социологик сўров ўтказилди. Унга кўра тадқиқот йўналишига мос бўлган, аниқланиши тадқиқот истиқболини белгилаб бериши мумкин бўлган 15 та савол ишлаб чиқилиб, махсус анкета сўровномаси шифатида тасвирий санъат ўқитувчиларига тақдим этилди. Мазкур сўровга жалб этилган респондентларнинг сони кўп бўлмасада, “Йилнинг энг яхши тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси” кўрик-танловининг 2016 йилги республика босқичида географик камров нуқтаи назаридан бутун республикани камраб олиш имконияти бўлди.

Анкета сўровининг мақсади шифатида соҳага оид муаммоларни гуруҳлаштирган тарзда “Тасвирий санъат” ўқув фанидан:

- амалдаги ДТС ҳамда ўқув дастури, дареликларнинг мазмуни хусусидаги;

- ўқитувчилар методик манба шифатида фойдаланадиган каналларнинг турлари ҳақидаги;

- тасвирий санъат таълимидан ДТСда белгиланган ҳамда ўқув дастурида берилган тасвирий ва амалий санъат асарлари, рисоомлар, хайкалтарошлар, халқ амалий санъати усталари ҳақидаги маҳаллий ва жаҳон санъати намуналарининг репродукцияларига нисбатан эҳтиёжнинг кўлами, мазмуни ҳақидаги;

- амалдаги ДТСга кўра фаолият турларининг структураси, номланиши ва уларнинг мазмуни хусусидаги;

шунингдек, тасвирий санъат асарлари репродукцияларининг электрон каталогидан фойдаланиш мактаб тасвирий санъат таълимида кўшимча материал шифатида таълим сифати ва самардорлигини оширишга ижобий таъсир ўтказди.

Тасвирий санъат ўқитувчиларининг дидактик ишланмаларга нисбатан мавжуд методик эҳтиёжларининг тадқиқи натижаларидан аён бўлдики, ўқувчиларда манзара ишлаш малакаларини ривожлантириш орқали уларнинг тасвирий саводхонлик даражаларини ортишига нисбатан осонроқ эришиш мумкин. Бизнинг бу нуқтаи назаримиз голландиялик тадқиқотчи Эрнст Бос (Bos, Ernst) нинг қарашлари билан адекватдир. Мазкур ҳолатда икки ижтимоий муаммо ечими кўзда тутилган.

Маълумки, Голландиянинг Гаа шаҳри атрофи табиий кўринишлари, қишлоқ манзаралари гўзаллиги билан нафақат голландиялик, балки Европа рисоомларининг кизиқиш доираларида бўлган. Урбанизация туфайли бу муаммо янада дозарбланиб бораётганлиги олимнинг 2015 йилда “JOURNAL OF CULTURAL HERITAGE”да эълон қилинган мақоласида исботлаб беришга ҳаракат қилинган (26). Бу муаммо, яъни бадий таълим билан ҳамоханга тарзда ечилинадиган экологик таълим муаммоси мавжуд барча мамлакатлар учун, жумладан, Ўзбекистон учун ҳам тааллуқли бўлиб, муаммонинг ижобий ечими шифатида тасвирий санъат таълимининг тарбиявий имкониятларидан оқилона фойдаланишни эътироф этиш мумкин. Бу омилни хорижий тадқиқотлар контекстида Ўзбекистон мактабларида амалга ошириладиган тасвирий санъат таълимидаги мавжуд методик эҳтиёжларнинг миллий таснифи, талқини деб қараш мумкин.

Юқорида келтирилган маълумотлар тасвирий санъат таълими сифати ва самардорлигини ошириш йўналишларини назарий жиҳатдан асослаш учун методологик асос вазифасини ўтайди.

Айни пайтда алоҳида таъкидлаш жоизки, биринчи навбадда, таълим сифати ва самардорлигини ошириш йўллари билан белгилашда амалиётчи ўқитувчиларнинг фикр-мулоҳазалари ҳал қилувчи роль ўйнайди. Тасвирий санъат таълимида мавжуд дидактик ишланмаларга бўлган эҳтиёж бундан мустасно эмас.

... - тасвирий санъат таълими сифати ва самаралдорлигини оширишга салбий таъсир ўтказаяётган омиллар ҳақидаги фикр мулоҳазаларни аниқлаш кўзда тутилди.

Олинган натижаларни икки хил тоифада баҳолаш мумкин. Биринчидан, узоқ йиллардан буён сақланиб келинаётган анъана тасвирий санъат ўқитувчиларининг етарли даражада фаоллик кўрсатмасликлари, масалага масъулият билан ёндашмаганликлари социологик сўровни тўлақонли ўтказилди, деб баҳолашга имкон бермайди. Шунингдек, яна жавобларнинг чуқурлиги ҳам объектив маълумот олишга монелик қилди.

Таҳлиллардан энг эътиборлиси ўнлаб рассомлар - жумладан, Ўзбекистонлик ва жаҳон тасвирий санъати намояндаларининг ҳаёти ва ижодини ўрганиш Давлат таълим стандартлари белгиланган, улар ҳақидаги материаллар янги аниқ дарсликлариде берилганлигига карамай 2 мартадан ортиқ тилга олинган рассомлар (Малик Набиев, Раҳим Аҳмедов, Рўзи Чориев) номлари қайд этилмади. Акмал Нур, Ортиғали Қозоқов, Зухриддин Исломиқов, Гафур Абдурахмонов, Урол Тансиқбоев, Турсунали Қўзиев, Янис Салпинкиди каби рассомлар фақат бир мартадан тилга олинган ҳолда бутунги кун Ўзбекистон тасвирий санъатининг таниқли намояндалари асарлари тасвирий санъат дарсликларига кирган Акмал Икромжонов, Акмал Нуриддинов, Алишер Алиқулов, Рустан Худойбергенов, Ортиғали Қозоқов, Нодира Орипова каби рассомларнинг номлари умуман тилган олинмаган. Шунингдек, жавоблардан англаш мумкинки, халқ амалий санъати (Усти Ширин Муродов) ҳамда хайкалтарошлиги (Илхом Жабборов) бўйича ҳам тасвирий санъат ўқитувчилари етарли тасаввурга эга эмас. Жаҳон тасвирий санъати намояндаларидан Леонардо да Винчи, Микеланжело, Рембрандт, Рафаэл Санти, Илья Репин, Иван Шишкин, айниқса, Европа импрессионизми вақиллари Клод Моне, Альфред Сислей, Огюст Ренуар, Эдуард Мане, Ван Гог каби дунёга машхур рассомлар ва уларнинг бирорта асари мутлоқо эсланмаган. Ҳолбуки, уларни ўрганиш "Тасвирий санъат" ўқув фанидан Давлат таълим стандартида белгиланган Демак, истикболда тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини таъминлашнинг дидактик имкониятлари

...нинг ўқитувчининг компетенциясига устувор тарзда қараш, ...

... Адабиёт сўрономасининг навбатдаги вазифалари сифатида ... таълим санъат ўқитувчиларини турли мақом ва мазмундаги ... таълим санъат ўқитувчиларига нисбатан мавжуд эҳтиёжни ўрганиш ... бу йўналишда ўқитувчи учун ўзига хос ... таълим сифатида дарслик ва ўқув қўлланмалардан ташқари ... таълимнинг электрон ресурсларидан ... уларни таълим сифати ва самарадорлигига таъсири ... бўйича материал олиш режаси ҳам ... бўлмаганлиги боис ўзининг тўлақонли ... Шунингдек, социологик сўровнинг бошқа ... ҳам етарли маълумот тўплаш имкони бўлмади. ... натижалар қандай хулоса чиқариш ... бизнингча, социологик сўров билан қамраб ... таълимнинг муҳим эканлигини тушунтириш ишлари ... шундай яқун тошган ...

... Неваридан, социологик сўровга тайёрланган ишланма ... янада парчалаб (майдалаб), ўқитувчи ... фикрларини "суғириб" олиш имкониятларини ... давом эттириш лозим. ... бўлмасида, айрим масалалар юзасидан ... тўлиқ бўлмасида, айрим масалалар юзасидан ... шубҳасиз, тасвирий санъат таълими ... оширишга хизмат қилади. Зеро, унда ... ташқари қўтилмаган жавоблар, ... Жумладан, Тошкент шаҳридаги ... таълим мактабининг тасвирий санъат ... 6-синфда Шарқ миниатюрасига ... борилмаган мактабларда кўпроқ рус ... интилиш ҳолатлари ...

... Айтишларидан хулоса шуки, социологик сўров тўлақонли ... имкониятини тақдим этмаган бўлса-да, унда

билдирилган фикр-мулоҳазалар тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг дидактик имкониятларини тадқиқ этишда маълум даражада амалий асос вазифасини ўташи Қолаверса, истиқболда бу йўналишда амалга ошириладиган тадқиқотлар мавжуд бўшлиқларни тўлдиришга замин яратди.

1.3. Тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлиги даражасини баҳолашнинг асосий параметрлари

Ўқувчиларнинг тасвирий санъатга оид билимлари мазмунда нафақат тасвирий ва амалий санъат, балки, умумий объектлар дунё ҳақидаги билимлар умумлаштирилган ҳолда баҳо эгтирилади. Унда, биринчи навбатда, инсон ва олам концепциясига амал қилинади. Билимларни ўзлаштириш фақатлар тушунчалар ва қонуниятларни ўрганишни назарда тутати. Шу қонуниятлар тизимида тасвирий санъатнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, уларни ўзлаштириш ҳамда амалий тасвирий фаолиятга татбиқ қилиш ўқувчиларнинг тасвирий санъат асослари бўйича билимларининг сифатини белгилловчи асосий параметр ҳисобланади. Шунингдек, эгалланган билимлардан турли шароитларда, жумладан, янги билимларни эгаллаш учун фойдалана билиш билимларнинг тўлаллиги ва чуқурлигини белгилловчинг муҳим кўрсаткичидир.

Ўқувчиларнинг тасвирий санъатга оид билимларининг сифати уларнинг компетенциялари, яъни соҳага оид назарий билим ҳамда амалий кўникма ва малакалари даражаси билан белгиланади.

Кўникма – кишининг маълум бир ҳаракатларни оғинли равишда бажариш қобилиятидир. Бу қобилият билимлар ва энг оддий тажриба асосида ҳосил қилинади. Билимлар бажарилаётган ҳаракатнинг назарий асоси ҳисобланади. Билимлар туфайли ҳаракатларнинг айрим босқичлари ва уларнинг кетма-кетлиги тушунарли бўлади. Кўникма ва малакалар – бу амалда қўланиладиган билимларнинг амалий тағбиғидир.

Малака – машқ қилиш йўли билан ҳосил бўладиган иш ҳаракатдир. Машқ қилиш натижасида юриш, ўқиш, ёзиш, оғзаки ҳисоблаш, хилма-хил меҳнат жараёнларини бажариш малакалари

ва шунини. Тасвирий санъатдан болаларнинг ижодий қобилиятини ҳам шундай ҳаракат турига қиради. Бу омил, амал билимнинг синфларда муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳаракатни бажаришнинг муайян усулларини эгаллаб олиш ва бу ишни онгнинг назоратисиз автоматик равишдаги фаолият натижасида бажаради. Бу жараён ўқувчлар фаолиятнинг, ўқувчилар тасвирий фаолиятнинг бошланғич босқичида фаолиятнинг онгли сурагда бажарилиши диққат марказда бўлиши малакаларнинг тасвирий фаолиятида яққол кузатилади. Масалан, тасвирий санъат дарсида ўқувчи йил фасллари чизиш ва тасвирий фаолият ўтганда ранглари кўйишда кетма-кетлигини назарда тутиб, керакли ранглар ва мўй қаламни танлаши лозим. Бу ҳаракатнинг муайян бўлиши бир неча марта такрорлагандан сўнг, тасвирий фаолиятнинг бир ҳаракатга айланса, у онгнинг зохирий фаолиятни бажарилади. Янги расмларга ранглари танлаш, тасвирий фаолиятнинг кўп марта такрорлаш ҳар доим бу фаолиятнинг кетма-кетлигини ўйлаб кўришга эҳтиёж сезилмади. Шундай физиологик-психологик операцияларни тасвирий фаолиятнинг бошланғич синфларда тўғри йўналтирилган фаолият ўқувчиларда улар нисбатан сифатлироқ бажарилади.

Ўқувчилар томонидан ўқув материаллари ўзлаштирилган фаолиятнинг малака ва малакалар ҳосил бўлганлигини текшириш ва тасвирий санъатнинг жараёнининг зарур таркибий қисми ҳисобланади. Бу фақат ўқитиш натижаларини назорат қилиш фаолиятининг бошланғич жараёнининг турли босқичларида таълим фаолиятининг билиш фаолиятига раҳбарлик қилиш ҳамдир.

Малака – таълим жараёнининг маълум босқичида ўқув фаолиятини эришилганлик даражасини олдиндан белгиланган натижалар асосида ўлчаш, натижаларни аниқлаш ва таҳлил қилишнинг иборат жараёндир.

Билимларни текшириш ва баҳолашнинг таълимий аҳамияти таълим иборати, бунда ўқув материалнинг ўзлаштирилганлиги маълум таълим берувчи ҳам, таълим олувчи ҳам муайян натижаларга эришиши бўлади. Баҳолаш натижасида таълим берувчи қувватининг олувчиларнинг нимани билиши ва нимани ўрганиши, қайси материал яхши ўзлаштирилгану, қайси бора қилинган ишлар даражада ўзлаштирилмаганлиги ёки умуман

ўзлаштирилмаганлиги маълум бўлади. Бу таълим олувчининг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш учун асос ҳисобланади. Таълим берувчи ўз ишининг афзалликларига ва камчиликларига танқидий баҳо беради ва ўз иш методларига тузатишлар киритади. Шунингдек, баҳолаш натижалари таълим берувчининг ўқув дастурига материалларни таълим олувчиларнинг билиш имкониятлари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиши ва баҳолаши учун ҳам жуда муҳимдир.

Баҳолаш натижасида тушунча ва қонун-қондаларнинг қайси бирлари кийин, қайси бирлари эса осон ўзлаштирилиши аниқ-равшан бўлади. Бу таълим олувчининг ижодий тарзда дарста тайёргарлик кўриши ва ўқув машғулотини ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, таълим олувчига ҳам таълим жараёнида қайси ўқув материални яхши, қайси яисини қониқарли ва нимани паст даражада ўзлаштиргани маълум бўлади. Бу омил тасвирий санъат таълими сифатини таъминлашнинг дидактик имкониятларини ошириш истиқболларини белгилашнинг муҳим омилларидан биридир.

Билимларни, кўникма ва малакаларни назорат қилиш ва баҳолаш нафақат таълимий, балки тарбиявий аҳамият ҳам муҳим ҳисобланади. Унинг тарбиявий аҳамияти шундаки, бунда таълим олувчиларнинг ўқишдаги муваффақиятсизликларига нисбатан муносабати шаклланади, қийинчиликларни енгиш истаги туғилади. Баҳолаш ҳамisha таълим олувчининг шахс сифатида ўзига нисбатан муайян бир муносабатини ҳосил қилади. Таълим берувчи таълим олувчининг ўзига нисбатан муносабатини, туйғуларини, унинг характеридаги иродалилик каби сифатларини шакллантиришга қаратиш тасвирий фаолиятнинг назарий ва амалий асосларини алоқадорликда ташкил этишга замин яратади.

Билимларни назорат қилиш ва баҳолаш муҳим дидактик аҳамиятга эга. Баҳолаш натижаларини умумлаштириб, таълим муассасаси жамоасининг таълим-тарбия соҳасидаги фаолиятига, ўқувчиларнинг умумий ўзлаштириш даражасига баҳо бериледи ва тегишли хулосалар чиқарилади. Давлат таълим стандартларида белгиланган талаблар, компетенциялар ўқувчиларнинг назарий билим ва амалий кўникмаларини белгиловчи асосий параметрлар ҳисобланади.

Баҳолаш натижасида нафақат таълим олувчининг, балки таълим берувчининг фаолияти натижаларининг сифат ва самарадорлик даражаси, шунингдек, ўқув жараёнидаги қиёзматчиликлар ҳам аниқланади.

Таълим дастурини қисм, бўлаклари буйича мунтазам баҳолаб бориш охир-оқибат аниқ ва адолатли баҳолашни таъминлайди. Кичик бўлимлар буйича баҳолаш, натижаларни жамлаш ва умумлаштириш яқиний баҳолашнинг аниқ бўлишини таъминлайди. Таълим олувчининг мунтазам равишда ўз натижалари тўғрисида хабардор қилиб туриши, унинг мақсад сари интилиши ва истақларини рўёбга келтиришига ижобий таъсир кўрсатади. Айниқса, тасвирий санъат таълимида фаолият турлари натижаларини баҳолаб бориш жараёнини комплекс тарзда ташкил этиш, таълимий йўналишини тўғри белгилаш имконини беради.

Таълим натижаларини баҳолаш муаммоси муҳимлиги бу борада кўплаб назарий ёндашувлар мавжудлиги билан ҳам тасвирланади. Жумладан, А.А Жайлаов ўқувчилар билимлари сифатини баҳолашдан ташқари таълим сифатига таъсир этувчи омиллар ва мезонлар мавжудлигини таъкидлайди.

Таълим сифати ва самарадорлигини белгилаш буйича мониторинг ўтказиш жараёнида таълим сифатига таъсир этувчи қуйидаги омиллар ўрганилади:

- ўқитувчиларнинг тайёргарлик даражаси ва касб маҳорати;
- таълим-тарбия жараёнида илғор педагогик ва ахборот коммуникация технологияларини таълим жараёнига самарали жорий этилганлиги ҳамда уларнинг натижавийлиги;
- мактаб раҳбариятининг таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этиши;
- фанлар метод бирлашмалари ва методик кенгашлари фаолияти;

- моддий-техник база ва улардан фойдаланиш даражаси;

- ўқувчиларнинг оилавий шароити;

- таълим муассасалари, ўқитувчиларга кўрсатилаётган методик ёрдам ва малака ошириш сифати.”

Р.Х.Кенжаев эса мазкур фикрга кўшимча тарзда таълим сифатини оширишга таъсир этувчи омиллар сифатида:

- таълимий дастурнинг сифати;
- таълим жараёнида иштирок этувчи педагогларнинг касбий салоҳияти;
- таълим олувчилар салоҳиятининг сифати;
- таълим жараёни воситалари (моддий-техник, лаборатория-тажриба базалари, ўқув-услубий таъминоғ, ўқув хоналари) сифати;
- таълим жараёнида қўлланилаётган технологияларнинг сифати;

- таълим тизимлари ва жараёнларини бошқариш сифати.

Таълим сифати муаммосининг халқаро тенденцияларини тадқиқ этар экан, педагогика фанлари доктори, Халқаро педагогик таълим фанлари академияси президенти, профессор Е.И. Артамонова таълим сифати тенденциялари таркибида сифатни ошириш учун бутунги кунда унинг мазмунини турли даражалар (умумназарий, фан соҳаси ҳамда муайян ўқув фани даржаси)да такомиллаштириш инновацион таълимий технологияларни, таълимнинг компетенциявий ёндашувини жорий этиш лозимлигини ўқтириб ўтади ва таълим сифати иерархиясини атрофлича тадқиқ этиб, глобал таълимий тенденциялар контекстидаги ўзгаришларнинг асоийлари сифатида қўйидаги-ларга эътибор қаратиш таълим сифатини оширишнинг асосий омиллари эканлигига ишора қилади.

“- инсонни билиш фаолияти усулларини фаол ўзлаштиришга йўналтириш;

- билимларнинг соф ассоциатив, статик моделдан динамик структурага эга бўлган ақлий ҳаракат тизимларига ўтиш;

- таълимий жараёнларни шахснинг қизиқиш ва эҳтиёжларига мослаштириш;

- таълимни таълим олувчи шахсига йўналтириш, унинг ўз имкониятларини тўлақонли очиши учун шароит яратиш...” [5,6-б].

Бадий таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг фундаментал асосларини тавсифлаш борасида ҳам академик Е.А. Артамонованинг нуқтаи назарига таяниш мақсадга мувофиқ. Жумладан, педагог кадрлар тайёрлашнинг жаҳонда амал қилинаётган тенденциялари таркибида тўққизинчи тенденция сифатида “педагогик таълимни фундаментализацияси”ни эътироф

“таълим ва фан тандеми” шаклида таълим ҳамда унинг тизими фаолият кўрсатиши лозимлигини уқтириб ўтади. Бадий таълим, асосан, тасвирий санъат таълимида бу тандемга қўшимча тарзда профессионал тасвирий санъат соҳасини ҳам киритиш лозим. Таълимнинг мазмунини белгилашда таълимнинг тарихий санъатининг тарихий намуналари ва жазон тасвирий санъатининг амалиёти намуналари билан бир қаторда замонавий тасвирий санъатдан билим даржалари, яъни ўқувчининг тасвирий санъатнинг самарадорлигини таълим сифати ва бадий таълим жараёнининг самарадорлигини белгиловчи параметрлар икки юқоридаги компонентлар ўрин

таълим тенденциялари турли мақомдаги замонавий таълим технологияларни жорий этиш орқали инновацион педагогик технологияларни ошириш омилларини таълим сифати ва самарадорлигини таълимий ёндашув эътироф этади. Бирок, шахсга йўналтирилган таълимий ёндашув замонавий таълим тенденцияларининг энг оммавийларидан биридир. Бу омил, айниқса, тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим ҳисобланади. Зеро, айнан тасвирий санъатда ўқувчиларнинг индивидуаллиги яққол намойён бўлади.

Педагогика тарихида бу омил ўзининг тарихий тараққиёт бошқачида бир қатор тенденцияларга амал қилганлигини кўриш мумкин. Жумладан, Карл Роджерснинг назариясига асосланган ҳолда тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигига икки таъсир этувчи шахсга йўналтирилган таълимнинг кунидаги хусусиятларини алоҳида кўрсатиш мумкин:

- ҳар бир индивид учун атроф-муҳитни идрок этишнинг муҳим бўлган жиҳатлари мавжуд (Г.П.Новикова). Бу омилнинг тасвирий санъат таълими учун аҳамияти шундаки, ҳар бир ўқувчи атроф-муҳитни ўзига кузатади: кимдир унда бадий образларни кўради, бирок уни амалий фаолиятга татбиқ эта олмайдди, кимдир шунчаки кузатади, яна бошқа ўқувчи табиатдан олган таассуротларини тасвирий-ижодий фаолиятга татбиқ эта олади. Шу тоифага мансуб ўқувчиларнинг салмоғи кўплиги тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини таъминлашнинг муҳим шарҳларидан биридир;

ўқитувчи ўз фаолиятига тузатишлар киритиши ва уни ўқувчилар билимларидаги камчиликларни бартараф этишга унвонларини таъминлаш учун;

• янги ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун;

• таълим жараёни ютуқларини аниқлаш учун;

• ўқувчиларни янги билимларни ўзлаштиришга қизиқтириш учун;

• ташқи қизиқувчилар (биринчи навбатда, ота-оналар)га мурожаат бериш учун.

Нимани баҳолаш керак?

• таълим жараёни бошида (бошлангич баҳолаш);

• оқимдан ўзлаштирилган назарий билимларни;

• эълан қилинган назарий билимларни амалий таълим жараёнида қўлдан келтириш;

• баҳолашда татбиқ этишга оид кўникма ва малакаларни.

Қачон баҳолаш керак?

• таълим жараёни бошида (бошлангич баҳолаш);

• таълим жараёни давомида (жорий баҳолаш);

• таълим жараёни якунида (якуний баҳолаш).

Баҳолашнинг асосий хусусиятлари:

• таълим мақсадига йўналганлик;

• мунтазам ўтказиб бориш;

• педагогик, психологик ва ҳуқуқий таълимларга

асосланганлик;

• умумий қабул қилинган натижа стандартларига

асосланганлик.

Юқорида таъкидланганидек, назарий билимлар баҳолаётганида когнитив ўқув мақсадларига эришганлик даражалари аниқланади. Амалий кўникма ва малакалар баҳоланаётганида психомоторик, хулқ-атвор ва шахсий фазилавлар баҳоланаётганида эса сифат ва самарадоликка ҳамда ўқув мақсадларига эришганлик даражалари аниқланади. Бу сифатлар, айниқса, таълимий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган таълимий жараёнларни ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, айнан унинг натижалари асосида ўқитувчи ўқув жараёнининг қайси компонентларига алоҳида эътибор бериши лозимлиги ойдинлашади.

• ҳар бир ўқувчи атроф-муҳитнинг ўз ўлчовлари билан кўради, кузатади, таҳлил қилади ва баҳолайди. Таълимий санъат ўқувчиларнинг вазифаси уларни табиат эстетикаси қонуниятлари асосида бадиий идрок этишга ўргатишдан иборат бўлади;

• атроф-муҳитни эстетик идрок этишга ўргатишнинг юқори поғонаси ўқувчилар учун буни бадиий эҳтиёж даражасига етказишдан иборат бўлиб, бу жараёни беvosита ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини эътиборга олган ҳорда ташкил этиш талаб этилади;

• атроф-муҳитни эстетик идрок этиш юзасидан ўқувчиларнинг индивидуаллиги мисолидаги тажрибаларни умумлаштириш натижасида уларда нафақат табиат, таълимий ва амалий санъат асарлари, балки тенгдошлари, устозлари ва ота-оналари билан мулоқотда юқори компетенцияларга эга бўлишларига эришиш мумкин бўлади;

• ўқувчиларнинг табиат, санъат асарларини эстетик идрок этиш борасидаги компетенцияларни такомиллаштириб боришга оид билимларини мустақил бойитиб боришга нисбатан шахсий интилишларни таълимий ва тарбиявий эҳтиёж даражасига кўтариш таълимий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг ўзига хос кафолати бўлиди.

Таълим бериш давомидаги назорат натижаларини муайян параметрлар бўйича баҳолаб бориш билим, кўникма ва малакаларни шаклландирилган даражаларини англаши учун педагогик имкониятдир.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, баҳолашнинг моҳияти ҳақида қуйидаги хулосаларни айтиш мумкин:

Нима учун баҳолаш керак?

• ўқув мақсадларига эришилганликни аниқлаш учун;

• кейинги босқичга ўтишдан олдин аввалги ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун;

• натижага эришилганлигини тасдиқлаш учун;

• ўқувчиларнинг қизиқишлари мазмуни ва йўналишини аниқлаш учун;

• тотуқ ва камчиликларни аниқлаш учун;

Умумий ўрта таълим тизимида ўқитиладиган ўқув фанлари асосларини ўқувчилар томонида ўзлаштириш даражаларини аниқлаш, унинг соҳалари ва босқичлари бўйича мониторингини олиб бориш натижасида таълимнинг сифати ва самарадорлигини ошириш ёки аксинча, унга салбий таъсир ўтказаятган омилларни аниқлаб бориш, унга монанд тарзда таълим мазмуни ва қўлланилаётган технологияларни оптималлаштириб бориш муҳим педагогик аҳамият касб этади. Бу тадбир, асосан, Давлат таълим стандартида белгиланган меъёрий талаблар негизида амалга оширилади. Бирок умумий ўрта таълим тизимидаги айрим фанларнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларнинг ўзлаштириш сифатини, кенг маънода таълим сифати ва самарадорлиги даражаларини белгилашда амал қилиниши максатга мувофиқ бўлган кўшимча параметрлар ҳам мавжуд. Бу параметрлар ўқувчиларнинг билимлари даражасини кенгрок аниқлаб бериш имконини беради. Бу борада “Тасвирий санъат” ўқув фани бир қатор ўзига хосликларга эга. Бу хусусиятлар ўқувчиларнинг тасвирий саводхонлик даражаларини белгилаш параметрларида яққол намоён бўлади.

Ўқувчиларнинг тасвирий саводхонлигини белгиловчи параметрларнинг ўзига хос “алфбоси” компанияга атамаси билан тавсифланади. Компанияга оид компетенцияни аниқлашда ўқувчининг тасвир объектини тасвир сатҳида тўғри жойлаштириш малакаси баҳоланади. Зеро, тўғри компания қилинмай бошланган тасвирий санъат натижасини иморатнинг пойдеворини, унинг биринчи гиштини нотўғри териб бошланган ишга қийслаш мумкин, яъни нотўғри компания тасвирнинг кейинги босқичидаги амаллар ҳар қанча саводли бажарилмасин, барибир яқуний натижа юқори балл билан баҳоланмайди. Шунинг учун ҳам тасвирий санъат дарсларида компанияга оид билимлар, асосан, бошлангич синфларда берилса-да, унинг тасвирий фаолиятдаги амалий татбиғи бадий таълимнинг кейинги босқичларида ҳам эътиборга олиб келинади ҳамда ўқувчиларнинг тасвирий саводхонликка оид билимларини баҳолашда, биринчи навбатда, компанияга оид назарий билим ва амалий малакаларни шакллантиришга устувор тарзда эътибор

1.4. Компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштирилган Давлат таълим стандарти бўйича тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини баҳолаш мезонлари

Олиб борилган тадқиқотлар таълим сифати ва самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари – таълим сифати ва самарадорлигини баҳолаш параметрларини такомиллаштириб боришни тақозо этишини кўрсатди. Бу жараёнда, биринчи навбатда, Давлат таълим стандартларида белгиланган талабларга асосланилади. 2017–2018-ўқув йилидан тасвирий санъат таълими компетенциявий ёндашувга асосланиб ўқитилиши муносабати билан баҳолаш мезонлари ҳам маълум даражада қайта ишлашни

тақозо этди. Қолаверса, глобаллашув шароитида таълим соҳасида кўйлаётган ижтимоий-педагогик талаблар бу тадбирнинг асосий параметри саналади.

Ўзбекистон Республикасининг замонавий таълим жараёнига кўяётган ижтимоий-педагогик талаблари, илгари сурилаётган таълимий сиёсат ҳамда жаҳон миқёсида кузатилаётган тенденциялар, модернизациялаш жараёнлари таълимнинг ҳар бир босқичида муайян талаблар асосида компетенциявий ёндашувни кўлланиши бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асосий шартларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Айниқса, ёш авлодда ижодкорлик сифатларини шакллантиришга хизмат қилувчи ўқув фанлари мисолида бу омил алоҳида аҳамият касб этади. Шу маънода тасвирий санъат таълимида компетенциявий ёндашувни кўлланишини давр тақозо этмоқда. Айнан компетенциялар таълим сифати ва самарадорлигини белгилашнинг асосий параметри ҳисобланади.

Тасвирий санъат таълимида компетенциявий ёндашув фаолият турларига кўра таснифланади, яъни ҳар бир фаолият турида ўқувчиларда белгиланган даражадаги компетенциялар шакллантирилиши лозим. Фаолият турлари бўйича улар қуйидагича таснифланади.

Борлиқни идрок этиш йўналиши бўйича ўқувчиларда шакллантириладиган компетенциялар тизимида атроф-муҳитдаги воқеа ва ҳодисларни эстетик идрок этиш, табиат ҳодисалари (фаслларнинг ўзига хослиги ва ундаги гўзаллик), борлиқдаги буюм ва нарсаларнинг эстетик хусусиятлари (ранги, шакли, конструктив тузилиши, материали, функциялари ва бошқа параметрлари) бўйича билимларга эга бўлиш ҳамда унга шахсий муносабат билдириш, ўзининг ўқув ҳамда ижтимоий фаолиятига татбиқ этиш компетенциясига эга бўлиш, шунингдек, ижтимоий мулоқотда борлиқни эстетик идрок этиш орқали олган билим ва малакаларидан ўринли фойдалана олиши назарда тутилади.

Натурага қараб тасвирлаш йўналиши бўйича дарс мавзуи бўйича натура (кўйилма)ни мақсадли кузатиш жараёнида натуранинг барча параметрлари бўйича аналитик мушоҳада юрита олиш, олинган тасаввур асосида тасвирий санъатнинг

шароитида қандали асосида натурани тасвирий саводхонлик шартлари асосида тасвирлаш компетенциясига эга бўлиши талаб қилинади. Бу компетенциянинг компонентлари композиция, композицияни яратиш қонуниятлари, фазо, макон, предмет, шакл, ранг, фактура, перспектива, нисбат, конструкция, муносабат, композиция, фруг-соя, тасвирий воситалар, тасвирлаш техникаси ва композициянинг асосий фаолиятда қўлланиладиган бадий материаллар ва ўқув куроллари, уларнинг функциялари, композициянинг раем ишлаш босқичлари ва бошқа жиҳатларини билиш ва амалий фаолиятда ўринли ва тўғри фойдалана олиш ва шу билан бир қаторда амалий малакаларнинг шаклланиши ва шаклланишнинг қонуниятларини билиш ва амалий малакаларнинг шаклланишига эришишни таъминлаш билан боғлиқ бўлади.

Композицион фаолият рангтасвир, графика, амалий безак санъати ва ҳайкалтарошлик йўналишларини камраб олади. Ҳар бир йўналишда фаолиятнинг бошқа турларида эгалланган компетенциялар, амалий тасвирий малакалар, эстетик тасаввурлар композицияни яратишнинг асоси сифатида қаралади. Композицион фаолият йўналишидаги компетенциялар ўқитувчи тавсия этган мавзу бўйича ёки ихтиёрий мавзуда тасвирий санъатнинг тур ва шартларида, амалий санъатда уларнинг қонун-қоидаларига амал қилган ҳолда мустақил композиция яратишга оид билим ва малакалар асосида баҳоланади.

Тасвирий санъат таълимининг **санъатшунослик асослари** йўналишида тасвирий санъатнинг тарихи ва назарий асослари ҳамда дастлабки маълумотлар бериш назарда тутилган бўлиб, бу соҳадаги компетенциялар даражаси ўқувчилар томонидан тасвирий санъатнинг тур ва жанрлари, бадий ижод соҳаси шартлари (рангтасвирчи рассом, график рассом, ҳайкалтарош, инжондор, ганч ўймаkori, ёғоч ўймаkori, кулол, меъмор, дизайнер ва ҳ.к.)нинг фаолияти, мазкур фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари, тасвирий санъат асарлари репродукциялари асосида асар композициясининг бадий ечимини таҳлил қила олиш, рассом фалсафасини мангикий жиҳатдан тўғри талқин қилиш олишга оид назарий билимлар даражасига биноан белгиланади.

Ўқувчиларнинг санъатшунослик йўналишидаги компетенциялари тизимида ўрганилган санъат асарларининг хусусиятла-

рига кўра тур (рангтасвир, графика, хайкалтарошлик) ва жанрлар (портрет, манзара, натюрморт, майши, тарихий, батал, маринистик, анималистик)га тааллуқлилигини, санъат тарихи ва унинг ривожланиш тенденцияларини, оқим ва йўналишларини билиш; Ўзбекистонлик ва хорижий танқли рассомлар, хайкалтарошлар, халқ усталарининг ишларини уларнинг ижодий ўзига хосликларига кўра бир-биридан фарқлай олиш, мактаб ўқувчиси даражасида шарҳлаш; санъатнинг турларига кўра уларнинг ижтимоий функцияларини англаш ва ўзгаларга тушунтириб бера олиш; ўз нутқида санъатшуносликка оид атама ҳамда тушунчаларнинг мазмуни ва моҳиятини тўғри талқин қилган ҳолда фойдалана олишга оид санъат тилида ўзаро устувор тарзда қаралади. Шунингдек, санъат тилида ўзаро ўқитувчи – ўқувчи, ўқувчи – ўқувчи, ўқувчи – атроф-муҳит) мулоқотга кириша олиш кўникмасига эга бўлиш ўқувчиларнинг коммуникатив компетенцияси сифатида баҳоланади.

Таъкидлаб ўтганимиздек, 2017–2018-ўқув йилидан умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъат таълими компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштирилган Давлат таълим стандарти асосида амалга оширила бошланди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг қўшма бўйруғи асосида тузилган ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилган такомиллаштириш жараёнида икки юмилга устувор тарзда қаралди.

Биринчи омил – тасвирий санъат таълимнинг икки мақомдаги узвийлиги, яъни умумий ўрта таълимнинг бошланғич (1 – 4-синфлар) ҳамда таянч (5–7-синфлар) босқичлари ўртасидаги узвийлик ҳамда таълим турлари ўртасидаги узвийлик.

Узлуксиз таълим тизимининг сифати ва самарадорлиги, биринчи навбатда, таълим олувчиларнинг белгиланган талаблар доирасида назарий билим ҳамда амалий малакаларни эгалаганлик даражалари билан белгиланади. Шу маънода таълим тизимида амал қилинаётган таълимий ёндашувлар контекстида компетенциявий ёндашувга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ёндашув, айниқса, таълим босқичлари ўртасидаги узвийликни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Бу дидактик талабни тўлақонли бажариллиши эса, биринчи навбатда,

таълимнинг таъминловчи оптимал механизмлар яратилганлигига

Маълумки, узлуксиз таълим тизимининг энг муҳим шартларидан бири, шубҳасиз, мактабгача ва бошланғич таълим тармагини алоқадорлик қонуниятлари, узвийлик принципларининг мақсадга мувофиқлиги билан баҳоланади. 2016 йилда бура ўқув фанлари катори “Тасвирий санъат”дан Давлат таълим стандартлари компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштирилиб, унда В1– бошланғич таълим, В1+ – тасвирий санъатга қизиқсизлиган таълим муассасаларининг бошланғич синфлари; В2 – умумий ўрта таълим мактабларининг 5–7-синфлари, В2+ – тасвирий санъатга ихтисослашган таълим муассасаларининг 5–9-синфлари ҳамда педагогика касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим таълимда тасвирий санъат мутахассислари тайёрлашда таълим таълим узвийлигини таъминлашга устувор принцип сифатида қаралди. Бу жараёнда бошланғич синфларда таълимнинг характерли жиҳатларини кузатиш, таҳлил қилиш ва инфоляция олиш компетенцияси” бўйича “Тасвирий санъат” ўқув фанидан Давлат таълим стандартлари талаблари асосида ўқувчиларнинг:

натуранинг шакли, ҳажми, тузилишини кузата олиши;

солда тасвир ва хайкалларни натуранинг характерли жиҳатлари асосида ишлай олиши;

натуранинг характерли жиҳатларини кузата олиши, кузатувлар натижасида шаклланган тасаввур, тушунчалар асосида тарқиб топган малакаларни амалий-тасвирий фаолиятда қўлай олиши;

тасвирий санъат асарларини таҳлил қилиш компетенцияси, муусси, тасвирий санъатнинг ифодавий воситалари ва қўлланилган бадий материалларига кўра унинг тур ва жанрларини фарқлай олиши;

тасвирий фаолиятда тасвирий санъатнинг қонун-қондаларига амал қилиши (масалан, компановка, композиция, перспектива қонуниятлари ва х.к.) ва уни амалий тасвирий-ижодий фаолиятга татбиқ эта олиши каби компетенцияларини шакллантириш назарда тутилади. Компетенциявий ёндашув асосида амалга оширилаётган тасвирий санъат таълимнинг

сифати ва самарадорлигини оширишда юқорида келтирилган омиллар жараёнинг дидактик имкониятлари кўлами ва мазмунини белгилашга асос бўлади.

Юқорида келтирилган компетенцияларни узвийлик принципи асосида шакллантириш ва ривожлантириш учун назарий билим ва амалий малакаларнинг татбиқий механизмларини жорий этиш талаб этилади. Бу йўналишда ўқувчиларда мактабгача таълим bosқичида шакллантирилган амалий компетенциялар ва назарий билимларни ривожлантириш назарда тутилади. Жумладан:

- иш жойини тўғри ташкил этиш;

- композиция хусусиятидан келиб чиққан ҳолда қоғоз кўринишини тик (вертикал) ва ётик (горизонтал) тарзда бўлишини мантиқан тўғри белгилаш(танлаш);

- тасвири қўғоз юзасига тўғри жойлаштириш (компановка);

- тасвир характериға мос материал (калам, оддий қалам, рангли қаламлар, фломастер, акварел ёки гуаш бўёқлари) танлай олиш;

- натуранинг шакли, конструктив тузилиши, ранги, ўлчам нисбатлари, фазовий ҳолатини тўғри идрок этиш ва таҳлил қилиш;

- ҳосил бўлган тасавурларни амалий фаолиятга татбиқ эта олиш каби компетенциялар шакллантирилиши белгилаб қўйилган. Бу омилларни эътиборга олмасдан тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини таъминлашнинг дидактик имкониятларини аниқлаш, бадий таълимнинг муайян bosқичи учун имкониятлар характериғни белгилаш мумкин бўлмайди.

Компетенциявий ёндашувнинг узвийлик принципи асосидаги таҳлиллари бу жараёни мактабгача таълим билан бошланғич таълим ўртасидаги алоқадорлигини таъминлашнинг дидактик талабларига алоҳида эътибор қаратилганлигини кўриш мумкин. Чунончи, объект (атроф-муҳит, натура, тасвирий санъат асари ва х.к.)ни бадий-эстетик идрок этиш, шаклланган тасавурларни тасвирий фаолиятга татбиқ этиш мактабгача таълим, бошланғич таълим (B1) ҳамда умумий ўрта таълимнинг 5-7-синфларида (B2) узвий тарзда давом эттирилади ҳамда ўқув

имкониятларини мазмун жиҳатидан bosқичма-bosқич мураккаб-адаббатлар билан таъминлаш талаб этилади. Табиийки, дидактик имкониятлар ҳам шуғна асосида тарзда тақдим этилади.

Тасвирий санъат таълимини узлуксизлик принципи асосида ривожлантиришнинг "бўш звено"си мавжуд, яъни 8-9-синфларда тасвирий санъат ўқув фани сифатида ўқитилмаслиги учун таълим ўрта таълим муассасаси билан касб-хунар коллежида таълимни ошириладиган тасвирий санъат таълими bosқичлари асосида узлиш содир бўлади. Бу узлишни салбий таъсириғни таъминлаштириш учун B2+ даража ҳамда синфдан ва мазмундан ташқари таълимнинг имкониятларидан фойдаланиш талаб этилади. Тасвирий санъат таълими мазмунини компетенциявий ёндашув асосида ривожлантириш механизмининг муҳим компоненти сифатида қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

Хулоса тариқасида эътироф этиш жоизки, компетенциявий ёндашув асосида тасвирий санъат таълими узвийлигини таъминлаш нуктаи назаридан қайта ишланган Давлат таълим стандарти, биринчидан, тасвирий санъат таълимнинг дидактик мақсади ва функционал вазифаларини ўқув фани хусусиятига кўра аниқлаштириш, иккинчидан, компетенцияларни bosқичма-bosқич ривожлантириш механизмларини тақомиллаштириш имконини берди. Бу имконият таълим сифати ва самарадорлигини оширишда ўз натижасини беради.

Иккинчи омил - ўқув материалларини бевосита ўқувчиларда муайян компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилганлиги, яъни ўқувчиларнинг билимларини компетенциялар тарзида баҳолаш. Табиийки, ўқув материалларини тақдим этиш ҳамда таълим жараёни натижаларининг мониторинги айнан шу компетенцияларни шаклланганлик даражасига қараб белгиланади (аниқланади).

Шу ўринда тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларда шакллантириладиган компетенциялар ва уларнинг турларини таърифлаб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Демак, умумий ўрта таълим учун жорий этилган компетенциявий ёндашувга асосланган Давлат таълим стандартларининг таркибий компонентлари умумий-мажбурий, яъни структурасига кўра бир хил тарзда бўлиши белгилаб

олинган, факат ўқув фанининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда унинг мазмуни шакллантирилади.

Навбагдаги муҳим вазифа — компетенциявий ёндашуви асосида амалга оширилган бадий таълим натижаларини объектив баҳолашдан иборат бўлиши лозим. Бунинг учун, аввало, амалдаги Давлат таълим стандарти талаблари асосида ишлаб чиқилган баҳолаш мезонлари бўлиши талаб этилади. Унинг натижаси, биринчидан, тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини бедгилаб берса, иккинчидан, бу борда истиқболда амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг мазмуни, ташкилий-педагогик хусусиятлари нуктаи назардан бадий таълимнинг дидактик имкониятларидан фойдаланиш йўналишларини белгилаш учун илмий-методик манба вазифасини ўтайди.

2017–2018-ўқув йилидан амалиётга жорий этилган компетенциявий ёндашувга асосланган таълим мазмунини тасвирий санъат таълимида сифат ва самарадорликни таъминлашнинг дидактик имкониятларини нечоғлик оширганлигини (ёки аксинча) аниқлаш (белгилаш) учун мамлакатимиз ўмумий ўрта таълим мактаблари учун “Тасвирий санъат” ўқув фанидан ўқувчиларнинг билимлари (назарий мазмундаги компетенция) ҳамда тасвирий-ижодий малакалари (амалий йўналишдаги компетенция)ни баҳолашнинг мезонлари ишлаб чиқилди. Тавсиявий характердаги мазкур мезонлар намуна сифатида Республика Таълим марказига тақдим этилди. Демак, ундан ўқитувчилар Давлат таълим стандарти ҳамда ўқув дастурига маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда киритилган ўзгартиришлар кўламига кўра қуйидаги мезонлар асосида баҳолашлари тавсия этилади. Унда кўрсаткичлар 5 балли тизм асосида баҳолашни белгилаб қўйилган.

“Тасвирий санъат” ўқув фанидан ўқувчиларнинг назарий компетенцияларини БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Баҳолаш мезонлари	Балл
<p>“Тасвирий санъат” ўқув фанининг ДТСда белгиланган тасвирий ва амалий санъат асарлари, бадий хунармандчилик, меъморчилик ва дизайн санъати намуналарини бадий-эстетик идрок эта олса ва мундқили таҳлил эта олса;</p> <p>проф-муҳит ва санъат асарларига эстетик муносабати ҳамда уларга нисбатан шахсий нуктаи назари шаклланган бўлса;</p> <p>тасвирий-ижодий фаолиятда соҳанинг қонуниятларига амал қилиш тартиблари (тасвирий санъатнинг перспектива, нисбат, ёруғ-соя, рангшунослик, шакл, ҳажм, конструкция, композиция қонуниятлари, ифодавий воситалари, тасвир (шакл) ҳосил қилиш тартиблари ва босқичлари, қўлланиладиган материал ва техникалар)ни билса, улардан амалий тасвирий-ижодий фаолиятда мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланса;</p> <p>Ўзбекистон ва жаҳон тасвирий санъатининг классик намуналарини, расомлар, ҳайкалтарош ҳамда халқ усталари ва уларнинг ишларини билса ҳамда уларни мустақил таҳлил қила олса;</p> <p>тасвирий санъатнинг тур ва жанрлари, оқим ва йўналишлари ва уларнинг ўзаро умумийлиги ва тафовутларини билса ҳамда уларни тўғри шарҳлай олса;</p> <p>тасвирий санъат, бадий хунармандчилик, меъморлик ва дизайн санъатининг ижтимоий моҳияти ва аҳамиятини тўлақонли англаган бўлса;</p> <p>тасвирий фаолиятда амал қилинадиган техника хавфсизлиги ва гигиена қоидаларини билса ҳамда ўз фаолиятида уларга амал қилса;</p> <p>тасвирий ва амалий санъат, меъморчилик ва хунармандчилик, дизайнга оид атамаларни билса ҳамда улардан мулоқот жараёнида тўғри фойдалана олса.</p>	5
	2
	4

<p>тасвирий ва амалий санъат асарлари, бадий хунармандчилик, меъморчилик ва дизайн санъати намуналарини бадий-эстетик идрок ва таҳлил эта олса;</p> <p>атроф-муҳит ва санъат асарларига эстетик муносабати ҳамда уларга нисбатан шахсий нуқтаи назари шаклланган бўлса;</p> <p>тасвирий-ижодий фаолиятда соҳанинг қонуниятларига амал қилиш тартиблари (тасвирий санъатнинг перспектива, нисбат, ёруғ-соя, рангшунослик, шакл, ҳажм, конструкция қонуниятлари, ифодавий воситалари, тасвир ҳосил қилиш босқичлари, қўлланиладиган техникалар)ни билса, улардан мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланишга интилса;</p> <p>Ўзбекистон ва жаҳон тасвирий санъати асарларини, рассомлар, ҳайкалтарош ҳамда халқ усталари ва уларнинг ишларини билса, уларни таҳлил қилиш компетенциялари шаклланган бўлса;</p> <p>тасвирий санъатнинг тур ва жанрлари, оқим ва йўналишларини билса;</p> <p>тасвирий фаолиятда амал қилинадиган техника хавфсизлиги ва гигиена қоидаларини билса;</p> <p>тасвирий санъат, бадий хунармандчилик, меъморлик ва дизайн санъатининг ижтимоий моҳияти ва аҳамиятини билса;</p> <p>тасвирий ва амалий санъат, меъморлик ва бадий хунармандчилик, дизайнга оид атамаларни билса.</p> <p>“Тасвирий санъат” ўқув фанининг ДТСда белгиланган тасвирий ва амалий санъат асарлари, бадий хунармандчилик, меъморчилик ва дизайн санъати намуналарини бадий-эстетик идрок эта олса;</p> <p>атроф-муҳит ва санъат асарларига нисбатан эстетик муносабат таркиб топган бўлса;</p> <p>тасвирий-ижодий фаолиятда соҳанинг қонуниятлари (тасвирий санъатнинг перспектива, нисбат, ёруғ-соя, рангшунослик, шакл, ҳажм, конструкция қонуниятлари, ифодавий воситалари, тасвирлаш ҳосил қилиш босқичлари, қўлланиладиган техникалар)дан фойдаланишга интилса, бироқ бу жараёнда етарли малакага эга эмаслиги кузатилса;</p> <p>Ўзбекистон ва жаҳон тасвирий санъати асарларини, рассомлар, ҳайкалтарош ҳамда халқ усталари</p>	<p>3</p>
<p>тасвирий ва амалий санъат асарлари, бадий хунармандчилик, меъморчилик ва дизайн санъати намуналарини бадий-эстетик идрок ва таҳлил эта олса;</p> <p>атроф-муҳит ва санъат асарларига эстетик муносабати ҳамда уларга нисбатан шахсий нуқтаи назари шаклланган бўлса;</p> <p>тасвирий-ижодий фаолиятда соҳанинг қонуниятларига амал қилиш тартиблари (тасвирий санъатнинг перспектива, нисбат, ёруғ-соя, рангшунослик, шакл, ҳажм, конструкция қонуниятлари, ифодавий воситалари, қўлланиладиган техникалар)ни билса, улардан мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланишга интилса;</p> <p>Ўзбекистон ва жаҳон тасвирий санъати асарларини, рассомлар, ҳайкалтарош ҳамда халқ усталари ва уларнинг ишларини билса, уларни таҳлил қилиш компетенциялари шаклланган бўлса;</p> <p>тасвирий санъатнинг тур ва жанрлари, оқим ва йўналишларини билса;</p> <p>тасвирий фаолиятда амал қилинадиган техника хавфсизлиги ва гигиена қоидаларини билса;</p> <p>тасвирий санъат, бадий хунармандчилик, меъморлик ва дизайн санъатининг ижтимоий моҳияти ва аҳамиятини билса;</p> <p>тасвирий-ижодий фаолиятда соҳанинг қонуниятларига амал қилиш тартиблари (тасвирий санъатнинг перспектива, нисбат, ёруғ-соя, рангшунослик, шакл, ҳажм, конструкция қонуниятлари, ифодавий воситалари, тасвирлаш ҳосил қилиш босқичлари, қўлланиладиган техникалар)дан фойдаланишга интилса, бироқ бу жараёнда етарли малакага эга эмаслиги кузатилса;</p> <p>Ўзбекистон ва жаҳон тасвирий санъати асарларини, рассомлар, ҳайкалтарош ҳамда халқ усталари ва уларнинг ишларини билса, уларни таҳлил қилиш компетенциялари шаклланган бўлса;</p> <p>тасвирий санъатнинг тур ва жанрларининг фақат асосийларини билса, уларнинг хусусиятларига кўра бир-биридан малакали тарзда фарқлай олмаса;</p> <p>тасвирий санъат, бадий хунармандчилик, меъморлик ва дизайн санъатининг ижтимоий моҳияти ва аҳамиятини етарли даражада англамаса;</p> <p>тасвирий фаолиятда амал қилинадиган техника хавфсизлиги ва гигиена қоидаларини талаб даражасида билмаса;</p> <p>тасвирий санъатга оид атамаларнинг фақат айримларини билса, улардан мулоқот жараёнида талаб даражасида ҳамда тўғри фойдалана олмаса.</p>	<p>2</p>

5	<p>“Тасвирий санъат” ўқув фанининг ДТСда белгиланган тасвирий ва амалий санъат асарлари, бадий хунармандчилик, меъморчилик ва дизайн санъати намуналарини бадий-эстетик идрок этиш компетенциялари шаклланмаган бўлса, шунингдек, уларни тахлил эта олмаса; атроф-муҳит ва санъат асарларига нисбатан эстетик муносабат шаклланмаган бўлса; тасвирий-ижодий фаолиятда соҳанинг қонуниятларини билмаса; Ўзбекистон ва жаҳон тасвирий санъат асарлари ҳақида тасавурга эга бўлмаса; тасвирий санъатнинг тур ва жанрлари, оқим ва йўналишларини билмаса; тасвирий санъат, бадий хунармандчилик, меъморлик ва дизайн санъатининг ижтимоий моҳияти ва аҳамиятини англамаса; тасвирий фаолиятда амал қилинадиган гигиена қоидалари ҳамда техника хавфсизлиги қоидаларини билмаса; тасвирий ва амалий санъат, меъморчилик ва хунармандчилик, дизайнга оид атамаларни билмаса.</p>
---	--

Таъкидлаб ўтганимиздек, юқоридаги мезонлар тавсиявий характер касб этган бўлиб, ўқитувчи ўзининг чораклик ҳамда йиллик ўқув режасига мувофиқ бандларга муайян ўзгаришлар киритиши мумкин. Бироқ қатъий тарзда эътибор қаратиш лозимки, мазкур мезонларни ишлаб чиқишда “Тасвирий санъат” ўқув фанининг Давлат таълим стандарти ҳамда ўқув дастурида белгиланган компетенциялар асос қилиб олинган бўлиб, ундан кескин четлашиб Давлат таълим стандартлари талабларини бажарилиши тўғрисида, яъни таълим сифати ва самардорлиги ҳақида объектив маълумот бермайди.

Соҳанинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда компетенциявий ёндашув асосида ташкил этилган тасвирий санъат таълимнинг сифати ва самардорлигини белгиловчи омиллар сифатида компетенцияларни назарий ҳамда амалий турларга ажратиб берилдики, уларни алоҳида баҳолашни йўналишларда эришилган самардорлик ёки аксинча, таълим

жараёнида йўл кўйилган камчиликлар, яъни ўқувчиларнинг назарий ҳамда амалий компетенцияларидаги бўшлиқликларни тинчлаш ҳамда уларни бартараф этиш учун амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг кўлами, мазмунни, методикаси ҳамда бошқа ташкилий хусусиятларини белгилаб олиш имконини беради. Бу ҳам тасвирий санъат таълими сифати ва самардорлигини оширишнинг дидактик имкониятларини белгилашнинг бир шакли сифати аҳамиятлидир.

Таълим сифати билимлар сифати натижаларига кўра баҳоланади. Умумтаълим фанларини Давлат таълим стандарти талаблари бўйича ўзлаштириш сифатининг умумий дидактик талаблари ва кўрсаткичлари мавжуд. Айни пайтда ҳар бир ўқув фанига хос кўрсаткичлар мавжуд. Билимлар сифати куйидаги параметрга кўра баҳоланади:

- билимларнинг кенг қамровлилиги, яъни ўрганилаётган ўқув фанида белгиланган билимларни миқдор жиҳатидан қисқлиги. Тасвирий санъат таълимида саводли тасвирий фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган барча компетенциялар назарда тутилади;

- билимларнинг чуқурлиги, яъни ўқувчининг ўрганилаётган ўқув фани юзасидан эгалланган билимлар сони (қамрови)нинг ўлчоу ҳамоҳанглиги, яхлитлиги. Тасвирий фаолиятда эгалланиши лозим бўлган билимлар сони (кўлами) мавжуд бўлиб, улар бир-бири билан узвий алоқадорликда қўлланилиши лозим;

- мунтазамлик, яъни билимлар таркибини иерахарик алоқадорлиги, босқичлар ўртасидаги мантиқийликни ингланганлик даражаси;

- тизимlilik, яъни ўқувчининг эгалланган билимларни умумий структурасида унинг ҳар бир элементининг аҳамияти ва моҳиятини англаган ҳолда эгалланганлиги. Тасвирий санъат таълимида амал қиладиган қонуниятлар мисолида соҳанинг ҳар бир элементининг, масалан, перспектива, рангшунослик, композивка, нисбат ва х.к. кабиларнинг муҳимлигини ингланганлик даражаси;

- билимларни амалий қўллаш суръати, яъни ўқувчининг тасвирий фаолиятда саводли тасвир ҳосил қилиш учун талаб қилинадиган барча элементлардан ўз вақтида фойдаланиш

компетенцияси. Амалда шундай ҳолатлар кузатиладики, ўқувчи тасвирий фаолият қонуниятини у ёки бу элементини вақтида иш ўрнида қўлламаслиги боис фаолиятнинг бошланғич нуктасини қайтади. Масалан, ўқувчи нотўғри компановка сабабли тасвирий фаолиятнинг маълум босқичида ўчириб ташлаб жараёнини янгидан бошлайди;

- қонуниятлардан вазиятга мувофиқ тарзда фойдаланиш, яъни тасвирий санъатнинг тур ва жанрларига кўра у ёки бу қонуниятдан фойдаланишда ўзига хосликлар мавжуд. Масалан, натюрмортдаги буюмларнинг фазовий жойлашуви, ракурси, ўзаро нисбат муносабатлари ва б.;

- айти пайтда тасвирий фаолиятга қонуниятларни айнан хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тағбиқ этиш. Масалан, перспектива қонунияти манзара жанрида ҳам, натюрморт жанрида ҳам бир хил қонуният асосида қўлланилади;

- умумлаштириш, яъни композициянинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда шакл, ранг ва бошқа жиҳатларда унинг умумий мазмунини очиб бериш учун умумлаштириш принципларини қўллай олиш. Тасвирий фаолиятда буни рангшунослик ечимларида кузатиш мумкин, яъни қўлланиладиган ранглар гаммасини танлашда умумий колоритни сақлаш мақсадида улар маълум даражада умумлаштирилади;

- билимларнинг барқарорлиги ва мантикий алоқадорлиги, яъни дидактик принципларга биноан 1 – 4-синфларда эгалланган билимларни 5 – 7-синфларда анланган тарзда амалий қўллай олиш.

Таълим сифатининг баҳолаш натижавийликка асосланади, яъни сифатли билимларни интаегратив тарзда қўллаш орқали сифатли натижага эришиш таълим сифати кўрсаткичи саналади. Тасвирий санъат таълимининг сифати Давлат таълим стандартида белгиланган компетенциялар мажмуасини ўзлаштириш негизида эришилган натижага кўра белгиланади. Кенг маънода таълим сифати давлатнинг таълимнинг муайян соҳаси, жумладан, тасвирий санъат таълими бўйича ўқувчиларнинг тасвирий фаолият натижаларини белгиланган компетенцияларга мос равишда шаклланганлиги билан белгиланади.

Демак, компетенциявий ёндашув асосида ўқувчиларнинг тасвирий санъат” ўқув фани юзасидан амалий-ижодий компетенцияларини баҳолаш куйидаги мезонлар асосида амалга оширилади.

2-жадвал

“Тасвирий санъат” ўқув фанидан ўқувчиларнинг амалий компетенцияларини БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Баҳолаш мезонлари	Балл
объект (натура)нинг характерли жиҳатлари (шакл, нисбат, материал, фактура, конструкция, фазовий ҳолати ва бошқа параметрлари)ни идрок этиш, таҳлил қилиш асосида уни тўғри тасвирлай олса;	5
тасвирий фаолиятда (расм ишлаш, ҳайкал ясаш, амалий санъат композициясини тузиш) тасвир (шакл)нинг характерли жиҳатларини мустакил тарзда ифодалай олса;	
тасвирий фаолиятда композиция қоидаларига тўлақонли амал қилса;	5
тасвирий ва амалий санъат тур ва жанрлар, оқим ва йўналишларининг хусусиятларига мос тасвирий восита, материал (қоғоз, қалам, бўёқ, мўйқалам, рангли калам, юмшок график материаллар, лой, пластилин ва б.) ва техникани мустакил ва тўғри танлай олса ҳамда улардан малакали фойдалана олса;	
натура (композиция)нинг асосий қисми ва майда бўлақларини ўзаро мутаносиблигини тўғри тасвирлай олса;	5
тасвирий фаолиятда ёруғ-соя муносабатларидан фойдаланган ҳолда объект (натура)нинг ҳажмини ифодали тарзда тасвирлай олса;	
тасвир ишлаш жараёнида рангшунослик қоидаларига амал қилса ҳамда тасвир мазмунига мос ранг турлари (нссик ва совук ранглар, ҳосила ранглар)дан тўғри ва малакали фойдалана олса;	5
тасвирий фаолиятда композиция тузиш қоидаларига амал қилса ва бу жараёнга ижодий ёндашса (композиция мавзусининг мантикий ечимини топиш	

	<p>учун эскиз ишлаш, вариантлардан оптималини танлай олиш, уларни комбинациялаш ва х.к.); иш жойини тўғри ташкил эта олса ҳамда амалий фаолиятда техника хавфсизлиги, гигиена қоидаларига оғли тарзда амал қилса.</p>	<p>объект (натура)нинг характерли жиҳатлари (шакл, нисбат, материал, фактура, конструкция, фазовий ҳолати ва бошқа параметрлари)ни идрок этиш ва таҳлил қилиш асосида уни тасвирлашга интилса; тасвирий фаолиятда (расм ишлаш, ҳайкал ясаш, амалий санъат композициясини тузиш) тасвир (шакл)нинг характерли жиҳатларини ифодалай олса; тасвирий ва амалий санъат тур ва жанрлар, оқим ва йўналишларнинг хусусиятларига мос тасвирий восита, материал (қоғоз, қалам, бўёқ, мўйқалам, рангли қалам, юмшоқ график материаллар, лой, пластилин ва б.) ва техникани ўқитувчининг тавсиясига асосланиб тўғри танлай олса ҳамда улардан фойдалана олса; натура (композиция)нинг мутаносиблигини тўғри тасвирлай олса;</p>	<p>объект (натура)нинг характерли жиҳатларини идрок этиш, таҳлил қилиш асосида уни тасвирлашга интилса; тасвирий фаолиятда (расм ишлаш, ҳайкал ясаш, амалий санъат композициясини тузиш) тасвир (шакл)нинг характерли жиҳатларини элементлар тарзда ифодалай олса; тасвирий ва амалий санъат тур ва жанрлар, оқим ва йўналишларнинг айримларига мос тасвирий восита,</p>
<p>2</p>	<p>объект (натура)нинг характерли жиҳатларини идрок этиш компетенциялари босис амалий-тасвирий фаолиятда ноанкликларга йўл қўйилса; тасвирий фаолиятда (расм ишлаш, ҳайкал ясаш, амалий санъат композициясини тузиш) тасвир (шакл)нинг характерли жиҳатлари ногўғри ифодаланса; тасвирий ва амалий санъат тур ва жанрлар, оқим ва йўналишлари учун мос техника таналмаса; объект (натура)нинг хажмини ифодалашда ёруғ-соя муносабатларидан тўғри фойдаланилмаса; тасвир ишлаш жараёнда тасвир мазмунига мос ранг турларидан фойдаланишга ҳаракат қўзғатилмаса; тасвирий санъатнинг ифодавий воситаларидан мақсадга мувофиқ фойдаланилмаса; иш жойини тўғри ташкил эта олса ҳамда амалий фаолиятда техника хавфсизлиги, гигиена қоидаларига амал қилмаса.</p>	<p>объект (натура)нинг характерли жиҳатларини идрок этиш компетенциялари шаклланмаган бўлса; тасвирий фаолиятда (расм ишлаш, ҳайкал ясаш, амалий санъат композициясини тузиш) тасвир (шакл)нинг характерли жиҳатлари ногўғри ифодаланса; тасвирий ва амалий санъат тур ва жанрлар, оқим ва йўналишлари учун мос техника танлай олмаса; объект (натура)нинг хажмини ифодалашда ёруғ-соя муносабатларидан тўғри фойдаланилмаса;</p>	
<p>3</p>	<p>объект (натура)нинг характерли жиҳатларини идрок этиш компетенциялари босис амалий-тасвирий фаолиятда ноанкликларга йўл қўйилса; тасвирий фаолиятда (расм ишлаш, ҳайкал ясаш, амалий санъат композициясини тузиш) тасвир (шакл)нинг характерли жиҳатлари ногўғри ифодаланса; тасвирий ва амалий санъат тур ва жанрлар, оқим ва йўналишлари учун мос техника таналмаса; объект (натура)нинг хажмини ифодалашда ёруғ-соя муносабатларидан тўғри фойдаланилмаса; тасвир ишлаш жараёнда тасвир мазмунига мос ранг турларидан фойдаланишга ҳаракат қўзғатилмаса; тасвирий санъатнинг ифодавий воситаларидан мақсадга мувофиқ фойдаланилмаса; иш жойини тўғри ташкил эта олса ҳамда амалий фаолиятда техника хавфсизлиги, гигиена қоидаларига амал қилмаса.</p>	<p>объект (натура)нинг характерли жиҳатларини идрок этиш компетенциялари шаклланмаган бўлса; тасвирий фаолиятда (расм ишлаш, ҳайкал ясаш, амалий санъат композициясини тузиш) тасвир (шакл)нинг характерли жиҳатлари ногўғри ифодаланса; тасвирий ва амалий санъат тур ва жанрлар, оқим ва йўналишлари учун мос техника танлай олмаса; объект (натура)нинг хажмини ифодалашда ёруғ-соя муносабатларидан тўғри фойдаланилмаса;</p>	

<p>материал (қоғоз, қалам, бўёқ, мўйқалам, рангли қалам, юмшоқ график материаллар, лой, пластилин ва б.) ва техникадан фойдалана олса; тасвирий фаолиятда ёруғ-соя муносабатларидан фойдаланган ҳолда объект (натура)нинг хажмини ифодалашга интилса; тасвир ишлаш жараёнда тасвир мазмунига мос ранг турлари (иссик ва совуқ ранглар, ҳосила ранглар)дан фойдаланишга ҳаракат қилса; тасвирий фаолиятда композиция тузишнинг айрим элементлари намоён этилса; иш жойини ўқитувчининг талаб ва эслатмалари бўйича тўғри ташкил эта олса ҳамда амалий фаолиятда техника хавфсизлиги, гигиена қоидаларига амал қилишда тартибсизлик элементлари кузатилса.</p>	<p>объект (натура)нинг характерли жиҳатларини идрок этиш компетенциялари етарли даражада шаклланмаганлиги босис амалий-тасвирий фаолиятда ноанкликларга йўл қўйилса; тасвирий фаолиятда (расм ишлаш, ҳайкал ясаш, амалий санъат композициясини тузиш) тасвир (шакл)нинг характерли жиҳатлари ногўғри ифодаланса; тасвирий ва амалий санъат тур ва жанрлар, оқим ва йўналишлари учун мос техника таналмаса; объект (натура)нинг хажмини ифодалашда ёруғ-соя муносабатларидан тўғри фойдаланилмаса; тасвир ишлаш жараёнда тасвир мазмунига мос ранг турларидан фойдаланишга ҳаракат қўзғатилмаса; тасвирий санъатнинг ифодавий воситаларидан мақсадга мувофиқ фойдаланилмаса; иш жойини тўғри ташкил эта олмаса ҳамда амалий фаолиятда техника хавфсизлиги, гигиена қоидаларига амал қилмаса.</p>	<p>объект (натура)нинг характерли жиҳатларини идрок этиш компетенциялари шаклланмаган бўлса; тасвирий фаолиятда (расм ишлаш, ҳайкал ясаш, амалий санъат композициясини тузиш) тасвир (шакл)нинг характерли жиҳатлари ногўғри ифодаланса; тасвирий ва амалий санъат тур ва жанрлар, оқим ва йўналишлари учун мос техника танлай олмаса; объект (натура)нинг хажмини ифодалашда ёруғ-соя муносабатларидан тўғри фойдаланилмаса;</p>
		<p>2</p>
		<p>1</p>

тасвир ишлаш жараёнида фойдаланса;	ранглардан нотўғри
иш жойини тўғри ташкил эта олмаса ҳамда амалий фаолиятда техника хавфсизлиги, гигиена қоидаларига мутлоқо амал қилмаса.	

Назарий мазмундаги компетенцияларни баҳолашда қўлланилганлиги каби, тасвирий санъат ўқитувчиси ўзининг педагогик фаолиятида амал қилган назарий ва амалий мазмундаги ўқув материалларини тақдим этиш тартиби, нисбатларига кўра мезонларга муайян даражадаги ўзгартиришлар киритиши мумкин.

Кези келганда алоҳида эъгиروف этиш лозимки, кўриб чиқилган параметр ва мезонлар тасвирий санъат таълими сифат ва самарадорлигини таъминлаш борасида қайси жиҳатларга устувор тарзда аҳамият қаратиши лозимлигини кўрсатади. Бу омил, ўз навбатида, тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг дидактик имкониятлари характерини белгилашга асос бўлади.

Демак, юқорида келтирилган назарий ва мамалий компетенциялар асосида тасвирий санъат таълимининг сифати ва самарадорлигига қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Тасвирий санъат таълими сифати¹ ўқувчиларнинг тасврий санъат таълимида олган назарий билимларини амалий компетенциявий ижрода бекамикўст бажариши, яъни сифатли тасвирий-ижодий фаолият, деб таърифланиши мумкин.

Тасвирий санъат таълими самарадорлиги (лотинча effectus)² натижавийликнинг юқори даражадаги кўрсаткичи. Бу ерда натижа билан самара юзаки қараганда маълум даражада ўхшаш бўлса-да, уларнинг аниқ фарқи шундаки, натижа, биринчи навбатда, сон билан ўлчанади. Самарадорлик эса натижанинг сифатлилиги билан ўлчанади. Демак, тасвирий санъат таълими самарадорлиги деганда Давлат таълим стандартида белгиланган назарий ҳамда амалий компетенцияларни сифатли бажарилиши тарзида талқин этилиши мумкин.

¹ Самара – арабча меза, ҳосил; самарадорлик – арабча-форсча самараллик, фойдалилик.

² Effectus – ҳаракат, фаолият; натижа

1.6. Тасвирий санъат таълими мазмунини модернизациялаш асосида таълим сифати ва самарадорлигини таъминлаш

Модернизациялаш жараёнлари барча замонларда ҳар қандай давр таракқиётининг асосий талабларидан бири сифатида тасвирий санъат келинган. Зеро, жамият таракқиётининг барча жараёнларида муайян соҳаларга нисбатан ижтимоий талаблар ўзгариб боради, яъни ҳар бир даврга хос бўлган анъанавий талаблар ҳамда амал қилинадиган тартиблар ҳамда муайян тарзлари соҳа таракқиётини кафолатловчи тенденциялар бўлади. Бу ўзгаришлар маҳаллий ва халқаро миқёсдаги ўзгаришларни таълим-таҳлилий ўрганиш ва ижодий ўзлаштириш, миллий таълим тизимига мослаштириш таълим натижаларини таълимнинг ижтимоий талаб ва эҳтиёжларини қондиришга қўйиштириш орқали таълим сифати ва самарадорлигини ошириши таъминловчи замонавий технологияларни таълим амалиётига татбиқ этишнинг оптимал механизмларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ. Умумий ҳолатда бу жараён модернизациялаш атамаси билан изоҳланади. Таълим тизимида, шу жумладан, умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган "Тасвирий санъат" ўқув фанини барча жиҳатлари, хусусан замонавий талаблар асосида шаклланган касбий компетенцияга эга бўлган ўқитувчилар тайёрлаш, таълим жараёнини сифатли ўқув куроллари ҳамда ўқув-методик адабиётлар билан таъминлаш масалаларини комплекс тарзда тадқиқ этиш ва унинг натижалари бўйича илмий хулосалар асосида такомиллаштириш, модернизациялаш, биринчидан, таълим мазмунини ижтимоий эҳтиёж ва талабларга мослигини таъминлайди. Иккинчидан, модернизациялаш натижалари бевосита таълим сифати ва самарадорлигига ижобий таъсир ўтказиши мумкин. Зеро, айнан модернизациялаш таълим мазмуни, унинг натижаларини жамиятнинг ижтимоий талабларига мослигини таъминлайди.

Мамалакатимизда амал қилаётган тасвирий санъат таълимини модернизациялаш икки bosқичда амалга оширилди. Унинг 1998–2000-йиллардаги биринчи bosқичини таълим мазмунини ислох қилиш bosқичи деб аташ мумкин. Бу bosқичда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13

майдаги "Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида"ги 203-сонли қарори бўйича ўтказилган тажриба-синов натижалари асосида тасвирий санъатнинг Давлат таълим стандарти ва ислох қилинган ўқув дастури яратилди ҳамда таълим амалиётига жорий этилди. Тасвирий санъат таълими мазмунини модернизациялашнинг иккинчи босқичи (2000 йилдан буён) икки йўналишда давом эттирилди. Унинг биринчи йўналиши тасвирий санъатдан Давлат таълим стандарти ва мазмуни (ўқув дастури)ни такомиллаштириш, модернизациялаш, оптималлаштириш ва узвийлаштириш билан боғлиқ илмий тадқиқот ишлари ҳамда тажриба-синов ишларини олиб бориш ҳамда унинг натижаларини таълим амалиётига жорий этишдан иборат бўлди.

Иккинчи йўналишда тасвирий санъат таълими учун дарсликларнинг янги авлодини яратиш ва уларни қайта наشر қилиш жараёнида такомиллаштириш, айрим компонентларини модернизациялаш билан боғлиқ ташкилий-методик ишлар амалга оширилди. Бу тадбирлар тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг асосий омилларидан бири бўлмоқда. Тасвирий санъат таълими мазмунини модернизациялаш воситасида таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим шартлари сифатида юқорида санаб ўтилган омиллардан ташқари таълимга компетенциявий ёндашишни эътироф этиш мумкин. Тасвирий санъат таълими мисолида таълимга компетенциявий ёндашувни икки хил маънода талқин этиш мумкин, яъни бунда ўқувчиларнинг тасвирий фаолият турлари бўйича назарий билим ва амалий малака шаклидаги ўқув кўникмаларини ҳамда тасирий санъат ўқитувчисининг ўз ўқувчиларида бу кўникмаларни шакллантиришга қодир касбий компетенцияси тушунилади. Зеро, ўқитувчининг касбий компетенциясига қўйиладиган умумдидактик компетенциялардан ташқари айнан тасвирий санъат таълимига оид хусусий-касбий компетенциялар ҳам мавжудки, улар аввало таълим соҳасини, жумладан, тасирий санъатни ўқитиш мазмуни ва методикасини, такомиллаштириш, қолаверса, ўқитувчининг компетенциясини такомиллаштириш орқали таълим сифати ва самарадорлигини оширишга ижобий таъсир этади.

Тасвирий санъат таълими мазмунини модернизациялаш дастури ўқитувчининг касбий компетенцияси ҳал қилувчи аспектига эга. Чунки, айнан ўқитувчи соҳа тараққиёти, истеъдодини белгилувчи бош ижрочи ҳисобланади. Тасвирий санъат ўқитувчисининг профессионал малакасига қўйиладиган талаблар касбий компетенциялардан бири сифатида педагогик жараёнда қўзғатилаётган умумий таълимий тенденциялар, амалга оширилаётган таълимий ислохотлар, қўлланилаётган самарали педагогиклар ҳақида етарли тасаввурга эга бўлиш, жараёни мазмун ташкил қила билиш ҳамда тегишли ва асосли хулосалар қилишда уни ўз педагогик фаолиятига татбиқ этишнинг самарали усулларидан фойдаланиш малакасига эга бўлишда ўз ифодасини топади. Чунки, бу компетенцияларсиз ўқитувчи таълим мазмунини модернизациялаш жараёнининг муҳим аспекти - масъул ижрочиси бўла олмайди.

Тасвирий санъат таълимида ўқитувчиларнинг профессионал компетенция даражасини белгилаб берувчи мезонлар сифатида қўлдан келтирилган эътироф этиш мумкин:

- ўқувчиларнинг тасвирий-ижодий имкониятлари, иқтидорларини тўғри баҳолаш ҳамда жараёнинг истиқболларини прогностика қилиш ва моделлаштира олиш;
- ўқувчиларнинг бадий-ижодий қобилиятларини индивидуал-дифференциал ёндашув асосида ривожлантиришнинг самарадор технологияларидан фойдаланиш;
- ўқувчилар билан ҳамкорликдаги ўқув фаолиятида устувор тарзда қўлланиладиган доминант модел (метод)ларни билиш;
- педагогик фаолиятда турли инновацион ёндашувлар ҳамда стратегиялардан мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланиш.

Таълим мазмунини модернизациялаш ҳар бир соҳанинг фундаментал йўналишидаги ўзгаришларга монанд тарзда кечиши лозим. Бу омилни тасвирий санъат таълими мисолида таҳлил этилган бўлсак, кейинги йилларда профессионал тасвирий санъат соҳасида бир қатор ўзгариш ва ислохотлар кузатилмоқда. Табиийки, бу ўзгаришларнинг муайян кўрсаткичлари, албатта, мактаб тасвирий санъат таълими мазмунида акс этиши ва бадий таълим амалиётида қўлланмоғи лозим. Бу тадбир профессионал тасвирий санъат билан бадий таълим соҳасида кузатилаётган

ижтимоий-педагогик тенденцияларнинг интеграцияси мисолида таълим мазмунини модернизациялаш воситасида амалга оширилади. Жамият тараққиётининг замонавий тенденциялари кенг маънода интеграциялашувни тақозо этади. Бу жараён инсоният ҳаёти билан боғлиқ тарзда худудлар, минтақалар миқёсида содир бўлмоқда. Бунда, шубҳасиз, таълимий прогрессив тенденцияларнинг интеграцияси таълим мазмунини модернизациялашга методологик асос бўлади. Шу маънода бадий-эстетик таълимнинг халқаро тажрибаларини киёсий-таҳлилий ва танқидий ўрганиш замирида шакллантирилган назарий хулосалар тасвирий санъат таълими мазмунини модернизациялаш воситасида таълим сифати ва самарадорлигини ошириш учун қулай дидактик шароит ярагади. Бадий таълим мазмунини модернизациялашда, шунингдек, фанлараро алоқадорлик ва интеграцияга асосланган универсализм (бу ерда бошқа фанлар негизда эгалланган билим ва малакалардан тасвирий санъат таълим амалиётида фойдаланиш назарда тутилмоқда А.С.) принципларига амал қилиш таълимнинг замонавий технологияларидан оптимал тарзда фойдаланиш имконини беради. Зеро, тасвирий санъат таълимнинг бошланғич синфларида ўқиш, табиатшунослик, мусиқа маданияти, меҳнат таълими, жисмоний тарбия, 5-7-синфларда эса тарих, адабиёт, кимё, физика, ботаника, зоология, геометрия каби фанлардан эгалланган билим ва малакаларга асосланади. Демак, фанлараро интеграция тасвирий санъат таълими мазмунини модернизациялашнинг асосий шартларидан бири сифатида қарамоғи лозим. Бадий таълим мазмунини модернизациялаштириш эса тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг ижтимоий-замонавий эҳтиёжларини белгилаб берувчи тенденциялар асосида таъминлаш имконини беради.

Йиллар давомида кузатилган тажрибалар шунини кўрсатадики, тасвирий санъат таълими мазмунини модернизациялашда ички интеграция принциpidан фойдаланиш ҳам муҳим дидактик аҳамият касб этади. Бу имконият таълим тизимида содир бўлаётган тенденциялар таъсирида, шунингдек, бадий-эстетик таълим тизимида қўйилаётган ижтимоий-педагогик талабларга кўра синфлар кесимида ўқув материалларини мавзуларнинг

тартиб-яўма билан аксинча парметрларига кўра бир синфдан келгилари синфга кўчириш ва тасвирий санъат таълимидан ўқув материалларини бир туридан иккинчи турига кўчирилиши, мавзуларнинг "ротация"си мисолида фаолият турлариаро интеграцияси асосида таълим мазмунини оптималлаштириш, модернизациялаш амалга оширилади. Бу жараёнда тажриба-таълимчилари натижаларининг экспериментатор ўқитувчилар, эксперимент учун масъул экспертлар, мутахассислар иштирокида амалга оширилган таҳлилларга асосланади ҳамда илгари кутилмаётган назария билан амалиётнинг узвийлик принципи асосида мезон сифатида қабул қилинади. Умумий ўрға таълим амалиётида ўқитиладиган ўқув фанларини, шу жумладан, "Тасвирий санъат" ўқув фани мазмунини модернизациялаш маънолу даврларда мавсумий амалга оширилмайди. Бу муттасил равишда амалга оширилган ва истиқболга йўналтирилган узлуксиз жараён ҳисобланади. Бунда педагогиканинг прогностика методидан фойдаланган ҳолда соҳани ривожлантириш, модернизация қилиш истиқболлари белгилаб борилади. Шу маънода тасвирий санъат таълим мазмунини модернизациялашнинг асосий принципларидан бири сифатида ўқувчиларнинг шакллантирилиши, шунингдек, омишлар мажмуасидан фойдаланишни қайд этиш мумкин. Бу омишлар сирасига модернизациялашнинг асосий параметрлари сифатида ўқувчиларда кузатувчанликни ривожлантириш, хусуан, тасвир объектлари – атроф-муҳит, ундаги воқеа ва ҳодислар, натура (буюмлар)ни мақсадли кузатиш; таҳлил қилиш ва баҳолаш; олинган таассуротларни тасвирий образ сифатида тасвирий фаолият турларининг бирида (хайкал ясаш, график ҳамда рангтасвир, амалий безак санъати композицияси ва х.к. соҳаларда) тавирлаш компетенцияларини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув материалларини таълим мазмунига таъбиқ этиб бориш; ўқувчиларни атроф-оламда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисларни шунчаки эмас, балки мақсадли кузатиш, уларнинг ижтимоий моҳияти, эстетик хусусиятларини англашга ўргатиш; ўқувчиларда эстетик тасаввур, тасвирий саводхонлик, бадий-ишодий қобилиятни шакллантириш ва ривожлантириш орқали уларнинг бадий-эстетик тафаккурини таркиб топтиришга

йўналтирилган таълим мазмунини тақдим этишни эътироф этиш жоиз. Айни пайтда алоҳида таъкидлаш лозимки, тасвирий санъатдан таълим мазмунини модернизациялашда соҳага оид назарий билим ва амалий кўникмага эга бўлиш ижтимоий маънавий, таълимий эҳтиёж сифатидаги аҳамияти ва моҳиятини англаш, эгалланган билим ва малакаларни амалиётда қўлдан билиш компетенциясига эга бўлиш, ҳаётни эстетик категориялар пирамидасида кўришга ўргатиш муаммолари бош масала сифатида кўрилади лозим.

Юқорида қайд этиб ўтилган омиллар ҳам анъанавий, ҳам замонавий таълимий тенденциялар, дидактик талабларни тавсифлайди. Айни пайтда шаклланиш ва тараққий этиш босқичларига кўра кўп асрлик тарихга эга бўлган соҳаларда “тарихий анъаналар”, “тарихий кадриятлар” каби таълим амалиётида муҳим аҳамият касб этувчи тушунчалар мавжудки, уларни эътиборга олмасдан таълим мазмунига муайян янгилик, ўзгаришлар киритиш мақсадга мувофиқ эмас. Тасвирий санъат соҳасида бу омил муҳим аҳамият касб этади.

Тасвирий санъат таълими мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида амалга ошириладиган ислохларга монанд тарзда миллий-тарихий кадриятларга монанд тарзда миллий-синтетик ўзлаштириш, таълим мазмунига сингдириш билан бадиий-эстетик таълимнинг сифати ва самарадорлигини ошириш учун дидактик имкониятлар кўлами кенгайди, яъни бу жараёнда дидактикнинг тарихийлик ва замонавийлик принципини синтетик тарзда қўллаш мақсадга мувофиқ. Зеро, аниқ тарихий асосга эга бўлган ўқув материални ўзлаштириш билан бевосита маънавиятимиз ва мафкурамизга мос манбалар, объектларни ўқув материали сифатида ўрганиш таълим жараёнини онглилигини таъминлайди. Жумладан, тасвирий санъат таълими мазмунини модернизациялаш билан боғлиқ бўлган омил таълим сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода ҳали ҳануз айрим мутахассисларнинг арсеналидан тушмаган ёт материаллардан ҳоли бўлиш бадиий таълимнинг долзарб масалаларидан бири сифатида қолмоқда. Мустақиллик йиллари тасвирий санъатнинг ретроспектив таҳлили бу борадаги камчиликларни бартараф этиш, тасвирий санъат

таълимнинг миллий-тарихий негизларини муҳофазатлаш, унинг замонавий тенденцияларини таълимий кадриятнинг сифатида эътироф этиш учун кенг имконият яратиб берди.

Барча замонларда, барча миллатлар тоқсонлари мустақил ҳаёт тарзини белгилаш фаровон ҳаёт кечириниши бош омили сифатида эътиборга келинган. Бирок дунё шундай яралганки, муайян ижтимоий-сиёсий, иқтисодий сабаблар билан замонларда диний эътиқодлардаги ҳар хил дунёқараётлар баъзи замонларни маълум муддат қарамликда яшашга муҳим қилган. Бундай қарамлик унинг бошқа соҳаларида бўлганганча, маданияти ва санъатида ҳам ўз изини қолдиради. Ўзбекистон тарихида ҳам бундай қарамлик, афеуски, кўп бора содир бўлган. Юртимиз бундай қарамлик ва рус истилочиларининг таълимига учраб, яъни, араб, мўғил ва рус истилочиларининг таълими тарихини янги манфаатлар мақсадида халқимизнинг шундай тарихини қайта баҳолаштириш йўлида мақсадли ҳаракатлар амалга оширилган. Чунинчи, араблар истельоси туфайли тасвирий санъатнинг амалга оширилиши ва рангтасвир турлари шаклланишига учраган. Натижада анча йиллар давомида ўзимиз истаётмай узоқ тарихга эга бўлган маданий меросимиз, миллий кадрларимиз ва анъаналаримиз, урф-одатларимиз тарихий бадиий-эстетик таълим сифатида ўқув дастурлари мазмунидан ўрин алмамай қолди. Бундай ҳолат тасвирий санъат тарихида ҳам кузатилди. Мустақиллик йилларига нашр қилинган ҳали мактабда тасвирий санъатни ўқитишга оид қўлланмалар миллий мафкурамизга тўғри келмайдиган асарлардан устувор тарзда фойдаланиб келинганлигини бунга мисол тариқасида келтириш мумкин. Биргина Камолiddин Бехзодни эътиборга олмаганда, Ўзбекистон тарихида маданият ва санъат, айниқса, тасвирий ва амалий санъатни шаклланиши ва тараққий этишига оид тарихий материаллар ўрин олмади.

Мустақиллик туфайли мустақил ва озод суверен давлат – Ўзбекистон Республикасини ташкил этилиши тарихий миллий кадриятларимизни тиклаш, янгича мазмун билан бойитиш борасида жаҳоншумул ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Зеро, одам нафақат иқтисодий жиҳатдан, балки маънавий жиҳатдан ҳам, албатта бақувват бўлиши шарт. Мана шунан нуктаи

назаридан эса бадийий кадриятларимиз, тасвирий ва амалий санъатнинг таълимий ва тарбиявий аҳамият беқиёс.

Авалло, кадрият ўзи нима? Унинг тасвирий санъат таълимига алоқаси нималарда намоён бўлади? Унинг бадийий таълимга алоқадор мазмуни, таркибий элементлари нималардан иборат? деган савол туғилиши мумкин. Расмий манбаларда (ЎЗМЭ, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, “Фалсафа”, “Маънавият”, “Мустақиллик” каби энциклопедия ва изоҳли луғатлар) кадриятга “Инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарсалар, масалан, эркинлик, тинчлик, адолат, ижтимоий тенглик, маърифат, ҳақиқат, яхшилик, гўзаллик, маданий ва маънавий бойликлар, анъана ва урф-одад ва бошқалар кадрият ҳисобланиши” баён этилган. Бундан мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча сўй-ҳаракатлар, жумладан, мамлакатимизнинг тасвирий ва амалий санъатини, унинг намуналарини мактаб тасвирий санъат таълими мазмунига сингдиришни кадриятга дахлдор сўй-ҳаракатлар сирасига киритиш мумкин. Айни пайтда эътироф этиш жоизки, муайян ижтимоий-сиёсий мақсад-муддаолар туфайли, хусусан, миллатнинг мафкураси, тарихий дунёқарашини мажбурий тарзда ўзгартириш учун “Ёлгон кадриятлар” ҳам ясалар экан. Шу ўринда рус генерали Кауфманнинг ўзбекларни шундай ишлатиш, иложи борича кўпроқ пахта эктириб, кундалик ҳаёт ҳақида ўйлашга вақти ҳам, хоҳиши ҳам қолмаслигини таъминлашга йўналтирилган сиёсат ўзбек халқини пахта қарамлигига “михлаб” ташлаган эди. “Оқ олтинни олтин қўллар яратади” кабилидаги ёлгон кадриятлар ўзбекларни даладан бери келмас даражасига келтириб қўйган эди. Бу омил тасвирий санъатда ҳам ўз инъикосини топди: пахта мавзусига бағишланган туркум асарлар яратилиб, уларнинг айримлари узлуксиз тасвирий санъат таълими мазмунидан ўрин олди. Буни, айниқса Ўзбекистон тасвирий санъатининг хайкалтарошлик турида яққол кўриш мумкин.

Санъат асари инсоният тарихидаги энг қимматли кадриятлардан бири саналади. Зеро, санъат асарларида миллатнинг тарихи ўзининг тасвирий талқинини топади ва улар дунёнинг энг нуфузли музей, галерея, кутубхона ва бошқа жамғармаларида асрлар давомида авайлаб асраб сақланади.

Хайкалтарошлик асарлари эса, айниқса, унинг монументал тарвири, одадда, шахарсозликнинг бир элементи сифатида эълонланди. Бугунги кунда мамлакатимиз пойтахтининг энг кўрам жойларидан бири – Амир Темур ҳиёбонда хайкалтарош, Ўзбекистон Бадийий академиясининг академиги, Ўзбекистон халқ rassomi Илҳом Жаборов томонидан яратилган Соҳибқирон Амир Темурнинг нафақат санъат билимдонларини, балки баргани, айниқса, хорижлик сайёҳларни хайратга соладиган даражада юксак профессионализм билан яратилган салобатли ҳаёоли тарихий ҳақиқатнинг тантанаси сифатида ўрнатилган. Тарихий ҳақиқат шуки, илгарилари бу ер “Инкилоб ҳиёбони” деб аталиб, халқ тилида уни “Сквер революции” дейилар эди. Унинг марказида машхур хайкалтарош Д.Рябичев томонидан яратилган ва 1968 йилда ўрнатилган коммунизм назарияси асосчиларидан бири Карл Маркснинг бюсти турар эди. Фақатгина Тошкент шаҳрида бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Келтирилган омиллар тасвирий санъат таълими мазмунини янгилашнинг нафақат ижтимоий-педагогик, балки сиёсий-мафкуравий аҳамият касб этувчи асосларидан бири саналади. Қувида келтириладиган тахлилий хулосалар ҳам тасвирий санъат таълими мазмунини жамиятимизнинг бугунги миллий мафкураси нуқтаи назаридан янгилаш лозимлиги нақадар муҳим эканигидан далолат беради.

Мамлакатимизнинг Бош майдони – Мустақиллик майдони советлар даврида ҳам бош майдон бўлган. Фарқи шуки, бу ерда машхур хайкалтарош Николай Томский томонидан 1974 йилда яратилган В.И.Ленин хайкали жуда ҳам баланд подстаментда ўзбек халқига дохйлик қилишни даъво қилиб турар эди. Эндичи? Жаҳон харитасида янги суверен давлат пайдо бўлди. Бу Ўзбекистон Республикаси. Ленинни ўрнида ер шари глобусида Ўзбекистон харитаси бўртириб тасвирланган тилларнинг глобус, унинг остида эса “Бахтиёр она” хайкали (муаллифи И.Жабборов) болажонлик рамзи сифатида ўрнатилган. Бу тарихий ҳақиқатни қарор топишида, биринчи галда тасвирий санъат хизмат қилмоқда, яъни хар иккала мисол ҳам, аввало, тасвирий санъат, хайкалтарошлик намунаси ҳисобланиши боис мактаб тасвирий санъат таълими мазмунидан ўрин олиши лозим.

Яқин ўтмишимизда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг (ҳозирги Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети) бош биноси олдида Михаил Фрунзенинг отлиқ хайкали бўлар эди. Бу жой жуда гавжум бўлар, хайкал атрофида профессионал фотографияларга расмини олиб қўйиш учун мурожаат қилувчилар ҳам кўп бўлар эди. Булар орасида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчилари ҳам бор бўлган. Аслида Фрунзенинг буйруғи билан Россия учувчилари тасвирий санъат ўқув фани дастури бўйича ўқитиладиган Шарқ меъморлигининг ўзига хос намуналари, миллий-бадий кадриятимизнинг ноёб намуналаридан бири – Бухоро аркини бомбардимон қилган, Бухоро Минораи калонини замбаракдан ўкка тутиб, бетунох одамларнинг қонини тўкишга ҳукм чиқарган. Шундай одамга оммага билим берувчи таълим маскани олдидаги майдондан жой берилган. Бугун ўша ерда (Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этилгунга қадар шундай бўлган. Ҳозирги кунда бу ер меъморий ландшафт сифатида реконструкция қилиниб, Алишер Навоий хайкали ўрнатилган) дини, эътиқоди, тарихи муштарак бўлган озарбайжон халқининг буюк шоири Низомий Ганжавийнинг бюсти ўрнатилганва хайкалтарошликнинг мазкур намунаси мактаб тасвирий санъат таълими мазмунига сингдирилди (Қаранг: Тасвирий санъат. 4-синф учун дарслик. – Тошкент: “Шарқ” НМАК, 2017. – 112 б.). Бунда яна бир рамзий маъно, тарихий ҳақиқатнинг тантанасини кўриш мумкин: Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида узоқ йиллар улуг адиб, озарбайжонларнинг оташнафас шоири Мақсуд Шайхзода педагогик фаолият юритган, талабаларга ўзбек адабиётидан сабоқ берган. Шу йўл билан тарихий ҳақиқат қарор топди, яъни ўзбек ва озарбайжон халқларининг тарихий ришталари муштараклигига ишора рамзи сифатида Низомийнинг хайкал-бюсти шу ерда қад ростлади. Қолаверса, ўзбек рассомлари томонидан Мақсуд Шайхзоданинг портретлари ишланганки, уни ҳам тасвирий санъат таълими мазмунига сингдириш тасвирий санъат таълими мазмунини модернизациялашнинг истиқболдаги режаларига киритилиши мумкин.

Маълумки, Октябр инқилоби “ижодкорлари” турли ўлкаларга юборилиб, у ерларда маҳаллий аҳолини том маънода йўлдан уриш, дину-эътиқодидан мосуво қилиш ишлари билан шуғулланганлар. Шундайлардан 14 нафари Туркистонга ҳам юборилган. Уларнинг “тарихий хизматларини улуғлаш” мақсадида Тошкент темир йўл вокзали рўпарасидаги майдонга 1962 йилда Д.Рябичев томонидан яратилган “14 Туркистон комиссарлари”нинг шахдам қадам ташлаётган, қатъиятли образларда тасвирланган хайкаллари йиллар давомида матонат ва кадромонликнинг хайкалтарошликдаги талқини сифатида эътироф этиб келинган. Бугунги кунда бу ерда Тошкент шаҳрининг герби ўрнатилган. Герб тасвирий санъатнинг геральдика тури сифатида 7-синф тасвирий санъатнинг мазмунига киритилган ҳолда мазкур мавзунинг иллюстратив материали сифатида Тошкент шаҳри герби тасвирдан фойдаланилган.

Бу каби мисолларни тасвирий санъатнинг бошқа турларида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, рангтасвир санъатида яратилган композицияларнинг асосий мавзуси сифатида “Туркистон хотин-қизлари М.И. Калинин хузурида”, “Туркистонликлар В.И.Ленин хузурида”, “В.И.Лениннинг Мирзачўл харитаси олдида” каби оёбсатчилар томонидан кўкларга кўтариладиган “оммавий мавзулар” урф бўлиб, улар тасвирий санъатнинг классик намунаси саналар эди. Ўзбекистоннинг шаҳарлар, туман марказларидабиз учун услуда ғояларнинг яратувчилари хайкаллари, портретлари, монументал плакатлар ўша даврнинг фаровонлигига, келажакимизнинг ёруғлигига ишонтиришга лавъатдек навбатчи чақириқлар сифатида кадрлар эди. Бугунги кун тасвирий санъатида эса Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабздаги Амир Темур хайкаллари, Фарғонадаги ал-Фарғоний хайкали (хайкалтарош Илҳом Жабборов), Андижондаги Заҳриддин Мухаммад Бобур хайкали (хайкалтарош Равшан Миртожиев), Навоий, ибн Сино, Фарғоний ва Мирзо Улугбекларнинг Токио, Москва, Рига, Қоҳира каби шаҳарлардаги хайкаллари нафақат мустақиллигимиз рамзи, балки мустақил Ўзбекистон буюк аждодлар юрти эканлигини дунёга тараннум этиш воситаси сифати эътироф этилмоқда. Юқорида

келтирилган хайкалтарошлик асарлари боскичма-боскич мактаб тасвирий санъат таълими мазмунига сингдириб борилади. Уларнинг миллий ифтихор рамзи эканлиги ўқувчиларда алоҳида қизиқиш ўйғотиши боис уларни ўқув материали сифатида ўзлаштириш жараёни онгли ва қизиқарли тарзда кечади. Бу тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан биридир.

Замонавий Ўзбекистон тасврий санъатида Малик Набиевнинг Амир Темур, Тўра Қурёзовнинг Жалолиддин Мангуберди, Акмалжон Икромжоновнинг Мирзо Улугбек, Ортиғали Қозоқовнинг Сароймулкхоним, Гавхаршодбегим, Ориф Муиновнинг Бибихоним каби мумтоз асарлари, Раҳим Ризамухамедов, Зайниддин Фаҳриддинов, Алишер Алиқуловларнинг тарихий мавзудаги композициялари тарихий бадиий-эстетик кадриятимизнинг тантанаси сифатида эътироф этилмоқда. Ва муҳими, бу асарларнинг асосий қисми мактаб тасвирий санъат таълими мазмунидан ўрин олиб бормоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Айни мустақиллик йиллари қатагон қурбонлари бўлган Аддулла Қодирий, Абдулхамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Усмон Носир, Элбек, Иброт, Шоқир Сулаймон каби маърифатпарвар алломаларнинг туркум портретлари яратилиб (муаллиф – Ўзбекистон халқ рассоми Собиржон Раҳметов), Ўзбекистон тасвирий санъатининг портрет жанридаги мумтоз асарлар туркумини ташкил этмоқда. Бу материал ва маълумотлар тасвирий санъат таълими мазмунига киритилиши лозим.

Юзаки қараганда юқорида келтирилган фикрлар бевосита санъат таълимига алоқадор эмасдек туюлса-да, аслида ҳар қандай ўқув фани мазмунида соҳага оид компетенцияларни шакллантириш билан бир қаторда тарихий кадриятларимиз, мустақиллик учун курашганлар хотирасига хурмат бажо келтириш орқали ўқувчиларда ватанпарварлик туйғуларини тарбиялаб бориш ҳам мамлакатимиз таълимий сифатининг устувор йўналишларидан бири саналади.

Мустақиллик туфайли тарихга, маънавиятга, бадииятга дахлдор яна бир хайрли ишни эшлаш, улардан мактаб тасвирий санъат таълимида фойдаланиш имкониятларини излаш лозим,

яъни юртимиз тарихида топталган, харобага, вайронага айлангирилган қадимий меъморий обидалар, азиз авлиёларнинг муборак хоки қўйилган ерларни обод қилиш борасида ҳам хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Имом ал-Бухорий, Мотуруддий каби авлиёларнинг мажмуасини Самарқандда, Баҳоуддин Насибанд мажмуасини Бухорода, Мухаммад ат-Термизий мажмуасини Термизда таъмирланишида юртимиз усталарига миллий санъатнинг янгидан-янги намуналарини яратиш учун кенг майдон бўлди. Булар ҳам ўқув материали намунаси, тантанасидир, яъни бутунги кунимизни юртимизда Шарқона меъморлик анъаналарининг замонавий талқини сифатида бунёд этилган масжидлар Ўзбекистоннинг замонавий миллий меъморлик намуналари сифатида намоён бўлмоқда. Бутунги Тошкентни Минор масжиди, Тошкент Ислоом университети боғида, Хастимон мажмуасисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу материаллар, айниқса, 7-синфда Шарқона меъморлик тарихи мавзуларини бойитишда муҳим манба вазифасини ўтайди. Шунинг учун ҳам тасвирий санъат дарсликларида Хастимон мажмуаси, Минор масжидининг репродукциялари 4-синф, шарқона меъморий манзара репродукциялари 7-синф дарсликлари мазмунига киритилиши, биринчидан, тарихий қаҳқатнинг тантанаси бўлса, иккинчидан, мактаб тасвирий санъат таълимининг миллий-тарихий негизини мустаҳкамлашнинг муҳим омилли сифатида эътиборлидир.

1.6. Дарсликни модернизациялаш тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг дидактик имконияти сифатида

Таълим тизимининг устувор вазифаларидан бири унинг сифати ва самарадорлигини оширишдан иборат. Зеро, сифатли таълим ва тарбия, умуман таълим тизимининг смарадорлигини таъминлаши натижасида малакали кадр тайёрлашнинг мустаҳкам пойдевори бунёд этилади. Айни пайтда таъкидлаш жоизки, дарсликларнинг янги авлодини яратиш, мавжудларини модернизацияла орқали таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг умумий ва хусусий компонентлари мавжуд.

бартаф этиш тасвирий санъат таълими сифати ва самардорлигини оширишнинг муҳим шarti эканлигини англатади. Бу омил, айниқса, бошлангя синфларда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, дарслик таълим мазмунини ўзлаштиришнинг асосий манбаидир. Шунинг учун ҳам дарсликларни модернизациялаш бевосита таълим сифати ва самардорлигига таъсир этади.

Ўқув-тарбия жараёни сифати ва самардорлигини оширишда дарслик мажмуа таркибиги кирувчи ишланмалар, яъни дарсликка қўшимча тарзда методик қўлланма, ўқувчи дафтари, турли дидактик ишланмаларнинг янги авлодини яратиш тасвирий санъат таълимининг долзарб вазифаларидан биридир. Зеро, “Тасвирий санъат” ўқув фанидан бундай ишланмалар йўқлиги боис юқоридаги дидактик талаблар асосида уларнинг янги авлодини яратиш мамлакатимиз таълим тизими учун, хусусан, бадий таълим учун ўқув-тарбия жараёни сифати ва самардорлигини оширишнинг муҳим омили бўлади.

Демак, ўтказилган тажриба-синов ишлари, шунингдек, Республика Таълим маркази томонидан белгиланган экспертларнинг хулосалари тадқиқот доирасида амалга оширилган ишлар натижалари асосида таҳлил этилганда экспертларнинг хулосаларини қуйидагича таснифлаш мумкин бўлди.

Биринчи тоифадаги хулосаларда дарслик мазмуни ва структурасига нисбатан объектлик ёндашилганлиги ҳамда фойдали таклифлар киритилганлигини кузатиш мумкин.

Иккинчи тоифага мансуб деб баҳоланган хулосаларда унинг муаллифлари соҳанинг хусусиятларини яхши билмасликлари кузатилди, яъни улар томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазаларда тасвирий санъат таълими, хусусан тасвирий санъат дарсликларини такомиллаштиришга асос бўладиган фикрлар йўқ.

Учинчи тоифага мансуб деб топилган хулосаларда муаллифларнинг таклифлари, аксинча, дарслик мазмуни ва структурасини амалдагисидан кўра заифроқ кўринишга эга бўлишига сабабчи бўлиши мумкин.

Таъкидлаб ўтилганидек, экспертларнинг хулосалари, устувор тарзда 2015 – 2017 йилларда амалга оширилган тадқиқот

натижаларига асосланган ҳолда амалдаги дарсликлар қайта шунинди, тўлдирилди ва аниқланган камчиликлари тузатилди.¹

Шундай қилиб, тасвирий санъат таълими сифати ва самардорлигини оширишнинг асосий дидактик воситаси – дарсликларга киритилган ўзгаришларнинг мазмуни қуйидаги жадвалларда ўз аксини топди (3, 4-жадваллар).

3-жадвал

4-синф “Тасвирий санъат” дарслигига компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштирилган ўқув дастури бўйича киритилган ўзгаришлар хақида

МАЪЛУМОТ

№	Мавзулар	Аниқланган камчиликлар бўйича киритилган ўзгаришлар	Дарсликка киритилган, ундан чиқарилган иллюстрация ҳамда уларнинг тафсилотлари
1	Тасвирий санъатнинг тур ва жанрлари (1-мавзу)	Дарсликда хайкалтарошлик турларига оид таърифларда хатolik аниқланган, яъни “бъост” (хайкалнинг фақат бош қисми) ва “торс” (хайкалнинг белидан юқори қисми) хақидаги аниқлик маълумотига киритилган. Шунингдек, тасвирий санъат дарсликларига Аlisher Навоий хайкалларига оид материаллар берилган бўлганлиги учун бошқа алломаларга материаллар билан алмаштирилган. Бу онгига ўқувчилар Ўзбекистон хайкалтарошлигининг	Чиқарилган иллюстрациялар сони – 3 та; Киритилган иллюстрациялар – 4 та. Ўзгаришлар 50 % Киритилган ўзгаришлар тафсилоти: Ибн Синонинг Бельгияда ўрнатилган торс вариантдаги хайкали бьост вариантыга алмаштирилган. Шунингдек, тасвирий санъат дарслигига Навоий хайкалларига оид материаллар берилган бўлганлиги учун Ахмад Фарғонийнинг Қоҳира (Миср) шаҳрида

¹ Мисқур тузатишлар асосида 2017 – 2018-ўқув йили учун 4 ва 7-синф тасвирий санъат дарсликлари мос равишда “Шарк” НМАК ҳамда Гафур Ғулом номлидаги НМБУда нашр этирилди.

ишлаш (3-мавзу)	тарзда Шунингдек, қисқартirilган ҳамда тахрир қилинган.	берилган. матн	иллюстрациялар – 2 та. Ўзгаришлар 50 % Кирилган ўзгаришлар тафсилоти: Рассом Павел Буенинг репродукция сифати яхши бўлмаган ҳамда бугунги кун ҳаётига мос бўлмаган “Қовун растаси” асари ўрнига Жавлон Умарбековнинг “Ҳосил” картинаси репродукцияси кирилган.
4	Раққоса хайкалини ишлаш (4-мвзу)		Чиқарилган иллюстрациялар сони – 3 та; кирилган иллюстрациялар – 3 та. Ўзгаришлар 50 % Кирилган Ўзгаришлар тафсилоти: Дарсликнинг 21- сахфасида берилган “Раққоснинг туғилиши” номли деворий суратнинг полиграфик сифати яхши бўлмаган ва унинг репродукцияси тўлиқ кўрсатилгани учун асосий фигура – раққоснинг ҳаракати аниқ кўринмаган. Шунинг учун деворий суратнинг марказий қисми, айнан раққоснинг ҳаракатини тасвирловчи қисми катталаштириб берилган.
	“Қузги гуллар”	Матн тахрир қисқартрилди.	Чиқарилган килинб, Ўтилган

халқаро микёсдаги нуфузи ҳақидаги маълумотларни сингдириш орқали уларда ваганпарварлик, буюк тархий шахслар, аждод- ларимиздан фахрланиш хиссини сингдиришга хизмат қилади. Қўшимча сифатида хайкалтарошлик- нинг яси тури – рельеф турларига оид материал кирилди ва уларга мос шарҳлар берилди.	Ўрнатилган репродукцияси кирилган. Қўшимча хайкал- рельеф оид материал кирилган.	хайкали	
2	Қовун ва анор мавзусида натюрморт ишлаш (2-мавзу)	Чиқарилган иллюстрациялар сони – 3 та; кирилган иллюстрациялар – 4 та. Ўзгаришлар 35 %.	
	“Қовун сайтида” мавзусида КОМПозиция	Матнда хато “қовун тилиги” ўзбек тилининг имло лугагига асосан “қовун тилими” берилган	Кирилган Ўзгаришлар тафсилоти: “Қовун ва анор” натюрморт босқичлари тасвирланган иллюстрациядаги компановкага оид хатolik бартараф этилган. Рассом Кальфнинг “Натюрморт” асари ўрнига Нодира Орипованинг замонавий- миллий руҳда яратилган “Анорлар” мавзусидаги натюрморти картинасининг репродукцияси киритилган.
3	“Қовун сайтида” мавзусида КОМПозиция	Матнда хато “қовун тилиги” ўзбек тилининг имло лугагига асосан “қовун тилими” берилган	Чиқарилган иллюстрациялар сони – 2 та; кирилган

<p>мавзусида расм ишлаш (5-мавзу)</p>	<p>мавзунини мустахкамлаш учун берилган саволларда ноаниқликлар мавжуд бўлган. Уларга аниқлик киритилиб, матн билан мувофиқлаштирилган.</p>	<p>та; Киритилган иллюстрациялар – 1 та Ўзгаришлар 50 %.</p> <p>Киритилган Ўзгаришлар тафсилоти: Расом Салпинкидиннинг Ўрнига Орипованинг мавзусига мос картина репродукцияси киритилган.</p>	<p>Иллюстратив материалларга ўзгаришлар киритилмаган</p>
<p>“Қушлар” мавзусида расм ишлаш (6-мавзу)</p>	<p>Матн таҳрир қилиниб, унинг айрим қисқартирилган, хусусан, ўқувчиларнинг тасвирий тасавурларини аниқлаштиришга йўналтирилган қушларнинг шакли ва рангига оид материаллар қўшилган.</p>	<p>Иллюстратив материалларга ўзгаришлар киритилмаган</p>	<p>Иллюстратив материалларга ўзгариш киритилмаган</p>
<p>Тўғри тўртбurchак шаклида нақш ишлаш (7-мавзу)</p>	<p>Нақш композициясини яратиш методикасига оид қўшимча материаллар киритилган. Жумладан, нақшдаги симметрия қонуниятини асосида композициянинг 4/1 қисмини композиция юзасида тақсимлашни тушунтирувчи матн Шунингдек, дарс мавзуси билан ўтилган мавзунини мустахкамлаш учун берилган саволлар ўртасидаги номувофиқлик бартараф этилган.</p>	<p>Иллюстратив материалларга ўзгариш киритилмаган</p>	<p>Иллюстратив материалларга ўзгариш киритилмаган</p>
<p>“Ўзбекистон ва Мемориал”</p>	<p>Чикарилган иллюстрациялар сони – 1</p>		

<p>“Ҳорлик-лорик” мавзусида расм ишлаш (8-мавзу)</p>	<p>та; киритилган иллюстрациялар – 2 та.</p> <p>Ўзгаришлар 30 %</p> <p>Киритилган Ўзгаришлар тафсилоти: Ҳазрати мажмуасининг дарсликдаги расмининг парча шаклидаги тунги кўриниши панорама усулида олинган янги ва сифатли расми билан алмаштирилган. Қўшимча таъза Минор масжиди расми киритилди.</p>	<p>Матнга қўшимча киритилган. Дарслик матнидаги айтарли муҳим бўлмаган парчалар қисқартирилган. Масалан, дидактик талаб нуқтани назардан савол-жавоблар методик қўлланмада бўлиши мақсадга мувофиқлигини эътиборга олиб улар қисқартирилган.</p>	<p>Иллюстратив материалларга ўзгариш киритилмаган</p>
<p>10</p>	<p>Квадрат шаклда нақш ишлаш (10-мавзу)</p>	<p>Матнга топирик тафсилотини аниқлаштирувчи қўшимча материаллар киритилган.</p>	<p>Иллюстратив материалларга ўзгариш киритилмаган</p>
<p>11</p>	<p>“Спорт ўйинлари” мавзусида расм ишлаш (12-мавзу)</p>	<p>Дарслик матнига Рио-де-Жанейрода ўтказилган олимпиада ўзбекистонлик спортчиларнинг иштирокига доир қўшимча материаллар киритилган.</p>	<p>Иллюстратив материалларга ўзгариш киритилмаган</p>

12	“Қиш келди” мавзусида расм ишлаш (13-мавзу)	Матн қисқартирилган ва айрим қўшимча (аникликлар) киритилган.	Чиқарилган иллюстрациялар – 1 та Кўшимча иллюстрация киритилмаган Ўзгаришлар – 5 %
13	“Сават кўтарган киз” мавзусида композиция ишлаш (15-мавзу)	Матнда аниқланган ҳамда такрорий тарзда қўлланган сўзлар таҳрир қилиниб, аниқлик киритилган. Шунингдек, мантдаги дарс мавзусига бевосита алоқаси бўлмаган “сураглар колорити” термини қисқартирилган ҳамда ўқувчиларга композиция яратиш жараёнини тушунтирувчи қўшимчалар киритилган.	Иллюстратив материалларга ўзгартариш киритилмаган
14	“Туя билан бўталоқ” мавзусида хайкал ишлаш (16-мавзу)	Матнга алмаштирилган иллюстратив материалларга мувофиқ таҳририй ўзгаришлар киритилган.	Чиқарилган иллюстрациялар сони – 1 та; Киритилган иллюстрациялар – 2 та. Ўзгаришлар 20 %
	“Баҳор гуллари” мавзусида композиция ишлаш (21-мавзу)		Чиқарилган иллюстрациялар сони – 1 та; Киритилган иллюстрациялар – 3 та. Ўзгаришлар 30 %

	Ўзгартаришлар тафсилоти: Дарсликдаги “Лолакизгалд оқлар” мавзусида Обиджон Бакиров ҳамда Евгений Мельниковларнинг картиналарининг репродукциялари берилган. Иллюстрациялардаги вариативликни таъминлаш мақсадида мазкур иш рассом Ортиғали Қоқоқовнинг “Баҳор гули настарин” картинаси репродукцияси билан алмаштирилган. “Тенгдошингиз ижодидан” рукнида берилган иллюстрация аслида ўқувчини бўлмаганлиги боис унинг ўрнига Жонпўлат Башаровнинг натюрморти киритилган. 6-босқичли натюрморт ишлашнинг якунловчи босқичи тақомиллаштирилган.		
16	Сопол лаган учун нақш ишлаш (22-мавзу)	Умумий ўрта таълим мактабларининг 7-синф дарслигида Муҳиддин Раҳимовлар сулоласи ҳақида маълумот ва кулолнинг ишларидан намуналар берилганлиги боис 4-синф дарслигидаги бу парча қисқартирилган. Кўшимча сифати Риштон кулолчилик мактаби ҳақида маълумот берилган.	Чиқарилган иллюстрациялар сони – 2 та; Киритилган иллюстрациялар – 3 та. Ўзгаришлар 35 % Киритилган ўзгартаришлар тафсилоти: Ўзбекистон халқ рассоми Жаҳодир Жалолов томонидан яратилган Муҳиддин Раҳимовнинг портрет-композицияси

17	“Боксчи” мавзусида ҳайкал ишлаш (23-мавзу)	Дарс мазмунига ўзбекистонлик боксчиларнинг Рио-де-Жанейродаги ютуқлари ҳақидаги материаллар киритилган.	Ўрнига Ришва кулчилик мактабининг ёрқин вакилидан бира – еттинчи авлод кулчи Фирдавс Юсуповнинг портрети берилган. Кулчиликка оид рамзий маъно касб этувчи кўшимча материал иллюстрациялар киритилган.
18	“Пойга” мавзусида расм ишлаш	Матн таҳрир қилиниб, айрим парчалар қисқартрилган, айрим қисмларга эса, аксинча, кўшимча тафсилотлар киритилган.	Чикарилган иллюстрациялар сони – 1 та; Киритилган иллюстрациялар – 2 та. Ўзгаришлар 30 % . Киритилган ўзгартаришлар тафсилоти: Осиё чемпиони Рустам Саидовнинг расми ўрнига Рио-де-Жанейро олимпиадаси чемпиони Хасанбой Дўстматов ва Фазлидин Ғоибназаровнинг расмлари қўшилган. Чикарилган иллюстрациялар сони – 1 та; Киритилган иллюстрациялар – 1 та. Ўзгаришлар 20 %
18	“Пойга” мавзусида расм ишлаш	Матн таҳрир қилиниб, айрим парчалар қисқартрилган, айрим қисмларга эса, аксинча, кўшимча тафсилотлар киритилган.	Чикарилган иллюстрациялар сони – 1 та; Киритилган иллюстрациялар – 1 та. Ўзгаришлар 20 %

шубҳали иллюстрация мавзуги мос материал – Алишер Алиқулловнинг номли репродукцияси киритилган.	бўлган ўрнига миллий Алишер “Улоқ” картинаси киритилган.
---	--

Жадвалда келтирилган маълумотлар амалдаги “Тасвирий санъат” дарслигининг мазмуни ва структурасига умумий ҳолатда 10 % ҳажмда ўзгартариш киритилганлигини англатади.

4-жадвал

7-синф “Тасвирий санъат” дарслигига компетенциявий йиллашув асосида такомиллаштирилган ўқув дастури бўйича киритилган ўзгаришлар ҳақида МАЪЛУМОТ

I. P.	Дарсликка киритилган ўзгаришлар			
Мавзулар	Мисол ва масала ёки машқлар	Аниқланган камчиликлар бўйича киритилган ўзгартаришлар	Дарсликка киритилган, ундан чиқарилган иллюстрация ҳамда уларнинг тафсилотлари	
I	Тасвирий санъатда оқим ва йўналишлар	1. Амалдаги дарсликда ўтилган дарсларни мустаҳкамлаш учун саволлар берилмаган. 1, 2, 3, 10, 16-мавзулар бўйича саволлар киритилган. Бошқа мавзуларда берилган саволлар дарсликнинг қайта ишланган мазмунига мослаштириб	Клод Моненинг “Париждаги опера кўчаси” номили асари, Камиль Писсаронинг сифати ҳамда композиция элементлари аниқ бўлган “Капуцинлар хрибони” асарининг репродукцияси билан	

			асар яратилган материаллар киритилган тартиб (метод)лари хамда 7-синф ҳақида тушунча ўқувчи-ларнинг берилган, матнга ёшига мос кубизм услубида иллюстратив яратилган шарҳи асарнинг кубизм (Киплинг. "Кубизм услубининг Пол асосчиси Сезаннинг автопортрети хамда биографияси берилган.	материаллар киритилган хамда 7-синф ўқувчи-ларнинг ёшига мос иллюстратив материал (Киплинг. "Кубизм услубидаги натюрморт") қўшилган.
Тасвирий санъатда рамзийлик ва геральдика			Тасвирий рамзий маънони англатувчи тафсилотлар, айниқса, тарихий материаллар тасвирий санъат таълимининг компетенциявий мос ёндашувга таърир тарзда матн қилинган ва матн қисқартirilган.	Рамзий маънони англатувчи хамда тарих фанига алоқадор бўлган иллюстрациялар (Оврупо Хун хоқонлиги байроғи, Буюк Хун хоқонлиги байроғи), Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланган декоратив композиция варианты ўзгартirilган, шунингдек, матнга мос тарзда айрим иллюстрациялар олиб ташланган.
3	Амалий безак санъатида рамзийлик		Дарслик мантиси қисқартirilган иллюстратив материаллар асосида таърир қилинди.	Берилган иллюстрацияларнинг айрим-лари қисқартirilган, айримларини матн ичида

тузатиш хамда, тўлдирилган.	Амалдаги дарсликнинг барча (1 - 18) мавзуларига уйга вазифа бандлари киритилди.	алмаштирилган Дарслик мазмуни тасвирий санъат тарихида "импрессионизм" атамасини юзага келишига асос бўлган асар - Монеинг "Клод Монеинг "Кубизм чикайтгандаги таассурот" номли асаринг репродукцияси, шунингдек, тасвирий санъат оқимларини ифодаловчи янги асарлар (Камил Писарро. "Ёмғирли кун", Янис Салпинкиди. "Миллий матолар фонидagi гулдаста") билан бойитилган, импрессионист рассомлар Клод Моне ва Камил Писарроларнинг автопортретлари ва биографиясига оид материаллар қўшимча тарзда киритилган.	Дарслик мантиси қисқартirilган иллюстратив материаллар асосида таърир қилинди.
2.	Амалдаги дарсликнинг барча (1 - 18) мавзуларига уйга вазифа бандлари киритилди.	Амалдаги дарсликнинг барча (1 - 18) мавзуларига уйга вазифа бандлари киритилди.	Амалдаги дарсликнинг барча (1 - 18) мавзуларига уйга вазифа бандлари киритилди.
3.	Дарслик мавзуларининг бошидаги "Топширик", "Дарсликнинг мазмуни", "Материал" каби бўлимлар дарслик яратилшининг дидактик талабларига кўра олиб ташланган хамда улар дарслик матнга сингдирилган.	Дарсликнинг мазмуни, "Материал" каби бўлимлар дарслик яратилшининг дидактик талабларига кўра олиб ташланган хамда улар дарслик матнга сингдирилган.	Дарсликнинг мазмуни, "Материал" каби бўлимлар дарслик яратилшининг дидактик талабларига кўра олиб ташланган хамда улар дарслик матнга сингдирилган.
4.	Мавзудан келиб чиққан ҳолда импрессио-нист-рассомларнинг биографиясига оид материаллар киритилган.	Мавзудан келиб чиққан ҳолда импрессио-нист-рассомларнинг биографиясига оид материаллар киритилган.	Мавзудан келиб чиққан ҳолда импрессио-нист-рассомларнинг биографиясига оид материаллар киритилган.
5.	Пуангилист рассомларнинг ижод усули ҳақидаги тафсилотлар, пуантилизм услубида ишланган асар репродукцияларга шарҳлар берилган.	Пуангилист рассомларнинг ижод усули ҳақидаги тафсилотлар, пуантилизм услубида ишланган асар репродукцияларга шарҳлар берилган.	Пуангилист рассомларнинг ижод усули ҳақидаги тафсилотлар, пуантилизм услубида ишланган асар репродукцияларга шарҳлар берилган.
6.	Тасвирий санъатда кубизм услубининг келиб чиқиши хамда мазкур услубда	Тасвирий санъатда кубизм услубининг келиб чиқиши хамда мазкур услубда	Тасвирий санъатда кубизм услубининг келиб чиқиши хамда мазкур услубда

			кўчрайтириб бериш воситасида дарсликнинг дизайни комплактлаштирилган.
4	Дизайн саноати	Ўқувчиларнинг гендер хусусиятлари, кизиқишлари ҳамда бадий тасвирий-ижодий лаёқатлари тасвирий-ижодий компе- тенцияларни эътиборга олган ҳолда амалий топшириқлар мазмуни дифференциал ёндашув асосида белгиланган. Масалан, амал- даги дарсликда фақат хона дизайни берилган бўлса, қайта ишланган дарсликда либос ҳамда автомобиль дизайнига оид материаллар вариантлари билан киритилган.	Ўқувчиларнинг гендер хусусиятларига мос иллюстратив материаллар (либос ҳамда автомобиль дизайни вариантлари) киритилган.
5	Ўзбекистон-нинг меъморий ёдгорликлар	Матн таҳрир қилинган ҳамда унга аниқлик ва қўшимчалар киритилган, дарсликнинг мантиқий давом сифатида	Биринчи планда дарахлар билан тўсил-ганлиги учун асосий қисми яхши кўринмаган иллюстрациялар

			Ўқувчиларда амалий-таърир компетенцияларини шакллантиришга оид топшириқлар берилган.	– Сомониёнлар мақбараси ва Гўри Амир мақбараси архитектура элементлари яққол кўриниб турган иллюстрациялар билан алмаштирилган. Матнга мос қўшимча иллюстрация – Шох Зинда мақбараси киритилди.
6	Шарк меъморлиги	Дарслик матни қайта ишланиб, таҳрир қилинган ҳамда дарс мавзусига бўлмаган парчалари қисқартирилган.	Дарс мавзусига мос қўшимча сифатида расомларнинг меъморий манзара туркумидаги асарлари репродукцияларидан иллюстратив материал (О.Қозоқов, Ичанқалъа) киритилган.	
7	Мен ёқтирган шаҳар	Матн таҳрир қилинган, унга қўшимча тафсилотлар ва аниқликлар киритилган.	Дарсликда берилган мавзуга мос бўлмаган иллюстрациялар қисқартирилган.	
8	Меъморий манзара	Матндаги айрим парчалар қисқартирилиб, таҳрир қилинган, қўшимча киритилган	Амалдаги дарсликда берилган расом Рашид Темуровнинг “Самарқанд”	

9	Китобат санъати	Иллюстратив материалларнинг тафсилотлари баён этилган.	номли сифати яхши бўлмаган оқ-қора иллюстрацияси ўрнига сифатли рангли иллюстрациялар – Муртазо Эргашевнинг. “Шохи Зинда. Қилч” ҳамда Ортиғали Қозоқовнинг “Самаракандда куз” номли картиналари репродукциялар и киритилган.	“Дарслик матни мос иллюстратив материаллар билан бойитилган.
10	Китобат санъатининг	Дарсликнинг китобат	Дарсликнинг китобат санъатига оид тарихий ва замонавий материаллар билан тўлдирилган. Кераксиз парчалар (муस्ताқил ўқиш учун адабиётлар) олиб ташланган.	Китобат санъатининг

11	Китоб иллюстрацияси	бадий-график элементлари	графикасининг бадий-график элементлари ҳақида кўшимча маълумотлар берилиб, матндаги специфик терминларга изоҳ берилган ҳамда матннинг мазмунига мос иллюстратив материаллар билан бойитилган.	бадий-график элементларига оид кўшимча иллюстратив материаллар киритилган.
			Ўзбекистонлик китоб безовчи расомлар – ўзбек халқ эртақларига иллюстрациялар ишлаган расомлар ҳақида кўшимча маълумотлар киритилган.	Ўзбек халқ эртақларига ишланган иллюстрациялар киритилган.

Юқоридаги жадвалда келтирилган маълумотлар амалдаги дарсликнинг мазмуни ва структурасига 35 % ҳажмда ўзгартириш киритилганлигидан далolat беради ва бу ўзгаришлар, биринчидан, дарсликнинг замонавий ижтимоий-таълимий ахтиёжларга мослигини таъминласа, иккинчидан, унинг мазмунини бойитган ҳолда тасвирий санъат таълими сифати ва сарадорлигини ошириш учун кўшимча дидактик имконият яратлади.

ИККИНЧИ БОБ ТАСВИРИЙ САНЪАТ ТАЪЛИМИ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ДИДАКТИК ИМКОНИЯТЛАРИ

2.1. Тасвирий санъат дарсларида фаолият турлари алоқадорлиги асосида таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг методик асослари

Ҳар бир соҳанинг фаолият қонуниятлари, амал қиладиган тенденция, қўлланиладиган технология ҳамда ёндашувлари мавжуд. Санъат соҳаси бундан мустасно эмас. Санъатнинг барча турларида бўлганидек, тасвирий санъатда ҳам ўзининг хусусиятларини тавсифловчи омиллар, хусусиятлар ҳамда параметрлари мавжуд. Бу жиҳатлар унинг тур ва жанрларида яққол намоён бўлади. Шунинг учун ҳам умумий ўрта таълим мактабларида амалга ошириладиган бадий таълим тизимида ўқувчиларнинг тасвирий санъатнинг тур ва жанрлари ҳақидаги назарий билим ҳамда амалий малакаларини шакллантиришга ўқувчиларнинг бадий-эстетик савиясини оширишнинг муҳим омили, тасвирий санъат таълимининг асосий компонентларидан бири сифатида қаралади. Шунинг учун ўқувчиларнинг бу борадаги назарий билим ва амалий кўникмалари тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Дидактик қулайлик, имконият нуктаи назардан соддадан мураккабга принципи самарадорликни таъминлаш борасида бир қатор қулайликларга эга. Шу маънода дидактик қулайлик нуктаи назардан таълимий ва тарбиявий имкониятлари кенгроқ жанрларга алоҳида таълимий қаратиш мақсадга мувофиқ. Бу борада, шубҳасиз, тасвирий санъатнинг манзара жанрининг имкониятлари кўпроқ.

Манзара санъатшunosлик термини сифатида, асосан, “пейзаж” (французча “paysage” – жой, макон, табиат маъносини англатади) тарзида қўлланилади. Унинг жанр сифатидаги ифода воситаларининг ранг-баранглиги боис рангтасвир соҳасида асарлар яратилади. Чунки табиат манзарасининг гўзаллиги ундаги деталларнинг гўзаллиги билан бир қаторда рангларнинг турли-туманлигида намоён бўлади. Бу омил ўқувчиларда

таъминотликка оид назарий билимларни амалий қўллаш учун имкониятлар тақдим этади. Шундай бўлса-да, график санъатнинг турли техникаларида жозибали асарлар ҳам графиканинг турли техникаларида жозибали асарлари яратганлар. График рассомлар Марат Содіқов, Вахитов, Георгий Чиганов, Медет Кагаров каби асарларнинг графика техникасидаги манзаралари диққатга тартди. Уларнинг тажрибалари, асарларидан ўқувчиларнинг манзара жанрида расм ишлашнинг қаламтасвир асосларини таъминлаш учун ўзига хос намуна сифатида фойдаланишнинг рангтасвирда манзара ишлашларида тасвирий санъатнинг имкониятлари нуктаи назардан ишнинг белгиланган тартиблар асосида бўлишини таъминлайди.

Умумий ўрта таълим мактабларида амалга ошириладиган тасвирий санъат таълими мазмунида ўқувчиларни манзара жанрига ўргатиш мураккаб мавзулар сирасига қиради. Бу мураккабликни қуйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин.

Биринчидан, ўқувчиларнинг манзара чизиш юзасидан дарс мактабидан амалий машғулотларини ташкил этиш имкониятлари чекланган.

Иккинчидан, очик табиат қўйнида, бевосита объектдан, натуранан расм ишлаш синф шароитидаги вазият, ҳолат, тартиб ва унинг имкониятларидан кескин фарқ қилади. Агар синф шароитида ўқувчилар статик вазиятдаги аник натуранан расм чизсалар, табиатда ҳар томонлама, айниқса, куннинг ҳаракати натижасида ёруғ-соя ҳолатларини ўзгарувчанлиги туфайли объектнинг рангшunosлик ечимларини тез ва тўғри ҳал этиш, объектларни умумий алоқадорликда тасвирлаш борасида кўйинчиликлар юзга келади. Қолаверса, табиатда рангларнинг ўзаро таъсири ҳам бошқача кўринишга эга бўлади.

Ўқувчиларни манзара жанрида расм ишлашга оид назарий билим ва амалий малакаларини шакллантиришда қуйидаги компонентларга эътибор қаратилади:

- манзара жанрини тасвирий санъатнинг мустақил жанр сифатида шаклланиши ва тараққий этиш босқичлари, унинг тарихий илдишлари;

- машҳур манзарачи рассомларнинг ижоди (миллий ва жаҳон тасвирий санъатининг қиёсий таҳлили мисолида);

- манзара жанрида амал қилинадиган қонуниятларнинг назарий ва амалий асослари (ранг, колорит, гамма, чизиқли ва хаво (ранг) перспективаси, композиция, натура ва бошқа элементларни манзара ишлашдаги ўрни ва моҳияти);

- манзара ишлашда ёрдамчи воситалардан фойдаланиш тартиби (қаламда ишланган қораламалар, рангда ишланган қисқамуддатли ранглавҳалар ва уларни яхлит композицияга бирлаштиришга оид комбинациялар ва х.к.);

- ўқувчиларни манзара мақомларини (индустриал манзара, қишлоқ манзараси, тоғли манзара, шаҳар манзараси ва х.к.) англашга ўргатиш;

- манзара композициясининг мазмуни ва мотивлари (улуғвор романтик, лирик, ижтимоий-фалсафий ва б.), талқин этилаётган воқеликнинг хусусиятлари.

Ўқувчиларни манзара жанрида тасвирий фаолият кўрсатишга ўргатиш тизимида уларни мазкур жанрни тасвирий санъатнинг алоҳида жанри сифатида шаклланиши ва тараққий этиши ҳақидаги маълумотлар билан таништириш, шунингдек, манзара жанрида яратилган картиналарнинг хусусиятларига, жумладан, уларнинг мазмуни, асарда илгари сурилган мотивларга кўра мақомини аниқлаш, мустақил ижодий фаолиятда унга амал қилиш малакаларини шакллантириш алоҳида аҳамиятга молик таълимий вазифалар сирасига киради. Бу омил ўқувчиларда манзарачи рассомларнинг асарларини бадий-эстетик идрок этиш, уларнинг ижодидаги ўзига хосликни англашга оид билимларини шакллантириш ҳамда олинган тасаввурларни шахсий тасвирий-ижодий фаолиятга татбиқ этиш малакаларини шакллантириш ва ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди.

Тасвирий санъатдан ДТСда ўргатилиши назарда тутилган манзара жанрида яратилган картиналарнинг композицияларида рассомлар томонидан улуғвор романтик мотив (Ўрол Тансиққбоев ижоди мисолида), лирик (Неъмат Кўзибоев, Раҳим Аҳмедов, Абдували Мўминов, Анвар Мирсоатовлар ижоди мисолида) ҳамда ижтимоий-фалсафий (Рўзи Чориев, Неъмат Кўзибоев, Алишер Мирзаев, Ҳаким Мирзааҳмедов, Зухриддин Исломшиков, Ортиғали Қозоқов, Муҳаммадиёр Тошмуродовларнинг ижоди мисолида) талқинлар илгари сурилади. Манзара жанрининг бу хусусиятларини ўқувчилар томонидан тўғри идрок

қилиниши бироз мураккаб кечиши мумкин. Айнан турли мотивлар асосида яратилган манзара асарларини тўғри идрок этишга оид тасаввурлар ўқувчиларнинг шу йўналишдаги билимларининг ўлими, мазмуни ва сифатини белгилаб беради. Демак, ўқитувчи бу педагогик фаолиятда ўқувчиларда манзара ишлаш малакаларини шакллантиришда қўлайлиган методик ёндашувларида манзара мақомини белгилаш (аниқлаш) ва унга оид билимларни амалий фаолиятда қўллай олишга ўргатишни назарда тутмоғи лозим.

Ўқувчиларга тасвирий санъатнинг манзара жанрида амал қилинаётган асосий қонуниятлар тизимининг элементар асослари билан таништириш уларда мазкур жанрда саводли расм ишлаш учун назарий асос вазифасини ўтайди. Зеро, тасвирий санъатнинг умумий қонуниятлари тизимида уларнинг айримлари айнан манзара жанрида устуворлик касб этади. Шундай қонуниятлардан бири перспектива ҳисобланади ва унинг татбиқи манзаранинг саводли тасвирланишини таъминловчи асосий қонуният саналади.

Перспектива барча объектлар, буюмларнинг конструкциялари, шакли, уларнинг макондаги ўрнини тўғри тасвирлашни таъминлайди. Фаолият(жанрлар)нинг бошқа турларига нисбатан манзарада перспективанинг икки кўриниши – чизиқли ва рангли перспективага амал қилиниши яққол намоён бўлади. Масалан, портрет ёки портрет жанрларига татбиққан бу қонуният ўқувчилар томонидан ҳар доим ҳам тўғри бажарилмаслиги мумкин. Чунки бу ҳолат мазкур жанрларда яққол кўзга ташланмайди. Манзара жанрига мансуб асарнинг шартли равишда уч ўлчовли бўлишини ифодаловчи иллюзионистик талқин замирида тасвир объектидаги борлиқ, ундаги деталларнинг жойлашувини белгилаб беради. Демак, тасвирий санъат ўқитувчисининг педагогик фаолиятида ўқувчиларда бу йўналишдаги малакаларни шакллантиришга оид кўрсатмалари ўқувчиларнинг тасвирий саводхонлигини оширишнинг етакчи омилларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларда манзара ишлашга оид малакаларни шакллантириш ва ривожлантиришда уларнинг перспективага оид назарий билимлари ва амалий-ижодий малакаларини тарқиб топтиришга устувор тарзда қаралиши талаб

этилади. Чунки тасвирий санъатнинг бу жанрида мазкур қонуниятга амал қилмаслик натижасида деталларнинг узоқлашган сари қисқариб бориши (чизиқли перспектива), ранглари эса хиралашиб, умумий тусга айланиб бориши (хано (ранг) перспективаси) каби қонуниятларга амал қилмаслик манзара жанрининг муҳим кўрсаткичи – объект (манзари)нинг планлигини бузилишига олиб келади. Шунинг учун ҳам ўқувчиларда манзара ишлаш малакаларини шакллантиришда перспектива қонуниятларини тушунтириш тасвирий санъат таълимининг долзарб масалаларидан бири сифатида эътироф этилади.

Тасвирий санъат ўқитувчисининг педагогик фаолиятида ўқувчиларнинг ишларида кузатилаётган хатоларни таҳлил қилиб бориш ва уларга мос методик йўналиш ва ёрдам бериб бориш тасвирий санъат таълимининг барча соҳалари (фаолият турлари) бўйича таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим омилidir. Шунингдек, камчиликларнинг фаолият турлари, жанрлар бўйича классификациялаб бориш мавжуд камчиликларни баътарарф этишга йўналтирилган методикани туғри танлаш имконини беради.

Тасвирий санъатнинг манзара жанрида ишлашда ўқувчиларнинг ишларида қандай камчиликлар кузатилади? Биринчи гада, бу ҳолат картина текислигининг кўламини белгилаб беришда ҳал қилувчи рол ўйнайдиган уфқ чизиғини ишлатиш (туғри белгилаш)да кузатилади. Маълумки, уфқ чизиғи тасвир тушириладиган текисликка параллел (қоғоз сатҳига нисбатан ётиқ) чизиқ бўлиб, асарнинг мазмунига кўра уфқ чизиғи одадгаддек, яъни кузатувчининг кўзи билан бир хил баландликда эмас, балки нисбатан пастроқ ёки юқорироқда бўлиши мумкин. Айнан у ёки бу ёндашувни танланиши эса композициянинг мазмуни, талқин этилаётган объектнинг характериға кўра танланади. Ўқувчиларнинг бу борадаги билимларини самарали шакллантиришга рассомларнинг уфқ чизғи турли ҳолатларда олинган асарларининг бағафсил таҳлили асосида эришиш мумкин. Шунингдек, ўқитувчининг педагогик расми (унинг синф ёзув тахтаси, махсус тайёрланган қоғозда тушунтириш мақсадида чизган расми) ўқувчиларда

манзара ишлаш малакаларини шакллантириш жараёнини шунлилик даражасини орттиради.

Ўқувчиларнинг ишларида кузатиладиган элементлар методиклар сирасига уларнинг манзара тасвирида ҳаво перспективаси қонуниятларига амал қилмасликларини киритиш мумкин, яъни чизиқли перспектива қонуниятига кўра кўриш нуқтасидан узоқлашган деталнинг нафақат ўлчамлари қисқаради, балки ранглари ҳам умумийга қараб боради ва уни туғри тасвирлай олиш ўрта ва орқа планлардаги деталларни яхлит тизда тасвирлаш имконини беради. Бу талабларни эътиборга олмастан туғри манзара тасвирини ҳосил қилиб бўлмайди.

Тасвирий санъат ўқитувчисининг ўқувчиларда манзара ишлаш малакаларини шакллантириш жараёнида қўллайдиган методикасида ўқувчиларда тасвирланаётган манзаранинг мақомини туғри белгилашга йўналтириш, ижодий топшириқ мазмунини шунга монанд танлаш тавсия этилади. Шундагина шунли мақом (кўриниш)даги манзара, масалан, лирик кайфиятдаги (орта тон, чароғон кув, соқин оқшом, кун ботиши ва ҳ.к. мавзулар) манзара ишлашда бошқа кўринишдаги манзара композициялариға нисбатан ўзгача деталлар қўлланилади. Манзара ишлашнинг бу омилларини ўқитувчи профессионал рассомлар томонидан ишланган манзара жанриға оид тасвирий санъат асарларининг репродукциялари – иллюстратив материалларни намойиш этиш ҳамда ўқувчилар билан ўтказиладиган савол-жавоблар воситасида рассом томонидан қўлланилган бадий-тасвирий воситаларни таҳлил қилиш орқали тушунтириб бериши тавсия этилади, яъни назарий асос билан амалий татбиқни алоқадорликда қўллаш малакаларини шакллантириш орқали ўқувчиларда манзара ишлашға оид амалий-тасвирий компетенцияларини ривожлантириб бориш мумкин.

Мақтаб ўқувчиларининг ёши, тасвирий-ижодий малакаларининг шаклланганлик ва ривожланганлик даражасига кўра кўп деталли манзара ишлаш тавсия этилмайди. Чунки деталларнинг кўплиги уларнинг композицион яхлитлигини, тасвирнинг умумий ҳолати (композицияси, колорити ва бошқа кўрсаткичлари)ни таъминлаш имкониятларини чеклаб қўяди.

Ўқувчиларни манзара ишлашга ўргатишда бу жараёни шунчаки машғулот эмас, балки табиатдаги муайян воқелик, кайфиятни акс эттирувчи ижодий изланиш маҳсули сифатида ёндашишга ўргатиш тасвирий санъат ўқитувчиси томонидан қўлланилаётган методик ёндашуларда устуворлик касб этмоғи лозим. Бу йўналишда ўқитувчи профессионал манзарачи расомлар ижодидаги камер кўринишдаги, яъни шунчаки табиат манзараси эмас, балки муайян воқелик тасвирланган манзара композицияларининг мазмунини, унда илғари сурилган мотивларни ўқувчилар томонидан теран англашга ўргатиб бориш талаб этилади. Зеро, болаларда шундай асарларни тўғри идрок этиш, ундаги воқеликнинг мазмун ва моҳиятини бадий-эстетик талқинини ангалаш кўникмаларини таркиб топтириш ўқувчиларда мазмунли манзара ишлаш малакаларини, манзара композицияларини яратишга оид билимларини сезиларли даражада бойитишга хизмат қилади.

Бу турдаги манзара асарларининг эътиборли жиҳати шундаки, уларда йирик планлар асосий объект сифатида танланмайди, балки оддийгина кўча, уйнинг бир қисмини муайян воқелик билан алоқадорликда тасвирланиши билан ажралиб туради. Уларда оддий воқеликка поэтик руҳ бериш асосий мотив сифатида тасвирланади.

Замонавий таълимда, айниқса, бадий ижодиёт билан боғлиқ соҳаларда болаларнинг иқтидорларига кўра табақалаштирилган ёндашув қўлланиши таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади. Тасвирий санъат таълимининг айнан шу йўналишида табақалаштириб ўқитиш, яъни ўқувчиларнинг бадий-тасвирий иқтидори ва имкониятига қараб топширик берилиши синфдаги умумий сифат ва даражани кўтаришга хизмат қилади. Чунки нисбатан мураккаброқ топширик олган ва уни талаб даражасида бажарган иқтидорли ўқувчилар ўзларининг ижодий фаоллиги ва интилиши билан бошқа ўқувчиларга ижобий таъсир этади. Бу омил тасвирий санъат таълими сифатини оширишнинг самарали омилларидан биридир. Шу маънода тасвирий санъатнинг алоҳида тур ва жанрларига нисбатан кўпроқ қизиқиш билдирган ва бу борада бошқаларга нисбатан кўпроқ, яхшироқ (саводдироқ) ишлаётган ўқувчиларнинг фаолиятларидан ижобий ҳолат

сифатида фойдаланишга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ўқувчилар орасида эса манзара жанрига қизиқувчилар кўпчилигини ташкил этади.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, одатда, тасвирий санъат таълими мазмунда ўқувчиларни манзара ишлашга ўргатиш тарслари қизиқарли кечади. Чунки бунинг учун объект, мавзу ва унинг мазмуни, мотивларини танлашда ўқувчининг хотираси, инсасурот ва тасавурларини максимал даражада ижодий топшириқни бажаришга сафарбар қилиш учун қулай муҳит, широк мавжудлиги боис ўқувчилар жараёнда фаол иштирок этадилар. Тўғри йўналтирилган фаоллик эса таълим сифати ва самарадорлигини оширишни таъминлайди.

Умумий ўрта таълим мактабларида амалга оширилаётган бадий таълим тизимида ўқувчиларнинг тасвирий санъатнинг турли жанрлари ҳақидаги назарий билим ҳамда амалий малакаларини шакллантириш тасвирий санъат таълимининг муҳим компонентларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ўқувчининг ўқувчиларда манзара ишлаш малакаларини шакллантириш методикасига оид касбий компетенцияси умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим компоненти саналади.

Тасвирий санъатдан Давлат таълим стандарти ҳамда ўқув дастурида белгилаб қўйилганки, тасвирий санъатнинг жанрлари икки йўналишда ўрганилади. Биринчи йўналиш бўйича 4-синфнинг биринчи чорагида жанрлар хусусида ўқувчиларга назарий маълумотлар берилади. 5-синфда эса ўқувчиларнинг тасвирий санъатнинг бошқа жанрлари қатори бевосита манзара жанрида ишлаш малакаларини ривожлантиришга оид ўқув материаллари берилиб, бу жараёнда ўқувчиларда нафақат манзарани мустақил жанр сифатида, балки бошқа жанрларнинг таркибий компоненти, тўлдирувчи детал сифатида англашга ўргатиш ҳамда назарий билимларни тасвирий-ижодий фаолиятда амалий қўллашга ўргатиш назарда тутилади. Шунинг учун ҳам ўқитувчининг болаларда манзара ишлаш малакаларини шакллантириш борасидаги касбий компетенцияси тасвирий санъат таълимида алоҳида аҳамиятга молик масалалар сифатида эътироф этилади.

Тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларни манзара ишлашга ўргатишга оид методик ишлар тизимида маҳаллий характерли материаллардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаралиши Чунки маҳаллий материал, у қандай шаклда бўлишидан қатъий назар, биринчидан, ўқувчиларга таниш бўлади, иккинчидан ўқувчиларга таниш бўлганлиги учун идрок этиш жараёни осон ҳамда завқли кечади. Маҳаллий материаллар деганда худуднинг манзараси, маҳаллий рассомларнинг манзара жанридаги асарларидан ижодий фойдаланиш каби хусусиятларни тушунтириш назарда тутилади.

Табиат кўринишларидаги худудий ўзига хослик ўқувчиларни манзара ишлашга ўргатиш методикасининг иккинчи муҳим хусусияти ҳисобланади. Педагогик нуктаи назардан ўқувчиларга бу тасвирий-ифодавий элементларни тушунтиришда тасвир объекти (табиат манзараси)ни таниш бўлиши жараёнини тушунарли ва осон кечишни таъминлайди. Шу маънода тоғли худудлар — Фарғона водийси, Сурхонларё ва Қашқадарё вилоятларининг айрим туманлари манзаралари билан чўлли худудлар — Бухоро, Навоий, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё вилоятининг айрим худудлари, Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг манзараларида кескин фарқ кузатилади. Бирок, бу ўқувчиларга фақат таниш манзараларни чизишни ўргатиш лозим, деган хулосани келтириб чиқармаслиги керак. Фақатгина нотаниш объектлар мисолида манзара ишлаш дарсларида ўқувчиларнинг бадий тафаккурларини максимал даражада сафарбар қилиш, бунинг учун хотирадаги тасаввурларни тиклашга оид йўналтирувчи саволлар, тавсия ва маслаҳатлар бериш орқали ўқувчиларга нотаниш объект ва уни тасвирлаш тартиблари хусусида етарли тушунча бериш лозим. Шунинг учун ҳам ўқитувчидан болаларни манзара чизишга ўргатиш методикасида мазкур омилга амал қилиш, уни самарали воситалар билан таълим амалиётига татбиқ этиш талаб этилади.

Шу ўринда яна бир хусусиятга эътибор қаратиб ўтиш жоиз: турли мамлакатларда турлича манзаралар мавжуд. Табиийки, бу омил ўқувчиларга манзара ишлашни ўргатиш мазмуни ва методикасини белгилашда ҳам ўз аксини топиши лозим. Масалан, Россия табиати учун қарағайзорлар (И.Шишкин ижоди мисолида), оқ қайин (И.Левитан, А.Саврасов, А. Куинджи,

М.Виноновлар ижоди мисолида), маринистик кўринишлар (И.Айвазовский ижоди мисолида) характерли мавзу бўлса, тарихка Аляскаси учун бир қарашда ўлик дунёдек туюлган эрикти тоғлар ва тепаликлар, музликлар манзараси характерлидир. Ушбу эрикти тоғлар ва тепаликлар билан бир қаторда (У.Тансиқбоев, У.Абдурахмоновлар, М.Тошмуродов, Ғ.Абдурахмоновлар, А.Мўминов, А.Мирсоатов, Ҳ.Мирзаахмедовлар ижоди мисолида), (А.Мирсоатов, А.Мирсоатов, Ҳ.Мирзаахмедовлар ижоди мисолида) сифатида бошқа жанрларнинг қўшимча элементи (П.Бенков, Н. Караван, Н.Карахан, Р.Ахмедовлар ижоди мисолида), ўқитувчининг фойдаланилган тажрибалар мавжуд. Табиийки, ўқитувчилар фойдаланилган тажрибалар ишлашга ўргатишга йўналтирилган усулларни манзара ишлашга ўргатишга йўналтирилган методикасида қиёсий-тахлилиий ёндашув амалиёти қўлланилиши лозим.

Манзара жанрида ишлашда расомлар томонидан алоҳида эътибор қаратиладиган учинчи элемент сифатида манзара деталлари (дарахт, тоғ, тош, сўкмоқ, жилға, жонли мавжудод фигуралари ва х.к.)ни эътироф этиш мумкин. Масалан, булутлар табиат манзарасининг кайфиятини белгилаб беришнинг муҳим компоненти ҳисобланади. Тасвирланган манзарада булутнинг нуқлиги ҳам бир ёндашув, ижодий топилма, аслида. Бирок манзарада бу элементларни ҳаддан зиёд кўп бўлиши ҳам умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларига мураккаблик қилиши мумкин. Яеро, ҳар бир детални ишлаш, айна пайтда уларни тасвирнинг умумий ҳолати (композицияси, колорити ва бошқа ўрнаткичлари)га бўйсунилишни сақлаб қолиш талаб этилади.

Ўқувчиларни манзара жанрида ишлашга ўргатишнинг амалий асослари тизимида фойдаланиш учун тавсия этиладиган тасвирий санъат асарларининг рўйхатини ҳам этиборга олиш лозим. Чунки профессионал расомларнинг манзара жанридаги картиналари ўқувчилар учун том маънодаги маҳорат мактаби, йўналтирувчи манба вазифасини ўтайди. Хусусан, ўзбекистонлик расомлардан А.Мирсоатовнинг “Ғазалкент манзарачи”, З.Иноғомовнинг “Қуз”, У.Тансиқбоевнинг “Чорвоқ чироқлари”, О.Бакиров, М.Тошмуродов, Ҳ.Мирзаахмедов, А.Мўминов,

М.Енин, З.Исломшиков, А.Юнусов, Я.Салпинкиди кабиларнинг асарларидан самарали фойдаланиш тавсия этилади.

Тасвирий санъат ўқитувчисининг ўқувчиларни мангара ишлашга ўргатиш методикасида тасвир учун танланган объектнинг тасвир мазмуни билан мутаносиблигига алоҳид эътибор қаратилади. Масалан, она юртим саховати деб аталувчи манзара картинаси яратиладиган бўлса, албатта инсон учун ривъ рўз ўнадиган жойлар (масалан, боғлар, буёдойзор, поли экинзорлари ва х.к.) танланиши тавсия этилади. Шунингдек, объект танлашда мактаб ўқувчиларини катта ҳажмдаги манзара ишлашга даъват этиш мақсадга мувофиқ эмас. Шунинг учун ўқитувчининг педагогик фаолиятида қўлланиладиган методик ёндашувларида мазму—мазмун—объект мутаносиблиги масаласини ўқувчиларга ишонarli тарзда тушунтириш методлари мавжуд бўлмоғи лозим.

Ўқувчиларни манзара ишлашга ўргатиш методикаси тизимида тасвирий санъатнинг қонуниятларидан фойдаланиш имкониятларини тақдим этилиши муҳим рол ўйнайди. Айниқса, манзара объекти перспектива қонуниятларини ифодалаш учун қулай жой бўлишини таъминлаш мақсадида объектдаги деталларнинг ўлчами узоқлашган сари кичрайиб бориши (чизиқли перспектива) ва рангларини хиралашиб, умумий ҳолатга келиши (хаво перспектиси) каби жиҳатларни тасвирлай олиш учун планлилик яққол кўзга ташланадиган объект танланади.

Ўқувчиларни манзара ишлашга ўргатишда иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш масаласи ҳам бадий таълимнинг муҳим масалалари сирасига киради. Зеро, тасвирий санъатга, унинг аниқ бир жанрига (портрет, натюрморт, манзара ва х.к.) алоҳида қизиқиши бўлган ўқувчилар билан ишлашда кўшимча материалларга монанд тарзда уларга мос методлардан фойдаланилади. Бу омилнинг таълимий ва тарбиявий самараси шундаки, иқтидорли ўқувчилар ўзларининг ижодий фаоллиги ва интилиши билан бошқа ўқувчиларга ижодий таъсир этади. Натижанда синфнинг умумий бадий қизиқиш даражаси ортиб боради.

3.3. Узвийлик принципи асосида иллюстратив расм ишлаш дарсларида тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг дидактик имкониятлари

Умумий ўрта таълим фанлари таркибидаги “Тасвирий санъат” ўқув фанининг Давлат таълим стандартида композицион фойда бадий таълимнинг асосий турларидан бири сифатида белгилаб қўйилган. Бошланғич синфларда бу турдаги дарслар ўқув дастурига кўра намунавий топшириқларда келтирилган мазмунлар бўйича амалга оширилади. Тасвирий санъат таълимнинг мазкур блокадаги ўқув материаллари асосида ўқувчиларнинг композицион фаолиятини комплекс ташкил этишда 7-синфнинг охириги чораги — “Китобат санъати” блоки, биринчидан, кенг қамровли имкониятларни тақдим этади. Иккинчидан, китобат санъати нафақат 7-синф тасвирий санъат таълимини, балки, умуман мактаб тасвирий санъат таълимини яқинловчи қисми бўлганлиги учун ҳам ўқувчиларнинг барча билимларини амалий татбиқини баҳолаш мумкин бўлади, яъни тасвирий санъат таълимнинг узвийлик ва узлуксизлик принциплари асосида ўқувчиларнинг Давлат таълим стандартида белгиланган ўқув компетенцияларини эгаллаганлик даражасини баҳолаш имконини беради. Шунинг учун ҳам тасвирий санъат дарслари узвийлигини таъминлашда иллюстратив расм ишлаш машғулотларининг имкониятларидан фойдаланиш диққат марказида бўлиши мақсадга мувофиқ. Зеро, унда тасвирий фаолиятнинг барча турларида ўзлаштирилган назарий билим ҳамда эгалланган амалий-тасвирий компетенцияларни татбиқ этишнинг дидактик имкониятлари мавжуд. Айни пайтда таъкидлаш жоизки, тасвирий санъат дарсларида иллюстратив расм ишлашда амал қилиниши лозим бўлган талаблар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- ўқувчиларнинг бошланғич ҳамда 5-6-синфларда иллюстратив расм ишлаш дарсларида ўзлаштирилган ўқув материаллари асосида шакллантирилган тасвирий-ижодий компетенциялардан фойдаланиш;
- танланган ёки тавсия этилаётган адабий манбалар юзасидан ўқувчиларга керакли тушунтириш бериш. Бунда танланган асар сюжетининг мураккаблиги, ундан тасвирий

композиция яратиш имкониятларининг мураккабларини борилини узвийлик принципи асосида тўлдириб боришни назарда тутиш;

- танланган манбанинг мазмунини тахлил қилиш. Агар бошланғич синфларда ўқувчиларга, асосан, мазмун жиҳатидан унча мураккаб бўлмаган халқ эртаклари сюжетлари асосида иллюстрациялар ишлаш тавсия этилиб, ўқитувчи савол-жавоб воситасида ўқувчиларда иллюстрация композицияси учун сюжет мавзу танлашда ўқитувчининг тавсиялари, маслаҳатлари ҳан қилувчи рол ўйнаган бўлса, тасвирий санъат таълимининг ҳан йилида бу тадбирда ўқувчиларга ижодий фаоллик ва мустақиллик бериш тавсия этилади;

- иллюстратив расм ишлаш дарсларида китобат санъатининг бадий-график элементларини яратишга комплекс ёндашиш. Бу турдаги дарсларда ўқувчиларга китобнинг структураси ҳамда китобат санъатига оид терминлар ҳақида керакли маълумотлар бериш лозим бўлади. Агар бошланғич синфларда ўқувчилар фақат иллюстрация ҳақида тушунчага эга бўлган бўлсалар, 7-синфда улар китобат санъатининг муқова, форзац, фронтиспис, шмуцтитул, титул вароғи, бош харф (бош харфларнинг бадийлаштирилган вариантлари), заставка, иллюстрация, концовка каби бадий-график элементларининг луғавий маъноси, китоб структураси ҳамда архитектоникасидаги ўрни ва функцияси ҳақида тушунчага эга бўлишлари назарда тутилади. Бу омиллар ўқувчиларни тасвирий санъат таълимининг иллюстратив расм ишлаш турига узвийлик ва узлуксизлик принциплари асосида босқичма-босқич тайёрлаб бориш лозимлигини аңлатади.

Тошпирикнинг охириги ва ўта муҳим босқичи уч йўналишда ташкил этилиши мумкин. Биринчи йўналишда ўқувчиларга катта ҳажмдаги иллюстрациялар ишлаш тавсия этилса, иккинчи йўналишда жамоавий фаолият шаклида китоб макетини ишлаш топшириғи берилиши мумкин. Айрим тоифага мансуб ўқувчиларга санъатшунослик йўналишидаги топшириқлар берилиб, улар тарихий-назарий манбаларни, шунингдек, китобат санъати соҳасида ижод қилган айрим рассомларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш ва таҳлил қилиш, умумлаштириш ҳамда ҳикоя қилишга тайёргарлик кўриш билан шуғулланадилар.

Биринчи йўналишда ишлайдиган ўқувчилар билан дарс жараёнини ташкил этишда тасвирий санъат таълимининг композицион фаолият туридаги дидактик талабларга амал қилинади: компоновка, ранг туслари, контрастлик, тасвирий материал ва воситалар (чизик (штрих) турлари – ингичка, қалин, тез, туқ, уларнинг йўналишлари ва шакллари ва х.к.), тасвирлаш техникаси, ҳаракат ва динамика, ритм каби компонентларга амал қилиш талаб этилади. Бир қарашда бу талаблар ўқувчилар учун мураккаблик қилишдек туғулиши мумкин. Бирок уларнинг бичмаси ўзаро узвийликдаги, алоқадорликдаги бир бутун композициянинг таркибий компонентлари сифатида амал қилиниши талаб этилади. Санаб ўтилган компонентларнинг у ёки бу туридаги қамчилик тасвирий фаолият натижасини саводлилик даражасига путур етказди Шунинг учун ҳам бу элементлар мажбурий компонент сифатида ўргатилиши лозим.

Иккинчи йўналишда ишловчи ўқувчиларнинг фаолияти жамоавий ижодий фаолият тарзида ташкил этилиб, бу жараёни ташкил этишда уларнинг индивидуал-ижодий қобилиятлари, тасвирий имкониятлари ва лаёқатлари, қизиқишлари эътиборга олинади. Бу ёндашув шунинг аңлатадиги, табиий равишда қайсидир ўқувчи китобат санъатининг бадий-график элементларидан бирор бир турини, масалан, бош харфни нақшинкор шаклда безашга қизиқса, бошқаси кичик ўлчамдаги расмлар – заставкалар ишлашга, яна бошқаси эса катгарок иллюстрациялар ишлашга қизиқади. Ўқитувчининг вазифаси ўқувчиларнинг бу қизиқишларига дифференциал ёндашган ҳолда ижодий жамоа шакллантиришдан иборат бўлади. Бу жамоанинг ишларини бирлаштириб китоб макетини яшашда ўқитувчининг ўзи ҳам иштирок этади. Унинг натижаси яхлит композиция – китоб макетини яратиш билан яқунланади. Дарс – ижодий жараёнинг натижаси, шубҳасиз, ўқувчиларда ижодий кўтаринкилик, фаоллик қайфиятини юзага келтиради. Пиравор-дида улар тасвирий фаолиятнинг бошқа турдаги топшириқларга ҳам креатив тарзда ёндашишга ўрганиб борадилар.

Учинчи йўналишда бевосита тасвирий фаолият кўрсатишдан кўра унинг тарихи ва назариясини, айрим рассомларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишга кўпроқ қизиқиш билдираётган ўқувчилар билан Давлат таълим стандартининг

саъатшунослик асослари йўналишида иш олиб борилади. Бу йўналишда ўқувчилар алоҳида дастур асосида китобни санъатнинг тарихига оид материалларни ўрганиш, шунингдек, таъкидлаб ўтганимиздек, китоб безовчи рассомларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш билан шуғулланишлар. Мазкур йўналишда бир асарга бир неча рассом томонидан ишланган иллюстрацияларни қиёсий ўрганиш яхши самара беради. Масалан, Телман Мухамедов ҳамда Абдубоки Ғулумовларнинг “Ўзбек халқ эртақлари” ҳамда “Афанди латифалари” асарларига ишланган туркум иллюстрацияларни қиёсий-таҳлилий ўрганиш методидан асосида ўқувчиларда иллюстратор рассомларнинг ижодий индивидуаллигини очиб бериш, тавсифлаш малакалари шакллантирилади. Бундай мисолларни жаҳон тасвирий санъати, китоб иллюстрацияси мисолида ҳам кўплаб келтириш мумкин. Машҳур испан ёзувчиси Сервантеснинг “Дон ки хог” асарига турли замонларда турли рассомлар (Хосе дель Костиль – 8-аср; Гюстав Доре ва Оноре Домье – 19-аср; Хегенбарт, Кукриниксилар, Пабло Пикассо – 20-аср) томонидан ишланган иллюстрациялар бунга мисол бўла олади. Шунингдек, Шарк тасвирий санъатида бир асарга бир неча мусаввирлар томонидан турли даврларда ишланган миниатюра-иллюстрациялар ҳам қиёсий таҳлил учун муҳим манба сифатида иллюстратив расм ишлаш дарсларининг дидактик имкониятларини бойитади.

Яна бир гуруҳ ўқувчилар ҳам бўлиши мумкин, яъни тасвирий фаолиятнинг айнан иллюстратив расм ишлаш турига алоҳида қизиқиши бўлган ўқувчиларга туркум иллюстрациялар яратиш вазифаси топширилиши мумкин. Кузатишлар, олиб борилган тажриба-синов ишларининг натижаларига асосланган ҳолда эътироф этиш мумкинки, бу гуруҳга мансуб ўқувчилар бадий асар сюжети асосида мураккаб композицион ечимга эга бўлган иллюстрациялар ишлашга қизиқадилар. Бу жараёнда ўқитувчининг вазифаси ўқучиларни ортиқча тавсифлар, тасвирий элементларга берилмасликка, сюжет ва композиция алоқадорлигига кам тасвирий элементлардан фойдаланган ҳолда эришишга ўргатишдан иборат бўлади. Шунингдек, тасвирий материал ва воситалардан оптимал тарзда фойдаланиш, шубҳасиз, ўқувчиларнинг тасвирий фаолият натижаларини ифодавийлигини таъминлайди.

Иллюстратив расм ишлаш дарсларининг узвий давоми сифатида мазкур ишларни кўргазмасини ташкил этиш ва унда ўқувчиларнинг ўз ижодий ишларини шархлашлари, дарсларнинг ишларини таҳлил қилиш ва баҳолашга ўргатиш билан ўзининг мантикий яқинини топади.

Тасвирий санъат дарсларида иллюстратив расм ишлаш дарслари дидактик кетма-кетлик, мантикий узвийлик ва унутқисизлик нуқтаи назаридан қўйидаги босқичларда амалга оширилади ва таъкидлаш жоизки, бу кетма-кетликка амал қилиш тасвирий санъат дарслари самарадорлигини оширишнинг муҳим омилли эканлиги тажрибада ўз тасдиғини топди.

Тайёргарлик босқичи. Ўқитувчи иллюстратив расм ишлаш дарсларига олдиндан тайёргарлик кўриб келиш учун ўқувчиларга топшириқ ва тавсиялар беради, яъни ўқувчилар мазкур дарсга керакли тушунча ва тасаввурлар билан келишлари, улар муайян манба ва ундан иллюстратив расм ишлаш учун сюжетга асос бўладиган тасаввурга эга бўлишлари талаб этилади.

Ўқитувчининг дарс мазмуни ва йўналишини тушунтириш босқичи. Бу босқичда ўқувчилар томонидан баъжариладиган ишлар нимадан бошланиб, қандай яқунланиши ҳусусида аниқ кўрсатма ва тавсиялар берилади. Бу босқичда ўқитувчининг ишончли тавсияси, тушунтириши муҳим рол уйнайди. Чунки ўқувчи бўлажак фаолият ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши унинг тасвирий фаолиятини онгли тарзда кечишини таъминлайди.

Топшириқ юзасидан эскизлар ишлаш босқичи. Маълумки, ҳар қандай тасвирий фаолият, у тасвирий санъатнинг қайси тури ва жанрида амалга оширилишидан қатъи назар эскизлар ишланган бошланади. Шунинг учун ҳам профессионал рассомлар асар яратишдан олди унинг ғоясини композицион ечимга эга бўлиши учун эскиз сифатида бир неча вариантлар ишлайдилар. Эскизларда композициянинг алоҳида деталлардан тортиб, композициянинг яқуний ечимига ҳал этиб олинади. Профессионал тасвирий фаолиятнинг бу методидан мактаб тасвирий санъат таълимида ҳам фойдаланиш тавсия этилади. Агар ўқувчи ўқитувчининг олдиндан берган топшириғига асосан қоралама-эскизлар ишлаб келган бўлса, улар муҳокама қилиниб,

Ўқитувчи томонидан керакли тавсиялар берилди, тузатишлар кўшимчалар киритилди.

Ўқувчиларнинг эскизлар билан ишлаш компетенцияларини шакллантириш ҳам таълимий, ҳам тарбиявий аҳамият нуқти наzarидан жуда муҳим тадбир бўлиб, бу омил ўқувчиларнинг тасвирий фаолиятини тўғри ташкил этиш имконини беради. Бу машқларнинг таълимий аҳамияти шундаки, мазкур жараёнда ўқувчилар тасвирий санъатнинг айрим қонуниятларини амалий татбиқи борасидаги назарий билим ва амалий компетенцияларини такомиллаштириб борадилар. Тарбиявий аҳамияти эса ўқувчилар онгида ёрдамчи воситаларнинг аҳамияти, изланиш жараёнлари яқуний натижани самарасини таъминловчи муҳим восита, омил эканлигини англаб боришларида ўз аксини топади.

Топпириқни бажариш учун материал, тасвирий инфодавий восита ва техника танлаш босқичи. Бу жараёнда танланадиган материалларнинг ранг-баранглигига алоҳида эътибор қаратилади ва шунга мос техника танланади. Масалан, китоб безовчи расомлар томонидан қўлланиладиган, бироқ мактаб тасвирий санъат таълимида кам ишлатиладиган технологиялардан бири – тўқ фонда оч тус хосил қилувчи материаллар билан ишлаш технологияси ўзининг жозибадорлиги, тасвирлаш техникасининг инфодавийлик имкониятларининг кенлиги билан ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади. Тошкент шаҳридаги 103-мактабнинг тасвирий санъат ўқитувчиси “Йилнинг энг яхши тасвирий санъат ўқитувчиси” республика кўрик-танловининг 2016 йилги ғолибаси Обедзинскаянинг педагогик фаолиятида шундай техника самарали қўлланиб келинмоқда.

Топпириқнинг охири босқичида айрим ўқувчилар асар қаҳрамонларининг портретларини ишлаш вазифаларини бажарадилар. Бу иллюстратив расм ишлаш дарсларининг ўзига хос кульминацияси ҳисобланади. Муҳими, ўқувчилар 5-синфда ўтилган “Рангтасвирда портрет”, “Графикада портрет”, “Ҳайкалтарошлиқда портрет” мавзуларида ўзлаштирган ўқув компетенцияларини шу дарсга татбиқ этишлари талаб этилади. Мазкур топшириқда ўқувчиларнинг диққати яратилаётган портретларнинг анатомик жиҳатидан ўхшашлигига эмас, балки

ўзига хос услубда образнинг хусусиятларини очиб беришга алоқадорлиги ёнади.

Иллюстратив расм ишлаш дарсларида ўқувчиларнинг тасвирий санъатнинг бошқа жанрларида эгалланган имкониятларидан самарали фойдаланишларини ташкил этиш ҳам алоқадорлиги муҳим аҳамиятга молик масалалари сирасига кирилади. Масалан, асар қаҳрамони образининг характери ни очиб беришда портретдан ташқари манзара, натюрморт, анималистик жанр билан имкониятларидан фойдаланиш мумкин. Бу омил, бироқ, таълимнинг “Тасвирий санъат” ўқув фанидан ажратилган билимларнинг даражасини баҳолаш имконини беради. Шунинг билан, ўқувчиларда бажарилаётган ишга комплекс қароқилган ҳолда унинг мукамаллигига эришиш учун илгари танланган билимларни янги ўзлаштирилган билимлар билан боғлаш имконияти, узвий тарзда қўллаш компетенциялари шакллантирилади.

УЧИНЧИ БОБ

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ТАЪЛИМИ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

3.1. Тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг дидактик имкониятлари тизимида таълимнинг электрон ресурсларидан фойдаланиш

Тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг асосий омилларидан бири, шубҳасиз, бадний таълим жараёнига таълимнинг замонавий технологияларини жорий этиш билан боғлиқ. Зеро, “Тасвирий санъат” ўқув фани ўз хусусиятига кўра дидактиканинг кўرғазмалilik принциpidан устувор тарзда қўлланилган тарзда ўқитилади. Шу боис бадний таълим амалиётida ўқитишнинг электрон ресурсларидан фойдаланиш соҳани ривожлантиришнинг муҳим шартларидан биридир. Таълимнинг электрон ресурслари тизимида, шубҳасиз, Давлат таълим стандарти ҳамда ўқув дастурига мос тарзда яратилган электрон дарслик, қўлланма ва бошқа ресурслардан асосий манба сифатида фойдаланишни йўлга қўйиш истиқболда тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Унда амалий тарзда намойиш этиш ва тушунтириш жараёни мураккаб кечадиган ўқув материалларини идрок этиш, англаш ва тушунишни методик жиҳатдан қулайлаштирувчи жиҳатлар – расм ишлаш жараёнининг бошқичлари, шакл ва фазо муаммосини визуал тарзда анимацион операциялар воситасида намойиш этиш орқали, раншунослик, композицион фаолият, натурага қараб ишлаш дарсларини қизиқарли, айна пайтда вақтдан унумли фойдаланган ҳолда тушунарли шаклда ўтиш учун қулай дидактик шароит яратади.

Бадний таълим тарихи, шунингдек, педагогик тадқиқотлар таҳлиладан маълумки, тасвирий санъат дарсларида мультимедиа презентацияларидан фойдаланишнинг мазмуни ва методикасини тадқиқ этиш ва амалиётда қўллаш 20-асрнинг 70 – 90-йилларида кузатилган. Жумладан, В.А.Грузинская, Т.И.Пороцкая, В.Н.Синевлар томонидан диапозитив, диафильм, ўқув фильмларидан фойдаланиш юзасидан методик тавсиялар ишлаб

чиқилган. Бирок таълимнинг электрон ресурслари тизимида унинг фаол қўлланиши талаб этиладиган шакллари қўлланила бошлади. Тасвирий санъат дарсларига ўқув материалларини мультимедиа презентацияси орқали намойиш этиш замонавий таълимнинг энг самарали воситаларидан бири сифатида барилмоқда. Тажрибалар бу ёндашув мақсадга мувофиқлигини кўрсатмоқда. Айни пайтда алоҳида таъкидлаш ўринлики, таълим жараёнида қўлланиладиган ҳар қандай восита муайян дидактик талабларга асосланиши лозим. Хусусан, тасвирий санъат дарсларида қўлланиладиган мультимедиа воситалари:

- ўқувчиларнинг тасвирий санъат соҳасидаги билимлари қўламини, уларнинг психолого-педагогик ва физиологик ривожланганлик даражаларини;
- тасвирий санъатни ўқитишнинг ўзига хос методикасини;
- қўлланилаётган презентацияни ўтилаётган дарс мазмусининг мақсади ва вазифаларига мутлоқо мос келишини;
- намойиш этилаётган материални идрок этиш учун қулайлиги каби бир қатор дидактик талабларга мос келиши талаб этилади. Шунингдек, қўлланилаётган электрон ресурслар тасвирий фаолият турларига мос бўлиши ҳам муҳим дидактик талаб ҳисобланади.

Тасвирий санъат таълимида қўлланиладиган электрон ресурслардан санъатшунослик асосларига оид ўқув материалларини ўзлаштиришда санъат тарихи ва назарияси, хусусан, рассомларнинг ҳаёти ва ижоди, музейлар, картиналар ҳақидаги ўқув фильмлари ҳам самарали қўлланиши мумкин бўлган манбалар сирасига киради.

Тасвирий санъат таълими амалиётининг таҳлили шуни кўрсатадики, ўқитувчилар арсеналида Давлат таълим стандарти ҳамда ўқув дастурида ўрганилиши тавсия этилган тасвирий санъат асарларининг сифатли репродукциялари мавжуд эмас. Шунинг учун синфлар кесимида белгиланган ҳажмдаги тасвирий, амалий санъат, меъморлик ва дизайнга оид репродукцияларнинг электрон каталоги мавжуд бўшлиқни тўлдирish орқали тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширади.

Маълумки, “Тасвирий санъат” ўқув фанини ўқитишда дидактик принциплар ичida кўрғазмалilik принципи алоҳида ўрин тутади. Зеро, айрим фанларда ўқув материаллари эшитиш,

сезги органлари орқали қабул қилинса, айримларида устувор тарзда визуал шаклда қабул қилинади. Бадий таълимнинг бу соҳасида кўрғазмаллик принципи тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим дидактик воситаси ҳисобланади. Чунки тасвирий санъат таълимининг асосий мақсади – ўқувчиларда тасвирий санъат асарларини бадий идрок этиш ва бадий образ яратиш (тасвир ҳосил қилиш) қонуниятлари фақат кўриш ва амалий бажариш орқали ўзлаштирилишига қайтарилади. Бу босқичда ўқитувчининг педагогик расми ҳам муҳим дидактик аҳамият касб этади. Бирок мамлакатимиз умумий ўрта таълим мактабларида олиб борилаётган тасвирий санъат дарсларининг амалиётдаги ҳолатини ўрганиш ва унинг натижаларини таҳлили шуни кўрсатадики, таълимнинг замонавий технологиялари, хусусан замонавий ахборот технологиялари ва ўқитишнинг мультимедиа воситалари бадий таълим сифати ва смарадорлигини оширишнинг энг ишончли воситаси бўлса-да, улардан муайян сабабларга кўра фойдаланиш ҳолати талаб даражасида эмас. Ўтказилган анкета сўровлари, шунингдек, кузатувлар натижаларига асосланган ҳолда эътироф этиш мумкинки, бунинг асосий сабалари сифатида:

- мактабда ўқитишнинг техник воситаларидан, жумладан, мультимедиа воситаларидан фойдаланиш учун техник имкониятнинг йўқлиги;

- замонавий ўқитувчининг касбий компетенциясининг муҳим шартларидан бири – уларнинг компьютер саводхонлик даражасининг пастлиги;

- мавжуд воситаларни тавсия этилаётган электрон ресурслар, жумладан, мультимедиа воситаларини намойиш этиш учун мослаштирилмаганлиги кабиларни кўрсатиш мумкин.

Шу ўринда ҳақли савол туғилиши мумкин: ҳозирги кунда “Тасвирий санъат” ўқув фани учун амалдаги Давлат таълим стандарти ва ўқув дастури асосида ишлаб чиқилган ҳамда маълум мавзуга мутлоқо мос мультимедиа воситалари мавжудми? Бу саволга жавоб тариқасида эътироф этиш мумкинки, республикамызда “Тасвирий санъат” ўқув фани хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ишланган айрим электрон ишланмалар мавжуд. Бирок уларнинг яратувчилари соҳа хусусиятларини,

амалдаги Давлат таълим стандартлари талабларини яхши билмаслиги (бу масала Республика таълим маркази хузуридаги Тасвирий санъат ва чизмачилик ўқув фанлари бўйича ўқув-методика кенгашида муҳокама қилинган ва шундай хулоса чиқарилган) учун ўқув фанининг асосий хусусиятларини, айниқса, ўзлаштирилиши қийин бўлган мавзуларини камраб олмаган. Шунинг учун ўқитувчининг соҳага фидойилиги, ҳозиржавоблиги муаммони ҳал этишнинг муҳим омилларидан биридир. Бу муаммонинг ечими шундан иборатки, профессионал расомлар ва методистлар томонидан яратилган ҳамда Интернет тармоғига киритилган, асосан, рус тилидаги “Маҳорат дарслари” туркумидаги ўқувчилар ёшига мос мультимедиа воситаларидан фойдаланиш тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг ишончли манбаи ҳисобланади.

Айни пайтда мультимедиа воситаларидан фойдаланишнинг аниқ белгиланган меъёри ва тартиби бўлиши лозимлигини ҳам эътироф этиш лозим, яъни улардан устувор тарзда фойдаланиб, ўқитувчининг иштироки иккинчи планга ўтиб қолиши мақсадга мувофиқ эмас.

Тасвирий санъат таълимида шундай мавзулар борки, мавзуга оид ўқув материални ўқитувчи визуал тарзда амалий бажарган ҳолда босқичма-босқич тушунтириб бериши лозим. Яна республикамызда тасвирий санъатни ўқитишнинг амалиётдаги ҳолати таҳлили натижаларига муурожаат қиламиз. Бу натижа шуни кўрсатадики, умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъатдан дарс бераётган ўқитувчиларнинг 13,7 фоизи махсус маълумотга эга эмас. Шунинг учун улар бундай дидактик операцияни тасвирий санъатнинг қонун-қоидаларига тўлиқ амал қилган ҳолда ҳамда уларга мос методик ёндашув асосида тушунтириш, амалий бажаришни методик жиҳатдан тўғри ташкил эта олмайдилар.

Иккинчидан, тасвирий санъатда тасвир ҳосил қилиш тартибларини босқичма-босқич тушунтириш имкониятлари мактаб шароитида маълум даражада чекланган. Масалан, график тасвир ҳосил қилиш учун оқ-қора муносабатларини намойиш этиш лозим. Синф ёзув тахтасида бундай имконият йўқ, аниқроғи бу ҳолат мутлоқо тескари – тўқ оқ, оч эса тўқ тарзда кўрсатилиши мумкин. Рангтасвир усулида тасвир, шакл, образ ҳосил қилиш

учун эса аниқ бир рангни нима сабадан шунча микдорда (рангнинг тўйинганлик даражаси назарда тутилаяпти) муайян жойга суртиляётганлигини оммавий тарзда кўрсатиб бериш имконияти ҳам йўқ. Буни индивидуал тарзда боланинг бериш дафтарида кўрсатиб бериш имконияти эса "Тасвирий санъат" ўқув фанига ажратилган вақт нуқтаи назаридан чекланган. Шунинг учун ҳам тасвирий санъат таълимида, айниқса, унинг мураккаб мавзуларини тушунтиришда таълимнинг мультимедиа воситаларидан фойдаланиш бадий таълим сифати ва самарадорлигини ошириш омилли сифтида тавсия этилади. "Тасвирий санъат" ўқув фанини ўқитиш жараёнида дидактик материаллар тўрт хил тарзда қўлланилади. Жумладан, ўқув материалнинг баёнида:

- ўқитувчининг педагогик арсеналидаги иллюстрация материаллардан фойдаланиш;

- ўқитувчининг ўқувчининг расм дафтари ёки синф ёзув тахтаси, махсус тайёрланган катта ҳажмдаги қоғозда бажарган иш шартли равишда "педагогик расм" деб номланувчи восита орқали тушунтириш;

- динамик ҳолатларсиз (харакатсиз) тарзда намоён этиладиган электрон ресурслардан фойдаланиш;

- мультимедиа воситаларидан фойдаланиш каби технологияларни бадий таълим жараёнига татбиқ этиш воситасида тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишга эришиш мумкин. Бу воситалар ичида, шубҳасиз, мультимедиа воситалари тасвирий санъат таълимини қизиқарли, тушунарли ташкил этиш имконини беради. Шунинг учун ҳам таълимнинг мультимедиа воситаларидан фойдаланишга мамлакатимиз умумий ўрта таълим тизимида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқ таълими вазирлиги тасарруфида мультимедиа марказини ташкил этилиши фикримизнинг далилидир. Бироқ, мультимедиа ресурслари таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим воситаси бўлса-да, бугунги кунда тасвирий санъатнинг ўзига хос хусусиятларини ўзида тўла-тўқис жам қилган мультимедиа воситалари мавжуд эмас. Демак, тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг истиқболдаги муҳим муаммоларидан бири – "Тасвирий санъат" ўқув фанидан Давлат таълим стандарти ҳамда

бу воситадан фойдаланиш имконияти эса "Тасвирий санъат" ўқув фанига ажратилган вақт нуқтаи назаридан чекланган. Шунинг учун ҳам тасвирий санъат таълимида, айниқса, унинг мураккаб мавзуларини тушунтиришда таълимнинг мультимедиа воситаларидан фойдаланиш бадий таълим сифати ва самарадорлигини ошириш омилли сифтида тавсия этилади. "Тасвирий санъат" ўқув фанини ўқитиш жараёнида дидактик материаллар тўрт хил тарзда қўлланилади. Жумладан, ўқув материалнинг баёнида:

- ўқитувчининг педагогик арсеналидаги иллюстрация материаллардан фойдаланиш;

- ўқитувчининг ўқувчининг расм дафтари ёки синф ёзув тахтаси, махсус тайёрланган катта ҳажмдаги қоғозда бажарган иш шартли равишда "педагогик расм" деб номланувчи восита орқали тушунтириш;

- динамик ҳолатларсиз (харакатсиз) тарзда намоён этиладиган электрон ресурслардан фойдаланиш;

- мультимедиа воситаларидан фойдаланиш каби технологияларни бадий таълим жараёнига татбиқ этиш воситасида тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишга эришиш мумкин. Бу воситалар ичида, шубҳасиз, мультимедиа воситалари тасвирий санъат таълимини қизиқарли, тушунарли ташкил этиш имконини беради. Шунинг учун ҳам таълимнинг мультимедиа воситаларидан фойдаланишга мамлакатимиз умумий ўрта таълим тизимида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқ таълими вазирлиги тасарруфида мультимедиа марказини ташкил этилиши фикримизнинг далилидир. Бироқ, мультимедиа ресурслари таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим воситаси бўлса-да, бугунги кунда тасвирий санъатнинг ўзига хос хусусиятларини ўзида тўла-тўқис жам қилган мультимедиа воситалари мавжуд эмас. Демак, тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг истиқболдаги муҳим муаммоларидан бири – "Тасвирий санъат" ўқув фанидан Давлат таълим стандарти ҳамда

жиҳозлаш бутун комплекснинг энг муҳим компонентлари ҳисобланади.

Тасвирий санъат таълимида мультимедиа воситалари мисолида кўрғазмалilik принципнинг аҳамияти шу омиллар билан тавсифланадики, тасвирий санъат таълими мазмунидаги кўпгина ҳолатлар, объектлар ва воқеликларни бевосита натурадан, табиий шароитда кузатиш имкониятлари чекланган (натурага қараб тасвирлашга оид ўқув материаллари бевосита мустасно). Шунинг учун ҳам тасвирий санъатга оид қонуниятлар, тартибларни ўзлаштириш, жумладан, тасвирдаги иллюзионистик кўринишлар (масалан, перспектива қонуниятлари асосида тасвирнинг учинчи ўлчамида (профессионал тилда бу қартири чукурлиги дейилади) шаклнинг қисқариши, мавҳумлашиши, рангларнинг хиралашиб, умумий тусга айланиши) ўқувчилардан обстракт тафаккурни талаб этади. Ўқувчилардаги бу сифатни электрон дарслик, унинг мультимедиа воситалари ёрдамида шакллантириш мумкин. Айнан мультимедиа воситасида ўқитувчининг ўқувчилар учун ўзлаштириш қийин бўлган мавзуларни тушунтириш жараёни осон кечади. Зеро, тасвирий санъатга оид ўқув материалларини онгли тарзда ўзлаштирилишида атроф-олам, ундаги воқеа ва ҳодисаларни анимацион тарзда тақдим этилиши соҳанинг хусусиятлари, тасвир ҳосил қилиш тартибларини белгиланган талаб даражасида ўзлаштирилишини кафолатлайди.

Тасвирий санъат таълимида мультимедиа воситаларини қўлланилишининг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, унинг модификацион имкониятларининг ҳамда дидактик хусусиятларининг кенглиги “Тасвирий санъат” ўқув фанини ўқитишни оптималлаштириш имкониятини тақдим этади. Натижада таълим сифати ва самарадорлигини ошириш учун қулай дидактик муҳит юзага келади.

“Тасвирий санъат” ўқув фани амалиётида мультимедиа воситаларининг турли презентация шакллари қўлланилади, яъни бевосита дарснинг технологик харитаси асосида тайёрланган мультимедиа воситаларидан ташқари дарснинг муайян қисмида қўлланиладиган информацион-иллюстратив, яъни муайян асар, тур, жанр, рақом ва ҳоказо ҳақида маълумот, кўрғазмалик тарзда, ўқувчиларнинг ёшига мос равишда презентация-дидактик ўйин,

ўқувчиларнинг билимларини баҳолашда қўлланиладиган турли тестлар, топшмоқлар шаклида бўлиши мумкин.

Тасвирий санъат дарсларида мультимедиа воситаларидан фойдаланишнинг самараси фақат ўқув материалларини сифатли ўзлаштиришгагина ижобий таъсир ўтказмайди, балки бошқа нуналишларда ҳам дидактик функцияларни бажаради. Бу функцияларни:

- соҳага оид ўқув презентацияси (умумий тарзда);
- муайян мавзуга оид ўқув презентацияси (хусусий тарзда);
- маълум мавзуга оид ахборот берувчи восита;
- дарста оид иллюстрация тақдим этувчи манба;
- ўтилган ўқув материалларини мустаҳкамлаш воситаси;
- ўтилган ўқув материалларини тизимлаштириш воситаси;
- ўқувчиларнинг билим даражасини баҳолаш инструменти;
- назарий билим ва амалий ўқув ҳамда малакаларни интеграциялаштиришнинг педагогик механизми;
- тарбияловчи ҳамда шахсни ривожлантирувчи инструмент назифаларини бажаришида кўриш мумкин.

Мультимедиа воситаларидан фойдаланишнинг ҳар бир ўқув фани хусусиятидан келиб чиқувчи дидактик талаблари ҳам мавжуд. Уларни эътиборга олиш таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим омили саналади. Бу дидактик талабларнинг асосийлари сифатида куйидагиларни эътироф этиш мумкин:

- қўлланиладиган мультимедиа воситасининг ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мослиги. Бунда ўқувчиларнинг психологик-физиологик кўрсаткичлари эътиборга олинади;
- ўқувчиларнинг тасвирий санъат таълимига оид билимларининг кўлами ва мазмуни, уларнинг ўқув материалларини идрок қилиш даражасига мослиги;
- презентация материалларини тасвирий санъат таълимининг муайян қисми (синф, чорак, мавзу назарда тутилаяпти) мақсади ва вазибаларига мослиги;
- тасвирий санъатни ўқитиш методикасининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олинганлиги;
- мультимедиа воситаларининг интегратив имкониятлари, яъни фанлараро, синфлараро, мавзулараро, тасвирий санъатнинг

тур ва жанрларро алоқадорликда намоиш этиши мослаштирилганлиги;

- мультимедиа воситаларини таълимнинг бошқи воситалари, масалан, ўқитувчининг ўқув материални баёниги оид ҳикояси, кўшимча демонстратив-иллюстратив материал ларни намоиш этиш имкониятининг мавжудлиги ва ҳ.к.

Юқорида кўрсатиб ўтилган талабларни бажарилиши натижасида ўқувчиларга тасвирий санъат таълимидан Давлат таълим стандарти талаблари доирасида билим беришни сифатли ва самарали бўлиши кафолатланади. Шунингдек, тасвирий санъат дарсларида мультимедиа воситаларидан фойдаланиш ўқувчиларнинг мазкур ўқув фанига нисбатан мотивациясини ошириши натижасида бадий таълим сифати ва самардорлигини оширишнинг муҳим дидактик компонентларидан тўлақонли фойдаланиш имконияти юзага келади. Натижада:

- ўқитувчи ва ўқувчиларнинг дарс жараёнидаги фаолият сифати ва самардорлиги ортади;

- ўқув материалнинг эмоционал таъсирчан шаклда намоиш этиш имконияти мавжудлиги туфайли уларни тушуниш, идрок этиш ва ўзлаштириш даражаси юқори бўлади;

- методик жиҳатдан қулай ва тушунарли тарзда тақдим этилиши боис ўқув материални ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган психологик босим камаяди;

- ўқувчиларда тасвирий санъат ўқув фанига нисбатан қизиқиш ортади;

- ўқувчиларнинг эстетик дунёқараши кенгайди, бадий-интеллектуал компетентлик даражаси ортади ва ҳ.к.

Юқоридаги далилларга асосланган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, тасвирий санъат таълими сифати ва самардорлигини оширишнинг омиллари, йўллари кўп бўлса-да, соҳанинг специфик хусусиятларига кўра, шунингдек, замонавий таълим тажрибасида амал қилинаётган тенденцияларга кўра айнан таълимнинг мультимедиага асосланган технологияларини энг самарали восита сифатида эътироф этиш мумкин. Демак, тадқиқотда қўйилган мақсад ҳамда истиқболда бажарилиши белгиланган тадбирлар айнан шу лойиҳани рўёбга чиқаришга йўналтирилганлиги тадқиқот ишлари тўғри йўналишда олиб борилганлигини тавсифлайди.

Кези келганда тасвирий санъат таълимида фойдаланилади-гин ҳамда унинг сифати ва самардорлигини оширишнинг муҳим дидактик воситаси саналган мультимедиа воситаларининг техник параметрлари ва ундан фойдаланиш тартиблари хусусида маълумот бериб ўтиш ўринлидир.






Мультимедиа воситалари ёрдамида тасвирий санъат дарсларида фойдаланиладиган расмларни матнли, тасвири, товушли ва анимацияли кўринишда намоиш этиш мумкин.

Тасвирий санъат ўқув фанидан мультимедиали электрон дарс ишланмалари анимацияли, аудио ва видео маълумотлардан таркиб топади. Шунга кўра мультимедиа воситаларига:

- нуткли ахборотни киритиш-чиқариш қурилмалари (микрофон, кучайтиргичлар, товуш колонкалари);
- анимацион ва видео маълумотларни киритиш ва чиқариш қурилмалари (видеокамералар, видеопроектор ва экранлар);
- товушли ва видео маълумотларни сақловчи оптик дисклар қиради.

Мультимедиа воситаларидан фойдаланишда уларнинг бир неча турлари ва усуллари мавжуд.

Тасвирий санъат дарсларида медиа орқали ўқувчилар ўртасида янги маълумот, билим, ҳис-туйғулар, тасаввур қилиш, мантикий фикрлаш, фикр ва ғояларни етказиб беришга хизмати ўзига хосдир. Медианинг этимологияси (инглизча "media" – "mass media"нинг қисқартирилган шакли – оммавий ахборот воситасига оид) суҳбатдошга билим ёки маълумотларни кўпроқ етказиб беришни аниглайди. Бир хил турдаги маълумотлар мономедиа дейилади. Мультимедиа бу биттадан кўп бўлган медиадир. Мультимедианинг компонентларига – матн, музыка, тасвир, графика, овоз, анимация, видеотасвирлар қиради.

Матн	Музыка	Тасвир	Графика	Анимация	Видео
Расм					

Тасвирий санъат дарсларида мультимедиа маълумотини фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Уларга интерактив, интегрцион, катта ҳажмли, рақамли маълумотлар кирди.

Интерактив – реал вақт режимида ўзаро маълумот алмашиш. Интеграцион – турли медиаларни бириктириш. Катта ҳажмли – тасвир, аудио ва видео каби маълумотлар. Рақамли – аналог маълумотни рақамли маълумотга айлантириш назарда тутилади. Рақамли маълумотлар шовқинни йўқотиш, уларни қайта ишлаш, тахрирлаш осонлиги билан ажралиб туради.

Рақамли маълумотларнинг қулайлиги керакли маълумотни тез топиш осонлиги билан тавсифланади. Масалан, Компакт дискдаги маълумотни аналог кассетадаги маълумотга кўра топиш осон. Шунингдек, катта ҳажмдаги рақамли маълумотларни кичик ҳажмга айлантириш ҳамда тесқари операцияни бажариш мумкин. Тасвирий санъат дарсларида ахборот ташувчи восита мультимедиа технологияларидан фойдаланиш восита – технологиялар қўлланилади.

СД-ДА, СД-РОМ, СД-И, Пото СД, ДВД(4.7Г-8.5Г/17Г), ЖПЕГ, МПЕГ, ДВИ, АВИ, алоқа технологиялари, Стреам шаклида юбориш (АДСЛ, АТМ), синхронлашган технологиялар, вақтни синхронлаштириш, жойни синхронлаштириш тасвирий санъат дарсларида қўлланиши ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини ҳосил қилади.

Сақловчи технологиялар: СД-ДА, СД-РОМ, СД-И, Пото СД, Видео СД, ДВД(4.7Г-8.5Г/17Г).

Синхронлашган технологиялар: вақтни синхронлаштириш, Таълим ва тарбияда, видеоконференцияларда, таълим ва тарбиявий мазмундаги ўйинларда, интернетда ва бошқаларда мультимедиани қўлланилиши жараёни самарали кечишни кафолатлайди. Бу имкониятлар тасвирий санъат дарсларини ўтиш технологияларини сезиларли даражада қулайлаштириши қўлланиладиган технологияларнинг вариативлигини таъминлаш

орқали жараённинг дидактик имкониятларини кенгайтиради. Бу наватда, тасвирий санъат таълимини сифати ва самардорлигини ошириш учун қулай дидактик муҳитдир.

3.2. Медиатаълим тасвирий санъат таълими сифати ва самардорлигини ошириш омили сифатида

Дарҳақиқат, медиатаълим замонавий таълимнинг энг муҳим юнатишларидан бирига айланиб бормоқда. Зеро, ундан таълимнинг барча турларида исталган ўқув фани мисолида фойдаланиш, шубҳасиз, таълим сифати ва самардорлигини таъминлашнинг кафолатланган омилларидан бири сифатида эътроф этилмоқда. Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқитиладиган “Тасвирий санъат” ўқув фани ҳам бундан мустаном эмас. Замонавий таълимда айнан медиатаълим воситасида ахборот-коммуникация воситаларининг имкониятларидан фойдаланиш учун кучли эҳтиёж мавжуд. Хорижий таълимнинг таҳлилларида медиатаълимнинг турли воситаларига оид манбалардан электрон тарзда умумий ўрта таълим мактабларида фойдаланиш, хусусан, “Маҳорат дарслари” туркумидаги намунавий машғулотлардан сараланган ҳолда амалдаги Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастури талабларига мос келадиган вариантларни танлаб олиш ва бевосита дарс жараёнида фойдаланиш тасвирий санъат таълими сифати ва самардорлигини оширишда муҳим манба ҳисобланади.

Таълим тарихидан маълумки, жамият тараққиётининг муайян босқичида унинг турли жабҳаларида қўлланиладиган воситаларнинг характери, шакли ва мазмуни, амал қиладиган технологик ёндашувлари турлича бўлади. Бу омил, айниқса, таълим тизимида кўпроқ кўзга ташланади. Шу боис қачонлардир таълим сифати ва самардорлигининг асосий дидактик шартларидан бири – кўргазмали қуроллардан фойдаланиш бугунги кун талабига намойиш этиш кўрсаткичлари (сифати). Фойдаланиш ҳамда сақлаш учун қулайлиги, фойдаланиш, қўлланиш тезлиги)га кўра нисбатан эскирган мавзу саналади. Бугуннинг гапи – таълимда электрон эскирган манбаларнинг турли воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ. Бу эса, бевосита ҳам ўқувчиларнинг, ҳам ўқитувчиларнинг медиасаводчилиги билан

боғлиқ. Зеро, манбадан фойдаланиш, ундан керакли маълумот, материални олиш учун, шубҳасиз, унинг тартибларини билиш талаб этилади.

Тасвирий санъат таълимида медиаматериалларнинг қандай турларидан фойдаланилади ҳамда улар таълим сифати ни самарадорлигига қандай таъсир ўтказади? Медиаматериалларнинг ҳаммаси ҳам таълим сифати ва самарадорлигига ижобий таъсир этадими? Бу саволларга жавоб топишдан аввал ўқувчиларнинг медиасаводхонлигини оширишда ўқитувчининг педагогик фаолиятида барча ўқув фанлари учун умумий бўлган қуйидаги омилларга эътибор қаратиш лозим.

Биринчидан, фойдаланилаётган медиаматериалларнинг нафақат Давлат таълим стандарти талабларига, балки умуман миллий менталитетимиз, тарихий кадриятларимиз ҳамда бадий-эстетик анъаналаримизга мослигини таъминлаш лозим, яъни Интернет тизимида тарқатилаётган ҳар қандай материал ҳам фойдаланиш учун яроқли эмаслиги, ҳатто телевидение орқали берилаётган ўқув кўрсатувларининг ҳам ҳаммаси кўшимча ўқув материали сифатида фойдаланиш учун ҳар доим ҳам тўғри келвермайди. Биргина мисол: “Маданият ва маърифат” телеканали орқали “Расм дарси” (аслида расм билан тасвирий санъат бир нарса эмас) номли кўрсатувда асосан нагурадан тасвирлаш (натюрморт, манзара) бўйича сабоқ берилади. Агар ўқитувчи ундан дарс жараёнида фойдаланса ўқувчилар натурани тўғри тасвирлай олмайди. Чунки унда буюмларнинг ранг туслари бўйича контрастлилигига етарли даражада эътибор қаратилмайди. Қолаверса, болаларнинг элементар хатоликлар билан ишлаган ишлари намуна сифатида кўрсатилади. Демак, медиасаводхонликда, биринчи навбатда, ахборот, маълумот, материаллардаги хатоликлардан химояланиш, олинмаган ва фойдаланиладиган материалларни саралашни билиш лозим.

Иккинчидан, қисқа хабарлар рўқнида тасврий санъатда “Арт-бозор” деб номланувчи турли хабарлар тарқатиладики, улар кўпроқ тижорат мақсадларини кўзлайди. Бундай хабарлар (масалан, Пабло Пикассонинг бир иши 146 миллион долларга сотилгалиги, Леонардо да Винчнинг охири асари 100 миллион долларлик бошланғич нарх билан аукционга қўйилмоқда, Эдуард Моненинг “Баҳор” номли картинаси бошланғич нархи 35

миллион (Эдуард Моне учун рекорд кўрсатгич. Қолаверса, нарх савдо жараёнида ортиб боради) билан кимосиди савдосига қўйилганлиги ва х.к.) ўқувчиларда маънавий мазмундаги мақсаддан иқтисодий манфаатдорлик мақсадларини устувор қўйишга йўналтирувчи материал вазифасини ўтайди, яъни бу жараёнда, болаларнинг тасавурида санъат асарининг функцияси ўзгаради. Аслида шундок ҳам мураккаб саналадиган “Тасвирий санъатда оқим ва йўналишлар” (7-синф, 1-мавзу) мавзусида фойдаланилиши мумкин бўлган бу турдаги материаллар асосий дидактик мақсадлардан чалғитиши мумкин.

Учинчидан, бугунги кун ўқувчиси виртуал оламда яшаётганини эътиборга оладиган бўлсак, уларнинг турли манбалардан ахборот олишнинг янги каналларини излаши болаларда бадий савияси юқори бўлган асарлар билан коммерция мақсадларида “бозорга чиқарилаётган” асарларни фарқлашга ўргатиш лозим. Шундагина ўқувчилар миллий бадий анъаналаримиз руҳида яратилган асарларни шунчаки зўравонлик, уруш, парнографик мазмундаги “бозорбол” тасвирий санъат асарларидан устун қўйишга ўрганадилар. Зеро, юзаки қараганда илм-фан, спорт ва санъатда миллат йўқдек туюлса-да, санъат ҳамisha муайян халқнинг мафкурасига хизмат қилиб келган ва унинг асосида айнан ўша халқ, миллатнинг мафкураси ғоялари, қарашлари, назариялари, кадриятлари, анъаналари ётади. Адабиёт ҳам, театр ҳам, кино ҳам бундан мустасно эмас. Санъатлар ичида энг ҳозиржавоблиларидан бири – тасвирий санъатда бу жиҳат яққол намоён бўлади. Шунинг учун ўқувчиларни миллий бадий анъаналаримиз руҳида яратилган, кадриятларимизнинг тадрижий тақомили сифатида эътироф этиладиган юксак бадий-эстетик савидаги ишлар билан таништириш лозим.

Тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишда медиатаълим воситаларидан фойдаланишнинг аҳамияти қуйидаги омилларга кўра тавсифланади:

- умумий ўрта таълим мактабларининг 6-7-синфларида 2017-2018-ўқув йилига қалар дарсликнинг йўқлиги туфайли ўқув-иллюстратив материалларнинг танқислиги;

- тасвирий санъатдан махсус маълумотга эга ўқитувчиларнинг камлиги. Одатда, махсус маълумотли тасвирий

санъат ўқитувчиси талабалик йилларидан эътиборан тасвирий санъат асарларининг сифатли репродукцияларини тўллаб бериш ҳамда улардан амалий-педагогик фаолиятда самараларни фойдаланади;

- Давлат таълим стандарти талаблари асосида ишлаб чиқилган ҳамда медиаматериал мақомида эътироф этилиши мумкин бўлган дидактик материалларнинг (махус телевидение кўрсатувлар, анимацион ўқув фильмлари ва х.к.) танқислиги;

- махус тайёрланган альбомлар, ўқув таблицалари ва х.к.;

- Юқоридаги манбаларнинг йўқлиги боис тасвирий санъат ўқитувчилари ҳамда ўқувчиларда медиасаводхонлик даражасининг пастлиги ва х.к.

Юқорида таъкидлаб ўтилган омиллارнинг тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишда дидактик имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш, биринчи навбатда, шубҳасиз, тасвирий санъат ўқитувчисининг медиасаводхонлик компетенциясига боғлиқлигини аниқлатади.

Тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг дидактик имкониятлари тизимида медиатаълимнинг турли шакллари, воситаларига асосланган кўшимча материалларнинг ўрни беқийс. Айниқса, ўқув таблицаларининг фаоллаштирилган, яъни турли анимациялар билан ишлаши имкониятларини тақдим этувчи воситалардан фойдаланиш яхши самара бериши тажрибалар давомида ўз исботини топмоқда.

Ўқувчиларнинг назарий билимларга оид ўқув компетенцияларини ривожлантиришда интерфаол усулда тақдим этиладиган кўшимча материаллар тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишда кенг дидактик имкониятларни яратди. Бу материаллар ҳам назарий, ҳам амалий мазмунда бўлиши мумкин.

Кези келганда “Кўшимча материал” деганда нимани тушуниш лозимлигини изохлаш талаб этилади. Бу тушунча “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да шундай талқин этилган: “Бор, мавжуд, режадаги нарса, ҳодиса ва шу қабиларнинг устига қўшилувчи ёки уларни тўлдирувчи”¹ Юқоридаги талқинни

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат тилми институти, 2008. – 419-бет.

тасвирий санъат таълими мисолида тасвирий санъат таълимининг асосдаги ҳолатини, методик таъминотини нисбатан тўлиқроқ аниқлаш, Давлат таълим стандартида белгиланган материалларга қўшимчалар тарзда янги маълумотларни киритиш маъносидан қўйиб қилиш мумкин. Жумладан, профессионал тасвирий санъатни тараққий этиш тенденциялари, янгитдан кашф этилган бадий-ифодавий усул ва воситаларни, тасвирий санъат соҳасида ижод қилувчи rassomларнинг янги авлодлари ва улар яратган асарлари, шунингдек, дарсликларда етишмовчи дидактик материаллар – иллюстратив материаллар, улардан фойдаланиш методикасини тавсифловчи материаллар, мультимедиа воситалари ҳақидаги маълумотлар тасвирий санъатдан кўшимча материал сифатида талқин этилиши мумкин. Мухими, бу восита ва материаллар мактаб тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг дидактик имкониятларини кенгайтириши лозим. Шу туркумдаги кўшимча материаллар сифатида бадий таълим тарихида самарали қўлланиб келинган, хозирги вақтда объектив сабабларга кўра қўлланилмаётган дидактик воситалардан бири ўқув таблицаларидир.

Ўқув таблицалари тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларида биридир. Бироқ тасвирий санъат таълими амалиётида амалдаги Давлат таълим стандарти ҳамда ўқув дастури талабларига мувофиқ тарзда тайёрланган ҳамда оммавий равишда фойдаланишга расман тавсия этилган ўқув таблицалари мавжуд эмас. Шу омиллارни эътиборга олган ҳолда мазкур таққиқотда тасвирий санъат жанрлари асосида ўқув таблицаларидан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилди. Тавсия этилаётган методикага кўра иллюстратив материал кўринишидаги ўқув таблицалари устувор тарзда тақдим этилди. Бу билан тасвирий санъат таълимида ўқитувчининг маърузасидан кўра кўрғазмалилик асосида тақдим этилган ўқув материали таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг етакчи омилларида бири эканлиги ҳақидаги таълимотга асосланildi.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, тасвирий санъат таълимида фойдаланишга тавсия этилаётган ўқув таблицалари муайян дидактик талабларга асосан тайёрланиши ҳамда бадий

таълим жараёнида қўлланилиши лозим. Бундай дидактик талабларнинг асосийлари сифатида куйидагиларга алоҳида эътибор бериш тавасия этилади.

Биринчидан, тасвирий санъатга оид дидактик материаллар шу жумладан, ўқув таблицаларида тасвирий санъат таълимининг ДТС ҳамда ўқув дастурида белгиланган ва ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган ўқув компетенцияларини эгалланиши борасидаги дидактик имкониятларни яхшилаш, бойитиш, такомиллаштиришга йўналтирилган бўлиши лозим. Акс ҳолда бу турдаги материаллар чалғитувчи манба вазифасини ўташ мумкин.

Иккинчидан, ўқув таблицалари айна пайтда ихтисослаштирилган, таълимда дифференциал ёндашув принципи асосида танлаб олинган, тайёрланган бўлиши билан бир қаторда айрим параметрларига кўра интегратив тарзда фойдаланиш учун мослаштирилган бўлиши талаб этилади. Дифференциал ёндашув санъатнинг тур ва жанрларига ўқув таблицаларини тасвирий Интегратив тарзда фойдаланиш эса айрим ўқув таблицаларини тасвирий санъат таълимининг бошқа турларида ҳам фойдаланиш имкониятлари мавжудлиги билан белгиланади. Айниқса, назарий маълумотлар, хусусан, тасвирий санъатнинг қонуниятларини тасвирловчи ўқув таблицаларидан тасвирий фаолиятларини турларида фойдаланиш имконияти бу турдаги дидактик материалларга қўйиладиган талаблар сирасига киради. Муҳими, улар тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг дидактик имкониятларини кенгайтиришга асос бўлиши лозим. Агар тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини ошириш омили сифатида қўлланиладиган ўқув таблицаларида фанлараро алоқадорлик принципига амал қилинган бўлса, улардан фойдаланиш имконияти, пировордида ўқувчиларнинг тасвирий санъатга оид назарий билим ва амалий компетенцияларини оширишга хизмат қилади.

Учинчидан, тасвирий санъат таълимида унинг сифати ва самарадорлигини ошириш воситаси сифатида қўлланиладиган ўқув таблицалари айнан қайси синфга мўлжалланганлигидан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларнинг объект (натура, тасвир ва х.к.) ларни идрок этиш механизмларининг шакл(ривож)ланганлик

даражасига мослигига эътибор қаратиш лозим бўлади. Шунингдек, ўқув таблицалари ўқитувчи томонидан мустақил тайёрланаётган бўлса, мактаб (синф) жамоасининг тасвирий санъатнинг тур ва жанрларига қизиқишлари кўлами, мазмун ва шартларидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, ўқувчиларнинг индивидуал ва гендер хусусиятларини умумлаштирган тарзда шакллантириладиган хулосаларга асосланилади. Масалан, тасвирий санъат таълимининг замонавий ҳолатини тахлили шуни кўрсатадики, бугунги кун ўқувчи қизларининг аксариятида либос дизайнига, ўғил болаларда эса автомобилъ дизайнига, айрим ўқувчиларда эса метъморлик дизайнига қизиш кузатилмоқда. Табиийки, бу қизиқишлар мазмун жиҳатидан турлича бўлганлиги учун уларни умумлаштириш дидактик талаблар нуқтаи назаридан бироз кийинчилик туғдиради. Бу муаммонинг ечими сифатида дизайн санъатининг умумий қонуниятлари ҳамда уларни фаолият турларига татбиқи масаларини акс эттирувчи ўқув таблицаларидан фойдаланишни тавсия этиш мумкин.

Тўртинчидан, ўқув таблицаларига қўйиладиган дидактик талаблар орасида қонуниятларнинг тасвирланишида узвийлик принципига амал қилиниши эътироф этилади. Zero, ўқув компетенцияларини босқичма-босқич такомиллаштириб бориш педагогика ва психологияда ўз исботини топган ҳамда таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим шартларидан биридир.

Бешинчидан, замонавий бадий таълим тизимида оммавий тарзда қўлланиш учун ишлаб чиқилган ҳамда мактаб тасвирий санъат таълимида фойдаланиш учун тавсия этиладиган махсус ҳаракатли воситалар мавжуд бўлмасда, тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг дидактик имкониятларини кенгайтирадиган воситаларидан бири – турли анимациялар, “Маҳорат дарслари” туркумидаги видеороликлардан фойдаланиш амалиёти кузатилмоқда. Улардан фойдаланишнинг биринчи шarti сифатида тасвирий санъат дарсларида қўлланиладиган ўқув таблицаларини тўлдирувчи, ўқувчиларга тушунтириш қийин бўлган айрим мавзуларни виртуал-анимацион тарзда намоиш этиш талаб этилади. Бу турдаги материаллар ўқувчиларни дарс жараёнидан, муайян мавзуда белгиланган ўқув компетенцияларини эгаллаш жараёнига салбий таъсир этадиган, ўқувчиларни

чалғитмайдыган шакда бўлиши лозим. Бу масалаларга алоҳида урғу берган ҳолда фикр билдираётганимизнинг бонси шундаки, Интернет орқали тақдим этилаётган “Маҳорат дарслари” туркумидаги видеороликлар, асосан, катта ёшдагилар, хусусан, тасвирий санъат билан хаваскорлик мақомида шуғулланаётганларга мўлжалланган. Айнан шунинг учун ҳам бу турдаги материаллардан фойдаланишда “ташқи эффект” элементларини минималлаштириш лозим. “Ташқи эффект” деганда монотон маъруза (ўқувчини зериктиради), ҳаддан зиёд ёрқин ранглар (ўқувчиларда ҳиссийетларга берилиш аломатларини келтириб чиқаради, керакисиз фаолликлар кузатилади), мусиқий фон (ўқувчини асосий мақсаддан чалғитади), мураккаб шакл ва анимациялар (англаш қийинлиги учун ўқувчиларда ишончсизлик ҳолатларини юзага келтиради) назарда тутилиб, улардан меъёрида, юқоридаги талаблар асосида фойдаланиш тавсия этилади.

Олтинчидан, танлаб олинаётган, тайёрланаётган ўқув таблицаларини тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг дидактик имкониятларини кенгайтиради, қачонки уларда қўлланилаётган тасвирларда мавхумлик элементлари бўлмаса. Профессонал тасвирий санъатда шундай оқим ва йўналишлар мавжудки, бу йўналишда бажарилган тасвирий санъат асарлари мактаб ёшидаги ўқувчилар учун бадий идрок этиш маъносида мураккаблик килади. Чунки уларнинг айримларида академизм (яъни реал тарзда тасвирлашнинг профессионал даражаси) принциплари, қонуниятларига зид усуллар кузатилади. Мактаб тасвирий санъати таълимида бундай амалиётни қўлланиши мақсадга мувофиқ эмас. Фақатгина 7-синфнинг биринчи чорагида (1-мавзу) тасвирий санъатда оқим ва йўналишларни тушуниришда реалистик усулга яқин ишлар (Масалан, Клод Моне, Альфред Сислей, Оноре Ренуар, Эдуард Мане каби импрессионистларнинг ишларини тавсия этиш мумкин) визуал материал сифатида қўлланилиши мумкин.

Демак, тасвирий санъат таълимининг сифати ва самарадорлигини таъминловчи дидактик омиллар тизимида таълимнинг мазмуни ва методикасини очиб берувчи, унинг қонуниятларини ўзлаштириш жараёнини онгли кечишини

таъминловчи кўргазмалиликка асосланган манбалардан фойдаланиш масаласига устувор тарзда қараш мақсадга мувофиқдир.

3.3. Тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишда электрон қўлланмалардан фойдаланиш

Замонавий таълимнинг муҳим дидактик талабларидан бири унинг сифати ва самарадорлигини оширишнинг қўшимча манбаларини ишлаб чиқиш ҳамда олтимал тарзда таълим амалиётига жорий этишдан иборат. Айниқса, таълимнинг баъзи соҳаларида бу омил муҳим аҳамият касб этади. Мактаб тасвирий санъат таълими шундай соҳалардан биридир. Зеро, айрим объект ва субъектив сабабларга кўра тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини таъминлаш борасида муайян камчиликлар кузатилади. Объектив сабаб шуки, ўқув материаллари билан дарслик ҳажмидаги номуносиблик туфайли Давлат таълим стандарти талаблари асосида ўқувчиларга ўргатилиши лозим бўлган назарий билимлар – тасвирий санъатга оид қонуниятлар, услублар, дидактик кўргазмали материаллар, содда элементлардан мураккаб объектларни тасвирлаш йўлларини ўргатишга оид материаллардан фойдаланиш имконияти чекланган. Субъектив сабаб сифатида эса махсус олий маълумотли тасвирий санъат ўқитувчиларининг салмоғи (13,7%) камлиги, шунингдек, моддий-техника база, натура фонди талаб даражасида эмаслигини эътироф этиш мумкин. Шу омилларни тасвирий санъат таълимининг сифати ва самарадорлик даражасига салбий таъсирини камайтириш мақсадида ўқув материалларининг тафсилотларини ифодаловчи қўшимча материаллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Шу материаллардан фойдаланиш ҳолда кўйида 5-синф мисолида эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини таъминлашнинг дидактик имкониятларини оширувчи электрон қўлланмадан фойдаланишнинг технологиясининг икки хил ҳолатининг тавсифи берилган.

Биринчи ҳолатда ўқитувчилар улардан интерфаол тарзда фойдаланишлари натижасида тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлиги сезиларли даражада ортди. Бу кўрсаткични,


биринчи навбатда, ўқувчиларнинг дарс жараёнига қизиқишлари ортишида; иккинчидан, уларнинг ўқув материалларини тезроқ осон ўзлаштиришларида; учинчидан, дарс вақти тежаланиш натижасида берилаётган ўқув материалнинг ҳажмини оширишга кузатиш мумкин. Қолаверса, айрим ўқувчилар ўзларини қизиқтирган мавзуларни мустақил тарзда ўрганишлари натижасида нафақат дарснинг дидактик таъминоти қулайлашса, балки, бевосита тасвирий санъат таълимнинг самарадорлиги ортиб борди.

Электрон қўлланмадан куйидаги тартибда фойдаланилади. Электрон қўлланма Интернет браузеридан фойдаланилади. Ишга тушган қўлланмада 5-синф дарсида ишга амал қилган ҳолда “Тасвирий санъат 5” деб номланган қатъий ўқув йилининг тўртта чораклари ҳамда чоракларда ўтиладиган мавзуларни ўзида акс эттирувчи электрон ресурслар берилган.





Электрон қўлланмадан фойдаланишнинг биринчи босқичда ҳар бир чораклар ичига 5-синф дастурида ҳамда дарсликда белгиланган йил давомида Давлат таълим стандарти ҳамда ўқув дастури асосида ўтиладиган барча дарс (мавзу)лар киритилган. 1-чорак бўлимида 9 та дарс юкланган. Чорак устига сичқончани олиб бориб, буйруқ берганда унга юкланган дарсларнинг саҳифаси очилади. Масалан, 1-чоракнинг 1-мавзуси “Тасвирий санъатнинг ифодавий воситалари” деб номланади.

Иккинчи босқичда саҳифада дарсликда берилган мавзулар бўйича иллюстратив материаллар, анимациялар, “Маҳорат дарслари” туркумидаги видеоматериаллар, дидактик кўرғазмалар материаллар, такдимотлар ҳамда кўшимча маълуматлар юкланган. Шунингдек, унинг таркибига дарс мавзусига мос кўшимча иллюстрациялар ҳам киритилган. Бу ўқитувчи учун иллюстрацияларни танлашда вариативлик принципига амал қилиши учун қулай дидактик шaroитни юзага келтиради.





Учинчи боскичда қайси дарс ҳақида маълумотлар кериб бўлса, уни юклаш орқали иккинчи боскичдаги маълумотларни фойдаланиш мумкин.

Тўртинчи боскичда қўшимча материаллар, анимациялар, тақдимотлар, тошириқлар, “Маҳорат дарслари” туркумидаги видео материаллар, методик жадваллар, анимацияларни юклаш дарс жараёни ўқув материалларини визуал материаллар юклаш тасвирий санъат таълимидаги муайян мавзунни қизиқарли, пухта ўзлаштириш мумкин бўлади.



Тўртинчи боскичда анимациялардан лавҳалар тақдим қилинган бўлиб, ўқитувчи ундан дарснинг мос қисмида фойдаланиши мумкин.


Бешинчи боскичда эса дарс мавзусига оид тақдимотлар берилган.



Тасвирий санъатдан айрим мавзуларни ўтишда кўшимча маълумотлардан фойдаланиш яхши самара беради. Шуларни эътиборга олган ҳолда олтинчи босқичда кўшимча маълумотлар банкidan фойдаланиш тавсия этилган.



Тасвирий санъат дарсларида ўқитувчининг педагогик расми ўқувчиларнинг тасвирий малакаларини ривожланишида, тасвирлаш қонуниятларининг назарий асослари ҳамда амалий татбиқини англашида муҳим ўрин тутди. Амалиётчи ўқитувчиларнинг кўшимча методик ишланмаларга бўлган эҳтиёжларини эътиборга олиб мазкур электрон ишланмада “Маҳорат дарслари” туркумидаги видеоматериаллардан фойдаланишга оид материаллар еттинчи босқичда тавсия этилган.



Тасвирий санъат таълимида унинг қонун-қоидалари, тасвир ҳосил қилиш технологияларини ифодаловчи таблицаларининг дидактик имкониятлари бадиий таълим ўқув ва самарадорлигини оширишда муҳим методик манба ҳисобланади. Шунинг учун электрон қўлланмада тақдим этилаётган ўқув таблицаларидан фойдаланиш тавсия этилган ва бу жараёнда қўлланмадан фойдаланишнинг **Саккизинчи босқичи**даги методик жадваллар сифатида берилган.

Мазкур қўлланмадан фойдаланишнинг тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишдаги аҳамиятини эътироф этган ҳолда мамлакатимиз умумий аҳамиятини мактабларида қўлланилаётган методик манбалар ўрта таълим бошқа материалларга илова сифатида мазкур дарслик ва қўлланмани тақдим этиш, шубҳасиз, тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Бу омил мазкур тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган ҳамда. Бу омил даражаси амалиётдагина кўрилган электрон самарадорлик истиқболли лойиҳалардан эканлигидан далolat беради. Шунинг учун умумий ўрта таълим фанлари таркибидаги “Тасвирий санъат” ўқув фанидан барча синфлар учун электрон қўлланма тайёрлаш, дарсликлар бўйича уларнинг электрон қўлланма мавжуд бўлган тақдирда ўқитувчилар учун электрон вариантлари қўлланмалар туркумини ишлаб чиқиш тасвирий санъат таълими

сифати ва самарадорлигини оширишнинг дидактик таъминотини яхшилашга йўналтирилган истиқболли лойиҳалардан бири ҳисобланади.

3.4. Тасвирий санъат дарсларида ахборот технологияларидан фойдаланиш воситасида бадий таълим сифати ва самарадорлигини таъминлашнинг дидактик имкониятларини ошириш

Бутунги кунда бутун дунёда ахборот технологиялари (АТ) кенг кўламда қўлланилмоқда ҳамда бу жараён интенсив равишда ривожланиб бормоқда. Шунинг учун ҳам таълим жараёнига янги ахборот технологияларини киритиш бугунги куннинг долзарб педагогик муаммоларидан бирига айланди. Замонавий жамият ахборот узатиш ҳажми ва тезлиги жиҳатидан чегараланмаган бутунжаҳон ахборот тармоғидан фаол фойдаланиши билан характерланади. Бу ахборот тармоғида кўшимча ўқув материали сифатида фойдаланиш мумкин бўлган манбалар ҳам мавжуд. Мультимедиа ва Интернет технологияларининг пайдо бўлиши ва кенг тарқалиши АТни мулоқот, тарбия, жаҳон ҳамжамиятига кириб бориш, жумладан, таълимда қўлланилаётган илғор педагогик технологияларни маҳаллий шароитга мослаштириб фойдаланиш орқали таълим мазмунини модернизация қилиш, самарали методлардан фойдаланиш имконини беради. Шунинг учун ҳам ахборот технологияларининг ўқувчи шахсининг ривожига аҳамияти ортиб бормоқда.

Мактабдаги тасвирий санъат таълими жараёнида ўқувчилар электрон қўлланма ёрдамида матн билан ишлашни, тасвир объектларини, анимацияларни, мультимедияларни, “Маҳорат дарслари” туркумидаги видеоматериалларни, бошқа кўринишдаги видеоларни, дидактик кўргазмали воситаларни ва маълумотлар базасини яратишни, электрон жадваллардан фойдаланиш орқали ўзларида ижодий қобилиятларни, тасвирий санъатга оид билимларини ошириш учун қулай шароит ва муҳит яратилади. Ўқувчилар тасвирий санъатга оид маълумотларни йиғишнинг янги усулларини, улардан фойдаланиш тартибларини ўрганадилар, натижада уларнинг ижодий фикрлаш қобилиятлари кенгайди. Дарсларда АТдан фойдаланиш ўқувчиларнинг ўқишга

бўлган мотивациясини, қизиқувчанлигини, мустақил ишларнинг самарадорлигини оширади. Электрон қўлланма билан биргаликда таълим соҳасида ўқувчиларнинг ўқиш ва ижодкорлигида янги имкониятларни тақдим этади, электрон ишланма шахсининг бўлажак касбининг асосий инструментини бўладиган вазиятни нуқудга келтиради. Электрон ишланма ҳақиқатан ҳам жамият, ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларига кириб бормоқда. Электрон қўлланмадан фойдаланишда шахсининг барча қобилиятларини — қизиқувчанлик, одоб-ахлоқ, ижодкорлик, мулоқот ва эстетик қобилиятларни рўёбга чиқаришга ҳаракат қилишни таъминловчи жараённи сезиларли даражада фасллаштиради. Бу қобилиятлар юқори даражада рўёбга чиқиши учун педагогдан электрон ишланма соҳасидаги профессионал компетенцияни талаб этади. Электрон ишланма соҳасидаги билимдонликни қўйидагилар билан ифодалаш мумкин:

- замонавий ахборот муҳитида тажрибани баҳолаш ва фаолиятда қўллаш қобилияти;

- шахсий ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиришга ҳаракат қилиш;

- умумий коммуникатив маданиятнинг, ахборот алмашишни ташкиллаштиришда тажриба ва назарий билимларнинг мавжудлиги;

- ахборотни олиш, танлаш, сақлаш, қайта ишлаш, ўзгартириш, тақдим этиш, узатиш ва қўллаш маданиятини ўзлаштириш.

Тасвирий санъат дарсларида анимацион воситалардан фойдаланиш — бу ўқитишга ўзига хос бўлган янги (инновацион) ёндашувдир. У тасвирий санъатдаги муҳандислик тафаккурининг ифодаланиши, интеллектуал салоҳиятнинг график таълим соҳасига кўчирилган тасвири, таълим жараёнининг стандартлашуви ҳисобланади. Бу эса технологик ёндашувлар сирасига киради.

Тасвирий санъатда педагогик тизим жараёнлари воситалар мажмуасидан иборат бўлиб, ўқувчиларда олдиндан белгиланган шахс сифатларини шакллантиришга педагогик таъсир этишни мақсадга мувофиқ тарзда амалга оширади.

Тасвирий санъат дарсларида ахборот технологияларидан фойдаланишда ўқувчи ва ўқитувчи ҳамкорликдаги фаолияти

педагогик жараёнинг кафолатланган ижобий самарасини таъминлайди.

Тасвирий санъатда таълим принциплари — таълим махсу тайёрланган педагоглар раҳбарлигида ўтказиладиган, ўқувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан куrollантирадиган, билим, қобилиятларини ўстирадиган, уларнинг дунёқарашини таркиб топтирадиган турли шакллари, қўлланиладиган жараёндир.

1. Тасвир шаклида. Масалан, илимийлик принципи фан ш ўқув предмети ўртасидаги алоқадорликка асосланади. Бу ерда илимийлик принципи тасвир орқали намойиш этилади, яъни тасвирий санъатнинг қонуниятларининг назарий асослари тушунтирилади.

2. Қоида шаклида. Масалан, таълимда дидактик қоидага биноан оддийдан мураккабга қараб борилади, яъни аввало тушунарлик қоидага асосланган, меъёрлаштирилган тарзда қўлланилади. Таълим принциплари қоида шаклини олаверган сари улардан амалиётда фойдаланиш имкониятлари ҳам ортаверади. Бу имконият, биринчи навбатда, қоидаларнинг педагогик тизим тарзида қўлланилиши ҳар қандай фаолиятни, жумладан бадий таълим жараёнини тақомиллаштиради.

Юқоридаги келтирилган дидактик талаблар асосида тасвирий санъат дарсларида анимацион воситалардан фойдаланиш унинг сифат ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Анимацион дастурлардан фойдаланиш тартиби компьютер графикаси билан чамбарчас боғлиқ. Компьютер графикаси деганда компьютер ёрдамида турли чизмалар, расмларни чизиш тушунилади. Компьютер анимацияси эса бир мунча кенгроқ бўлиб, унда компьютерда чизилган расм ёки чизмаларни (моделларни) ҳаракатлантириб намойиш этиш тушунилади. Шунинг учун ҳам анимация (французча “animation”, лотинча “anima”) замонавий талқинда “компьютер экранда ҳаракатланувчи тасвир” деб аталиб, бутунги кунининг компьютерлаштирилган янги санъат тури — мультипликация принципларидан фойдаланиш тасвирий санъатга оид қонуниятлар, жараёни жонли тарзда, ҳаракатланаётган ҳолатда намойиш этиш орқали ўқув материалларни онгли ўзлаштириш

учун қулай муҳит яратади. Натигада кўлимча дидактик имконият туфайли бадий таълим сифати ва самарадорлиги ўзига хос йўсинда кафолатланади.

Тасвирий санъат дарсларида мультимедиа принципларида қурилган электрон дарс ишланмалари, анимацион график тасвирлар, маълумотномалар, энциклопедиялар, таржимонлар ва лугатлар тарих, география, тиббиёт, чизмачилиқ, спорт ва бошқа соҳаларда самарали қўлланилгани каби бадий таълим тизимида ҳам фойдаланиш мумкин ва бу омил, шубҳасиз, таълим сифати ҳамда самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Бир неча бор таъкидлаганимиздек, умумий ўрта таълимнинг шундай соҳалари мавжудки, уларда замонавий педагогик ҳамда ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш таълимнинг сифати ва самарадорлигини таъминлашнинг асосий омилларидан биридир. Бу омил тасвирий санъат таълимида алоҳида аҳамият касб этади. Буни куйидаги жиҳатларда кўриш мумкин.

Биринчидан, тасвирий санъат таълими ўз хусусиятига кўра турли йўналиш ва мазмундаги коммуникативликни талаб этади: ўқитувчи ва ўқувчи мулоқоти; ўқувчини ўқувчи билан мулоқоти; ўқувчи ва ташқи муҳит, агроф-олам, айниқса, табиат билан мулоқоти (тасвирлаш объектларини кўриш, идрок этиш, англаш, унинг эстетик жиҳатларини ҳис этиш ва баҳолаш, шахсий муносабат билдириш ҳамда ўзининг тасвирий-ижодий фаолиятига татбиқ қилиш назарда тутилаяпти) ўқувчиларнинг тасвирий санъат ўқув фанидан Давлат таълим стандартида белгиланган компетенцияларни эгаллашларида муҳим рол ўйнайди, яъни тасвирий фаолият жараёни ижодий изланиш бўлганлиги билан турли технологияларга мурожаат этишни, коммуникативлиликни талаб этади.

Иккинчидан, тасвирий санъат ўқитувчилари фаолиятида соҳага оид ахборотларнинг танқислиги, ахборот олиш каналларининг умумий ўрта таълим мазмунига монанд эмаслиги сабабли маълум маънода бадий-эстетик таълим сифати ва самарадорлигини таъминлаш йўналишида кийинчиликларга дуч келаётганлиги кузатишмоқда.

Учинчидан, ўқув материаллари юзасидан белгиланган ҳажмдаги маълумотларни тўлиқ олиш имконияти йўқлиги

мавжуд бўшлиқни замонавий ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланган ҳолда тўлдириш мумкин. Бунинг учун замонавий педагогик ҳамда ахборот технологияларини қўшимча манбаларини излаш талаб этилади.

Шу ўринда ҳақли савол туғилиши мумкин: тасвирий санъат таълимида қўлланиладиган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситалари сирасига нималар киради? Улар бадий таълим амалиётига қандай жорий этилади? Таъкидланган жоишки, тасвирий санъат таълимида қўлланиладиган замонавий ахборот технологияси деганда глобал ахборот манбаини тушуниш керак эмас. Зеро, тасвирий санъат таълими ижодий-амалий фаолият бўлганлиги боис бу жараённи самарали кечириши таъминловчи воситалар муайян ахборотни тақдим этади. Тасвирий санъат асарларининг электрон каталоги шундай манба сифатида муҳим дидактик аҳамият касб этади. Давлат таълим стандарти ва ўқув дастурида кўрсатилган тасвирий ва амалий санъат асарлари, бадий ҳунармандчилик, дизайн санъати намуналари ҳамда меъморлик тарихига оид материаллар билан таъминлаш имконияти дарсликларнинг, айниқса 7-синф дарслигининг ҳажми камлиги боис муайян даражада чекланган. Бу имкониятни ўрганилиши лозим бўлган асарлар репродукцияларини электрон каталогини яратиш ҳамда уни тасвирий санъат таълими амалиётига жорий этиш орқали бадий таълим сифати ва самарадорлигини ошириш мумкин. Чунки бу материаллар шунчаки иллюстратив материал эмас, балки муҳим дидактик материал сифатида ўқувчи учун муайян ахборотни тақдим этади. Шунинг учун ҳам ўқув фани хусусиятидан келиб чиққан ҳолда бундай манбаларни шартли тарзда ахборотни коммуникацион воситалар сифатида баҳолаш мумкин. Ўқувчи томонидан тақдим этилаётган материални электрон каталогаги материал билан тўлдирилиши ўқувчининг муайян ўқув тушунчаси ҳақидаги тасаввурини аниқ намуна мисолида мустаҳкамлайди, ўзлаштирилаётган материалнинг онглилик даражасини ошириш ҳисобига ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини ривожлантириш имкониятини оширади. Бу омил, бевосита таълим сифати ва самарадорлигига ижобий таъсир ўтказadi.

Юқоридаги фикрлар асосида куйидагича хулоса чиқариш мумкин.

Хозирги кунда ҳар бир кишининг, у қандай соҳада фаолият кўрсатишдан қатъи назар ўз иш фаолиятида доимий равишда компьютер технологияларидан ва ахборотлардан фойдаланиш мумкин. Таълим соҳасида эса бу эҳтиёж яққол актиёжи мавжуд. Тасвирий санъат ўқитувчисининг педагогик кузатилади.

Фаолияти бундан мустасно эмас.

Алоқа ва коммуникация воситалари замонавий ахборот технологияларининг ажралмас қисми бўлиб, ҳаётимизнинг, шу жумладан, таълим тизимининг бир бўлагига айланган. Шу маънода тасвирий санъат таълимнинг замонавий ҳолати унинг истиқболлини бу манбаларсиз тасаввур этиш қийин.

Компьютерлар ҳамиятни ахборотлаштириш ҳамда таълим муассасаларида таълим-тарбия беришда тасвирий санъат дарсларини самарадорлигини ошириш учун фаолиятларни автоматлаштиришда муҳим ўрин тутади. Бу омил нафақат таълим сифатини, балки дарс вақтидан оптимал тарзда фойдаланиш, ўқувчиларнинг қизиқишларини ошириш орқали таълим самарадорлигини сезиларли даражада ошириш мумкин.

Мультимедиа технологиялари тасвирий санъат таълими жараёнларини моделлаштириш ва уларни тасаввур қилиш, мураккаб вазифаларни енгиллаштириш, мантқий фикрлашга ундовчи материалларни тайёрлаш ўқув материалларини осон ва сифатли ўзлаштиришга замин яратади.

Шундай қилиб, турли вариантдаги ахборот технологиялари тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигининг муҳим омилиларидан биридир.

ТЎРТИНЧИ БОБ ТАСВИРИЙ САНЪАТ ТАЪЛИМИ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ МИЛЛИЙ-ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ

4.1. Ўқувчиларда бадний таҳлил компетенцияларини шакллантириш тасвирий санъат таълими сифатини оширишнинг муҳим дидактик талаби сифатида

Мақтаб тасвирий санъат таълими мазмуни ва методикасини такомиллаштириш орқали унинг сифати ва самарадорлигини оширишда замонавий таълимий тенденциялар, технология ёндашувлар билан бир қаторда таълим-тарбия борасида тўплаган кўп асрлик қадриятлар, миллий-тарихий анъаналардан ҳам фойдаланиб келинади. Зеро, Ўзбекистоннинг илм ва фан, маданияти ва санъати тарихида барча замонлар учун ўзининг бадний-эстетик қийматини йўқотмайдиган, аксинча, йиллар ни асрлар оша маънавий нуфузини ошириб борувчи манбалар мавжуд. Шундай манбалар ичида, шубҳасиз, миллий тасвирий санъатимизнинг тарихий замини – Шарқ миниатюра санъатининг таълимий ва тарбиявий имкониятларидан оқилона фойдаланиш замонавий бадний таълимнинг, шу жумладан, умумий ўрта таълим тизимида ўқитиладиган “Тасвирий санъат” ўқув фанининг долзарб масалалари сирасига қиради. Зеро, Шарқ миниатюра санъати узок тарихий тараққиёт давомида яратилган ҳамда умуминсоний ва миллий қадрият сифатида эътироф этилган, асрлар давомида инсоният тамаддунига хизмат қилиб келаётган ҳам моддий, ҳам маънавий мерос сифатида эътиборга моликдир. Шу маънода нафақат Шарқ мамлакатларида, балки дунё миқёсида эъозланиб келинадиган миллий-тарихий меросимизни замонавий бадний таълим тизимида ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам умумий ўрта таълим мактабларининг 5–7-синфларида Шарқ миниатюра санъати, буюк мусаввир Камолиддин Бехзод ижодини ўрганиш Давлат таълим стандартида белгилаб қўйилган миллий – тарихий тасвирий санъатимизни ўрганишнинг таълимий самараси шундан иборатки, соҳанинг Давлат таълим стандарти ва ўқув дастурида

белгилангандек, 5–7-синфларда дастурнинг “Санъатшунослик асослари” блокида:

- ўқувчиларни назарий жиҳатдан тасвирий санъат асарларининг мазмуни, композицион ечимлари, бадний образлари ва бошқа параметрларини идрок этиш, англаш, баҳолаш ва шарҳлашга оид таянч ўқув компетенцияларини шакллантириш;

- тарихий ва замонавий тасвирий санъатнинг синтези негизида ўқувчиларда бадний тасаввур, эстетик дид ва тафаккурни тарбиялаш;

- миллий ва умумбашарий санъат намуналарини, хусусан, Шарқ миниатюра санъати ва Европа рангтаصري асарларини қийсий таҳлил қила билишга оид компетенцияларни таркиб топтириш;

- тасвирий санъат асарларининг бадний-ифодавий воситалари ва қонуниятларини ўрганиш асосида ҳосил бўлган тасаввурларни шахсий тасвирий-ижодий фаолиятта татбиқ этишга оид уқув ва малакаларни таркиб топтириш назарда тутилган. Таъкидлаш жоизки, қийсий таҳлил ўқувчиларда бадний идрок механизмларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг самарали омилларидан биридир. Шу маънода ҳам Шарқ миниатюра санъати, хусусан, Камолиддин Бехзод ижодига мансуб асарлар ўқувчилар томонидан “Тасвирий санъат” ўқув фанида белгиланган ўқув компетенцияларини шакллантиришда муҳим ўқув материали, тарихий манба вазифасини ўтайди.

Камолиддин Бехзод ижоди мисолида Шарқ миниатюра санъати асарларини ўрганишнинг тарбиявий аҳамиятини қуйидаги омилларда кўриш мумкин.

Биринчидан, Бехзод ва унинг мактабига оид миниатюра асарлари дунёнинг энг нуфузли музей, галерея, кутубхона ва шахсий коллекцияларида сақланиши ҳамда нафақат Шарқ халқларининг, балки жаҳон санъат аҳлининг маданияти ва маънавиятини юксалтиришга хизмат қилиб келаётганлиги боис, аввало, ўқувчиларда миллий гурур, ватанпарварлик туйғуларини тарбиялашга хизмат қилади.

Иккинчидан, турли йилларда Шарқ миниатюра санъати, айниқса, Камолиддин Бехзод ҳаёти ва ижодига оид тадқиқотлар Шарқ мамлакатлари олимлари билан бир қаторда, Европа ҳамда

Америка олимлари томонидан ўрганилганлиги мазкур санъат турининг юқори даражадаги халқаро нуфуздан далолат беради. Санъатшунослар ва тарихчиларнинг тадқиқотларида кайи этилишича, Камолиддин Бехзоднинг ижодий феномени Европа rassomларида катта қизиқиш уйғотган. М. Абдуллаевнинг таъкидлашича, 1903 ва 1910 йилларда Мюнхен шаҳрида ўтказилган Муслмон санъати кўргазмалари нафақат Мюнхен шаҳрининг, балки ундан ташқарида ҳам йилнинг энг аҳамиятли воқеаларидан бири сифатида баҳоланган. Мазкур кўргазмани кўриш учун ер шарининг турли бурчакларидан санъат ихлосмандлари, санъатшунослар, профессионал rassomлар ташриф буюрганлиги Камолиддин Бехзод ижоди, Шарқ миниатюра санъатини жаҳон тасвирий санъат тарихидаги ўрни ва нуфузини англатади. Айниқса, машҳур rassomларнинг Шарқ минатюра санъатига муносабатига оид маълумотлар ўқувчиларда тасвирий санъатга қизиқишни ошириши натижасида бадий таълим сифати ва самарадорлигини ошириш учун қулай муҳит юзага келади. Шу маънода Европа rassomларининг Шарқ миниатюра санъатига муносабатлари ҳақидаги маълумотлар ўқув материалли сифатида диққатга сазовордир.

Ўз вақтида Рембрандт каби Европа Уйғониш даврининг ёрқин намояндаси, Матисс каби импрессионизм окимининг таниқли вакили Камолиддин Бехзод ижоди намуналарини ўзгача қизиқиш билан ўрганган, унинг ижодида илҳомланиб қатор композициялар яратган. Ўзбекистон тасвирий санъатининг тарихий тажрибасида Шарқ миниатюра санъатига хос анъаналарга мурожаат этган rassomлардан А.Волков, Н.Карахан авангард йўналиш билан анъанавий меросни синтетик татбиқи мисолида миллий тасвирий санъатнинг ўзига хос миллий эталонини яратишга интиланлар. Ўзининг нафақат ижоди, балки ҳаётини ҳам Ўзбекистон билан боғлаган А.Николаев (Усто-Мўмин) “миниатюра санъатини нафақат илҳомланиш ва таклид қилиш манбаи, балки миллий ўзига хос ҳазина, лаборатория сифатида қаради”. Шунингдек, Ўзбекистон тасвирий санъатида Шарқ минатюра санъатининг анъаналарини синтетик тарзда қўлаш амалиёти Чингиз Аҳмаров, Жавлон Умарбеков, Акмал Нур, Ортиғали Қозоқов, Леким Ибрагимов, Содиқ Раҳмонов каби рангтасвирчи rassomлар, Тельман Мухамедов, Абдуқаҳҳор

Маҳкамов каби китоб безовчи rassomлар ижодида ҳам кузатиладики, ўқувчиларни rassomлар ва уларнинг асарларини билиш ҳақидаги мезърий талабларни бажаришда, шубҳасиз, қизиқарли ўқув материали сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Зеро, тасвирий санъатда Шарқ ва Ғарб анъаналари ва унинг синтетик татбиқига оид материаллар ўқувчиларда бадий тахлил малакаларини оширишда алоҳида аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, Камолиддин Бехзод ижодини ўрганиш rassom учун қутилмаган, оригинал импульсларни, тасвирий санъатнинг янги имкониятларини очиб бериши мумкин. Бу омиллар нафақат профессионал rassomлар учун, балки мактаб ўқувчилари учун ҳам эстетик дид, бадий тафаккур, тасвирий малака ва маҳоратни ошириш омили вазифасини ўтади.

Шарқ ва Ғарб санъатининг синтези кўпгина тарихчилар (Н.Норқулов, А.Мадраимов, И.Низомиддинов), филологлар (Ҳ.Сулаймонов, Ф.Сулаймонова), санъатшунослар (Г.Пугаченкова, А.Ҳакимов)нинг тадқиқотларида турлича талқин этилган. Бу талқинларнинг аксарият қисмида тадқиқотчилар Шарқнинг Ғарбга таъсирини бирламчи омил сифатида эътироф этадилар. Хуусан, Бехзод феноменини Ғарб санъатига таъсирини тадқиқ этар экан, академик Акбар Ҳакимов Бехзоднинг жаҳон тасвирий санъатига таъсири генезисини XV – XVI асрларга бориб тақалишини аниқ далиллар билан шархлайди. Айниқса, олим биз юқорида таъкидлаганимиздек, Матиссдан ташқари Бехзод ижодини Леонардо да Винчи, Пабло Пикассо, Г. Климт кабиларнинг ижодида таъсирини уларнинг асарлари мисолида исботлаб берган. Буни Бехзоднинг “Сўфийлар рақси” (1440) ва Матисснинг “Рақс” (1910), “Дарвиш портрети” (1500) билан Леонардо да Винчининг “Жаконда”си (1506 – 1507), “Гуллётган шохлар ичидаги қиз” (1480) асари билан Г. Климтнинг “Уч авлод” (1908) асарларини киёсий тахлилу асосида очиб берган.

Умумий ўрта таълим мактабларининг 5 – 7-синфларида ўқитиладиган “Тасвирий санъат” ўқув фанининг дидактик вазифалари тизимида ўқувчиларнинг тасвирий саводхонлигининг асосий компонентлари – тасвирлаш техникаси ва технологияси, бадий-иқдовий воситалар ва қонуниятлар ҳақидаги назарий билим ва амалий-тасвирий малакаларини таркиб топтириш

назарда тутилади. Шу йўналишда ҳам миниатюра санъатининг таълимий имкониятларидан оқилона фойдаланиш лозим.

Миниатюра санъати мисолида Шарқнинг янги пластин концепциясини топишга интилган биринчи rassomlar қаторида А.Исупов, П.Кузнецов, К. Петров-Водкин каби таниқли ижодкорлар бўлган. Бу далиллар Камолитдин Бехзоднинг бадий-эстетик мероси умуминсоний кадрят сифатида асрлар давомида эъозланиб келинаётганлигидан далolat беради. Демак, бундан хулоса қилиш мумкинки, Камолитдин Бехзоднинг умумжаҳон маданияти ва санъатида тугган ўрни узоқ тарихга эри ва бу ҳақда маълумотлар ўқувчиларда нафақат тасвирий санъатга кизиқишни оширади, балки уларда бадий мушоҳада, тарихий тафаккур, умумий маънода бадий таҳлил борасидан компетенцияларини ривожлантиради. Зеро, Камолитдин Бехзод ўз ижодий изланишлари билан нафақат тасвирий санъат мустақил санъат тури сифатида шаклланиш ва ривожланиш тенденцияларини белгилаб берди, балки тасвирий санъатнинг алоҳида жанри – портрет жанрига асос солди. Унинг Шарқ тасвирий санъатининг портрет жанри ривожига кўшган хиссасини икки омилда кўриш мумкин. Биринчидан, у жамоавий портрет ишлаш амалиётини жорий қилган бўлса, иккинчидан, устоз мусавирнинг тасвирий санъат мактабидан кўлаб унинг шогирдлари ва издошлари етишиб чикди ва унинг ижодий мактабини муносиб давом эттирдилар. Камолитдин Бехзод ижода жамоавий портретларнинг учраши миниатюра тарихининг таниқли тадқиқотчиси Абдумажид Мадраимовнинг тадқиқотларида ҳам кўриш мумкин. Унинг фикрича, Камолитдин Бехзод ижодига мансуб “айрим миниатюраларда кўшалок портретларни кўриш мумкин”. Шунингдек, “Шаҳзода-шоир Ғариб Мирзо – Султон Хусайн Мирзо ўғли”, “Мўғил асири”, “Дарвиш ва от”, “Амир портрети” каби асарларда ҳам Камолитдин Бехзоднинг портретчи мусавир сифатидаги иқтидорини кўриш мумкин. Академик Г.А.Пугаченкованинг таъкидлашича, Бехзоднинг дастлабки портретлари поэтик мотивлар асосида яратилган бўлса, 15-асрнинг охири ва 16-асрнинг бошларида аниқ шахслар тасвирига оид портретлар асрнинг бошларида аниқ шахслар туркумига “Шайбонийхон юзага келди. Шундай асарлар туркумига “Шайбонийхон портрети” (1507), “Шоир Абдулла Хотийфий портрети” (1511 –

1521), “Султон Хусайн Бойқаро портрети” (16-аср бошлари), “Малика портрети” (15-аср охири) каби аниқ тарихий шахслар сиймоси тасвирланган миниатюраларни киритиш мумкин. Бундай материаллар 5-синфнинг тўлалигича портрет жанрига бағишланган ва “Инсонга разм солиш” деб номланган тўртинчи поратигаги “Тасвирий санъатда портрет жанри” (13-мавзу), ҳайкалтарошликда, графикада, рангтасвижда (мос равишда 14,15,16-мавзулар), айниқса, “Шарқ миниатюра санъати” (6-синф, 6-мавзу) ҳамда 7-синфнинг “Санъатда оқим ва йўналишлар: умуминсоний ва миллий хусусиятлар” деб номланган биринчи поратига назарда тутилган ўқув материалларини ўтишда кўлланиши тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Зеро, Шарқ миниатюра санъатидан, аввало, Камолитдин Бехзод даҳосидан илҳомланган жаҳон тасвирий санъат намояндалари, айниқса, Европа Уйғониш даври rassomlari, импрессионистлар ва фовизм вакилларининг ижоди мисолида Шарқ ва Ғарбнинг бадий анаъаналарининг синтетик таъбиқини кузатиш мумкин.

Бехзод миниатюраларидаги композицион мукамаллик, мантқиқий алоқадорлик барча замонларда дунё rassomlarини таъсирлантириб, илҳомлантириб келган. Бехзоднинг хаёти ва ижодини тадқиқ этган олима Муқаддима Ашрафий мусавирнинг ижодий феноменини шундай таърифлайди: “Бехзод ўзигача бўлган миниатюра санъатининг энг яхши томонларини умумлаштирди. Ўзининг рангтасвир ишларида яратган композицион схемаларида ифодавийликнинг янги ва ажойиб имкониятларини очиб берди. Асосийси – ноёб иқтидор соҳиби Бехзод кейинги авлод учун намуна бўладиган оригинал ва мукаммал миниатюралар яратди”. Бундай тарихий далиллар ўқувчиларда композицион мушоҳада юритиш компетенцияларини ривожлантиришда ҳам муҳим рол ўйнайди.

Камолитдин Бехзод нафақат тасвирий санъат қонуниятларини мукаммал эгаллаган уста тасвирчи, реалистик рангтасвир ва қаламтасвирнинг академик усул ва анаъаналарини мукаммал эгаллаган, Шарқ ва Ғарб тасвирий санъатининг ибратли жиҳатларини синтетик тарзда кўллаган, яратган асарларига юксак даражадаги мазмун ва моҳият касб этувчи воситаларни ўзига хос маҳорат билан таъбиқ этувчи ижодкор

сифатида, балки "...руҳият рассоми эканлиги, борлигини моҳияти ҳақидаги теран фалсафий мушоҳадаларни ифодалашини тенгсиз маҳорат эгаси бўлгани, моддий ҳаётдан маънавий ҳаётни устун қўйгани аниқ намоён бўл"иши унинг асарларида ўзинини ёрқин ифодасини толганлиги билан ҳам эътиборлидир. Шунинг учун ҳам Камолиддин Бехзод ижоди мисолида ўқувчиларнинг бадиий-эстетик савияси, хусусан, бадиий-эстетик тахлил компетенцияларини ривожлантириш орқали уларнинг тасвирий-ижодий савиясини ошириш мумкин. Бу омил тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим кўрсаткичи сифатида алоҳида эътиборга молик.

Юқорида баён этилган мулоҳазалардан хулоса қилиш мумкинки, Камолиддин Бехзоднинг бадиий-эстетик мероси, шубҳасиз, миллий кадрят сифатида эъзозланади. Зеро, Камолиддин Бехзод асос солган бадиий таълим мактаби асрлар давомида такомиллашиб, замонавий тасвирий ва амалий санъат таълими тизимида самарали қўлланиб келинмоқда. Шу боис кейинги йилларида унинг бадиий-тасвирий феноменини кенг қамровли ўрганишга ҳукумат миқёсида алоҳида эътибор қаратила бошланди. Шунингдек, ЮНЕСКОнинг қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига биноан буюк мусаввирнинг таваллудига бағишланган илмий-амалий анжуманлар, шу жумладан, Камолиддин Бехзоднинг ҳаёти ва ижодини ўрганишнинг педагогик аҳамиятига оид конференциялар ўтказилдики, улар Шарқ миниатюра санъатини замонавий талқинда, жаҳон тасвирий санъатининг ривожига таъсири контекстида ўрганиш ўқувчиларда бадиий-эстетик савияни оширишнинг муҳим омил сифатида эътиборлидир.

Бадиий тахлилга оид материалларда миниатюра санъати, хусусан, Камолиддин Бехзод ижодига кўпроқ эътибор қаратилганлигининг сабаби шундаки, биринчидан, айнан миниатюр санъатида шартлилик, рамзийлик элементлари устувор тарзда қўлланилганлиги боис уларни идрок этиш ва тахлил этиш ўқувчилар учун мураккаб ҳисобланади. Иккинчидан, айнан Камолиддин Бехзод ижодида Шарқ (рамзийлик) ва Ғарб (реалистик усул) санъати синтезини кузатиш мумкин. Шунинг учун ҳам ўқувчиларда бадиий тахлил компетенцияларини шакллантиришда Шарқ миниатюра санъати асос қилиб олинди.

4.2. Тасвирий санъат таълимида Шарқ миниатюра санъати асарлари намуналаридан нусха кўчириш машғулотларини ташкил этиш

Мактаб таълимининг еттинчи йилга келиб ўқувчилар тасвирий саводхонликнинг асосий қонуниятларини ўзлаштирган бўладилар. Аслида тасвирий санъатнинг ифодавий воситалари 5-синфда ўтилса-да, ўқитувчи арсеналида етарли даражада методик ҳамда иллюстратив материаллар бўлмаганлиги учун муайян кийинчиликларга дуч келадилар. Мутахассислар томонидан тайёрланган айрим методик материаллар турли манбаларда, жумладан илмий-методик журналлар саҳифаларида бериб борилаётган бўлсада (қаранг: А.Сулаймонов. Ўқувчиларда тасвирий санъатнинг ифодавий воситалари ҳақидаги билимларни шакллантириш. "Халқ таълими" журнали. 2011 йил, 1-сон. – 29 – 32-б.), амалдаги Давлат таълим стандарти ҳамда ўқув дастури асосида яратилган методик манбаларнинг танқислиги ўқитувчи учун айрим мавзуларни ўқишда қийинчилик туғдиради. Шарқ миниатюра санъатига оид дарслар шундай мавзулар сирасига киради. Шуларни эътиборга олган ҳолда амалиётчи ўқитувчи учун методик ёрдам сифатида Шарқ миниатюра санъати билан боғлиқ бўлган мавзуларни ўқиш методикасига оид материаллар тақдим этилмоқда. Чунки, 6-синфнинг иккинчи чораги тўлиғича миниатюра санъатига бағишланган бўлиб, 6 та мавзу (10 – 16-мавулар)ни ўқиш учун 7 соат вақт ажратилган. Агар йиллик ўқув соати 34 соатни ташкил этишини эътиборга оладиган бўлсак, "Тасвирий санъат" ўқув фанида миниатюра санъатига етарли ўрин берилганлигини кўриш мумкин. Жумладан, шарқона тасвирий санъатнинг услуб ва техникаларига оид малакаларни эгаллаш билан боғлиқ бўлган ўқув материаллари тасвирий санъат таълимининг муҳим таркибий қисmidир. Тасвирий санъат ўқув фанидан йиллик иш режаси бўйича 11-мавзу мазкур йўналиш бўйича ўқувчиларнинг тасвирий саводхонлигини шакллантиришда муҳим кадам ҳисобланади. Шунинг учун ўқитувчи мазкур мавзунини ўқишда қуйидаги методик жиҳатларга эътибор қаратиши лозим.

Биринчи жиҳат. 10-мавзу бўйича Шарқ миниатюра санъати тарихи ҳамда миниатюра асарларини тахлили қайта эсланиб,

миниатюра санъати асарларида мусавирлар томонидан композиция элементлари (одам, хайвон, дароҳт, сув, ўт-ўланлар тош, тоғ, булут ва х.к.)ни қўлланилиши ва уларни ишлатиш техникаси ҳақида маълумот бериш. Бу жараёнда уларни ишлатиш алоҳида ишланган иллюстратив намуналари бўлса дарсини самарадорлик даражаси юқорироқ бўлади. Малакали ўқитувчи қисқа мuddатли маҳорат дarsi ўтиши ҳам мумкин.

Иккинчи жиҳат. Ўқитувчининг мазкур дарсга кўрғин махсус тайёргарлиги, яъни синфда ўтиладиган дарс мавзуси ва мазмунига мос муҳит яратилганлиги.

Учинчи жиҳат. Ўқитувчи олдинги дарсда, албатта мазкур дарсининг мавзусини эълон қилган ҳамда ўқувчиларга керакли тавсиялар асосида мос йўналиш берган бўлиши лозим.

Йўналишларнинг мазмунида:

- турли мазмун ва жанрдаги иллюстрацияларни мустақил ўрганиш ва таҳлил қилиш;

- адабий манбаларнинг сюжетларини таҳлил қилиш;
- ўрганилган (ўқилган, мазмуни хотирада қайта тикланган) асарнинг сюжети асосида композиция вариантлари борасида мушоҳада юритиш каби тайёргарлик ишлари амалга оширилган бўлса дарсдан қутилган натижа олиш мумкин бўлади. Акс ҳолда ўқувчилар томонидан дарсининг мавзуси, моҳиятини англаш жараёнида юзага келадиган муаммолар дарсни рисоладагидек ташкил этиш ҳамда самарали яқунлаш имкониятини бермайди.

Тўртинчи жиҳат. Дарсни самарали кечиши ўқувчиларнинг диққатини дарс мавзусига йўналтириш, уларнинг ижодий фаоллигини таъминлаш билан боғлиқ. Ўқувчиларга дарс мавзусига алоқадор саволлар билан мурожаат этиш уларни фаоллаштириш воситаларидан биридир. Шу маънода ўқитувчининг ўқувчиларга:

- Иллюстрация нима?
- Миниатюра нима. Миниатюра ва иллюстрация атамалари нимаси билан ўхшаш ёки аксинча, нимаси билан бир-биридан фарқланади?

- Китоб иллюстрацияси соҳасида ижод қилган қайси рассомлар ва уларнинг қайси асарларини биласиз?

- Шарқ миниатюра санъати соҳасида ижод қилган мусавирлардан қимларни биласиз?

- Миниатюра услубида бадиий безатилган қандай намуналарни биласиз?

- Миниатюра услубида ижод қилган замондош рассомлардан қимларни биласиз?


Табиийки, ўқитувчи бу саволларга аниқ ва тўлиқ жавоб бериши мақсад қилмаслиги лозим. Мақсад ўқувчиларнинг диққатини жалб этиш, уларни ўйлаш, фикрлашга ундашдан иборат бўлмоғи лозим. Савол-жавоблар жараёнида ўқитувчи ҳар бир саволга берилган жавобларни ўзи тўлдириши, у ёки бу рассомнинг ижодини қисқача шарҳлаб ўтиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Бешинчи жиҳат. Ўқитувчининг малакали ҳикояси, яъни ўқитувчи дарс жараёнида қўлланилган иллюстратив материалларни шарҳлаши, дарсининг мақсади ва вазифаларини болаларбоп йўсинда тушунтира билиши лозим. Шунингдек, ўқитувчининг педагогик расми, айниқса ўқувчиларда қизиқиш ўйғота олиши, профессионал ижро нуқтаи назаридан ўқувчилар намуна сифатида қабул қила оладиган даражада бўлиши лозим.

Олтинчи жиҳат. Ўқитувчи дарс ўтиш жараёнида қисий таҳлил методидан унумли фойдаланиши зарур. Зеро, ўқувчи бошлангич синфдан бери адабий асарларга, хусусан эртақларга реалистик услубга асосланган қонуниятлар бўйича расм ишлаб келган. Миниатюрани эса ўзига хос хусусиятлари, шартлилик ва рамзийлик жиҳатлари бўлиб, бу хусусиятлар уларни идрок этишда муайян қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин.

Шу маънода ўқитувчи ўқувчилардан мутлоқо талаб сифатида услубида иллюстрация ишлашни қатъий талаб сифатида қўймаслиги лозим. Муҳими ўқувчилар томонидан миниатюра элементларини талқин қилишда. Бу борада ўқувчиларга намойиш этиладиган иллюстратив материаллар муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ўқитувчи дарсда фойдаланиладиган иллюстратив материалларни танлаб олишга ҳам жиддий эътибор қаратиши лозим. Рассом Абдуқаҳҳор Маҳаммовнинг “Шамчироқ тугган мушук”, “Зийд ботир” номли ўзбек халқ эртақларига ишлаган иллюстрациялари бу борада ўзига хос намуна вазифасини ўташи мумкин. Чунки улар бир қарашда реалистик услубда яратилган бўлсада, тоғлар, тошлар, дароҳтлар, булуғлар айнан миниатюра


санъати элементларининг талқини сифатида ўзига хос билдир
маҳорат билан тасвирланган.



А. Маҳкамов. “Шамчироқ тутган мушук” ҳамда “Зийд ботир”
номли ўзбек халқ эртакларига ишланган иллюстрациялар

Ўқитувчи учун яна бир муҳим тасвия: болаларнинг барчаси
учун бир хил топшириқ бериш мақсадга мувофиқ эмас. Бу омил
хам композиция учун манба, ҳам тасвирий восита танлашга
тааллуқли бўлиши мумкин. Яъни кимдир акварель бўёқларида
ишлашни ёқтирса, кимдир оқ-қора шаклида график усулда
ишлашни хуш кўради.

Тасвирий санъат, хусусан китоб иллюстрацияси тарихдан
маълумки, таниқли rassom Тельман Мухамедовнинг “Ўзбек халқ
эртаклари” туркумидаги, Фафур Ғуломнинг “Шум бола”
қиссасига, “Афанди латифалари”га ишланган рангли ҳамда
график ишлари ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотиши ҳамда
уларнинг ижодий фаоллигини таъминлаши мумкин.



Т. Мухамедов. Ғ. Ғуломнинг “Шум бола” қиссаси ҳамда ўзбек халқ
эртакларига ишланган иллюстрациялар

Дарсинг ташкилий-методик хусусиятлари тизимида
ўқитувчининг бутун дарс жараёнида ўқувчиларнинг ижодий
кўтаринки кайфиятини сақлаб туриш дарсни самарали
кечишининг муҳим шартидир. Бу омиллар сирасига дарс
жараёнида ўқувчилар билан ўқизиладиган йўналтирувчи ва
фаоллаштирувчи савол-жавоблар, рағбатлантириш, ўз вақтида
кўрсатилган коррекцион ишлар кирради.

Яна бир муҳим методик жиҳат: ўқувчилар дарсада ўз
композицияларини яқунлашни ягона мақсад сифатида қабул
қилмасликлари лозим. Акс ҳолда ишни дарс охиригача
яқунлашга интилиш натижасида ўқувчиларнинг композицион
мушоҳадалари ўзининг тўлақонли тасвирий талқинини
топмаслиги мумкин. Шунинг учун ўқувчилар ўқитувчи
назоратида композиция вариантлари устида ишлашга, ўқитувчи
ҳамда синфдошлари билан асар сюжети ва унга монанд
иллюстрация яратишга устувор тарзда қарашлари лозим. Муҳими
берилган топшириқни моҳиятини тўлақонли англашдан иборат.
Шундагина композицияни уй вазифаси сифатида яқунлаш тўғри
йўналишга эга бўлади. Шу маънода ўқитувчининг ўқувчиларни

синфда бажарган ишларига мос тарза уйга берилган топшириқнинг тафсилотларини батафсил тушунтириши мумкин.

Ўзбек халқ эртақларига миниатюра услубида иллюстрация ишлар экан, ўқувчилар эртақлар мазмунида илгари сурилган эсу мақсадларларни яна бир бор ёдга оладилар, иллюстрация эсу мобайнида уларнинг ҳам тасвирий саводхонлик даражалари ортади, ҳам Шарқ халқларининг ноёб тасвирий санъати миниатюра санъатининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида элементар тасвурга эга бўладилар.

Хулоса ўрнида эътироф этиш жоизки, миниатюра санъати ў хусусиятига кўра мураккаб санъат тури ҳисобланади. Шунинг учун, таъкидлаб ўтганимиздек, ўқувчилардан айнан миниатюра услубида иллюстрация ишлашни талаб қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Мухими, ўқувчилар мазкур санъат турини тарихий миллий тасвирий санъат сифатида бадий-эстетик идрок этишлари, унинг шахс маънавий камолоти, эстетик маданиятини тарбиялаш омилли эканлигини англаатишда.

4.3. Тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларга миниатюра услубида иллюстрация ишлашни ўргатиш методикаси

Мактаб тасвирий санъат дарслари дастурида энг кўп эътибор қаратилган фаолият тури, шубҳасиз, иллюстратив расм ишлаш дарсларидир. Унинг бадий мушоҳада, композицион тафаккур, амалий тасвирий-ижодий компетенция талаб этиши тасвирий санъат таълимининг юқори сифат кўрсаткичи ҳисобланади.

Шарқ маданияти ва санъати деганда, шубҳасиз, ноёб миниатюра, жозибали хуснихат намуналари, зарҳал нашқу нитгорлар билан зийнатланган юксак бадий-эстетик савиядаги кўлэма китобларини ҳам назарда тутамиз. Шунинг учун ҳам миниатюра санъати мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида ўқув материал сифатида ўқитилиб келинади, шунингдек, соҳа бўйича профессионал кадрлар тайёрлаш тизими фаолият кўрсатмоқда.

Умумий ўрта таълимнинг “Тасвирий санъат” ўқув фани мазмунидан ўрин олган миниатюра услубида иллюстрация ишлаш (6-синф), китобат санъати ва унинг бадий-график элементлари (7-синф)га оид ўқув материаллари ўқувчиларни миниатюра санъати билан таништиришни назарда тутлади. Бу жараёнда ўқитувчи бадий таълимда фойдаланиладиган турли методларни қўллаши мумкин бўлади. Бу методларни шартли равишда уч турга бўлиш мумкин:

- биринчиси, миниатюра намуналари (унинг парчаси, элементидан нусха кўчириш);

- миниатюра намуналаридан ижобий тарзда фойдаланган ҳолда муайян ўзгартириш қиритиб мустақил композиция яратиш; - эртақлар ёки ўқувчининг қизиқишига кўра бошқа адабий манба сюжетлари асосида миниатюра услубида иллюстрация ишлаш.

Миниатюра санъати асарлари намуналаридан нусха кўчириш дарсларида ижодийлик яққол кузатилмаслиги мумкин. Бироқ миниатюра санъати бўйича мутахассис тайёрлашга ихтисослашган таълим тизимида айнан шу метод узок йиллардан буюн самарали қўлланиб келинади ҳамда айнан шу метод соҳа хусусиятларини ўзлаштиришнинг самарали усулларидан бири саналади. Қолаверса, профессионал тасвирий санъат таълимиде ҳам бу методдан фойдаланиш узок тарихга эга. Шунинг учун бу айрим ўқитувчиларнинг эътирозига қарамай ўқувчиларга миниатюра санъатининг ўзига хосликларини ўргатишнинг ишончли методларидан бири бўлиб қолмоқда.

Яна шу омилларни эътироф этиш жоизки, мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар туфайли таълимнинг барча соҳалари учун Давлат таълим стандартлари, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасалари учун Давлат талабларини жорий этилиши, узлуксиз таълимнинг маҳаллий шароит нуктаи назаридан муайян ўзига хосликларини сақлаган ҳолда қатъий меъёрлар асосида ўқитилишини таъминлаш имкониятлари ортиб бормоқда. “Тасвирий санъат” ўқув фанининг компетенциявий ёндашув асосида қайта ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта таълим ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг Давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган Давлат таълим стандартининг А2 даражасида мактаб ўқувчилари миниатюра санъати ҳақида тушунчага эга бўлишлари лозимлиги белгилаб қўйилган, яъни Шарқ миниатюра санъати ўқув материаллари сифатида тасвирий санъат таълими мазмунидан ўрин олган. Шу боисдан ҳам умумий ўрта таълим мактабларидан миниатюра санъатини ўқитишнинг самарали воситаларини илмий-методик жиҳатдан асослаш ҳамда таълим амалиётини жорий этиш бадий таълимнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Зеро, миниатюра санъати фақат бадий-эстетик, маънавий кадрият сифатида эъзоланиб келинмайди. Юқориди таъкидлаб ўтганимиздек, бадий безатилган Шарқ кўләзма китоблари, китобат санъати ўзининг ҳам илмий-тарихий, ҳам бадий-эстетик, ҳам маънавий-маърифий қиймати билан умумжаҳон маданияти ҳазинасидан ноёб санъат асарлари сифатида муносиб ўрин эгаллаган. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимида эътиборни Шарқ маданияти, санъати ва тарихини ўрганишга қаратилиши тасвирий санъат таълими мазмунига миниатюра санъатига оид материалларни киритилиши мазкур санъат тури хусусиятига мос ўқитиш методларини такомиллаштиришни талаб қилади. Миниатюра услубида иллюстрация ишлаш дасрлари шундай машғулотлар сирасига киради. Бироқ айнан миниатюра санъатини ўқитишга оид методик материаллар танқислиги кузатилади. Шунинг учун тасвирий санъат ўқитувчилар қўшимча манбалар, хусусан, бошқа фанлар (масалан, тарих, адабиётшунослик, санъатшунослик ва б.) соҳаларига оид, шунингдек, оммавий ахборот воситалари, электрон ресурс материалларидан фойдаланиш имкониятларини излашлари лозим бўлади.

Миниатюра санъати асарларини яратиш технологиялари қўлланиладиган метод ва техникага кўра тасвирий фаолиятнинг бошқа турларидан маълум даражада фарқ қилади. Шунинг учун ўқувчиларнинг миниатюра усулида расм(иллюстрация)

шундан иборат тасвирий фаолиятини ташкил этишда ўқувчиларда айрим камчиликлар кузатилади. Жумладан:

- композиция мазмунига мос ранглارни тўғри танлай олмаслик. Чунки миниатюра санъати композициясининг рангшунослик ечимида рамзийлик, шартлилик устувор тарзда қўлланилганлиги боис;
- лозим бўлган вазиятларда композиция мазмунига мос келадиган қўшимча ранглар ҳосил қила олмаслик. Айрим ҳолларда бу йўналишдаги назарий билимларнинг камлиги боис керакли, айниқса, ёрқин (зарғалдоқ, оч яшил ва х.з.) ранглар ҳосил қилишда камчиликлар кузатилади;
- композиция учун оптимал ечим топа билмаслик. Бунда ўқувчиларнинг мазмун ва шакл мутаносиблиги, тасвир юзасини тўғри танлаш ва ташкил этишга оид компетенцияси назарда тутилади;

- мутаносиблик меъёрларини сақлай билмаслик;
- объект, натура, буюмни тасвирлашда тасвирий санъат қонуниятлари (перспектива, ёруғ-соя, буюмларнинг конструктив тузилиши ва нисбатлари, фактура ва ранг имкониятларидан оптимал тарзда фойдаланиш ва б.)дан тўғри фойдаланмаслик ҳолатлари кузатилади.

Миниатюра санъатида юзаки қараганда камчиликдек кўринадиган бу шартлиликлар миниатюра услуби ҳақида етарли маълумот берилмаган тақдирда ўқувчиларнинг тасвирий фаолиятини самарали кечишни таъминлаш учун жиддий тўсиқ бўлиши мумкин. Зеро, миниатюра санъатида тасвирий санъат қонуниятларидан шартлилик принциплари асосида фойдаланилади.

Тасвирий саводхонликнинг юқорида санаб ўтилган элементлари миниатюра санъатига алоқаси йўқдек кўриниши мумкин. Бироқ Шарқ миниатюра санъати усталари бу параметрлардан шу даражада мохирлик билан фойдаланганларки, улар, айниқса, композицион мукамалликда алоҳида кўринади. Бу борада Камолитдин Бехзод ижодига мансуб асарларнинг таҳлили яхши самара беради. Жумладан, унинг “Баҳром Гўрнинг аждар билан олишуви”, “Дайли билан Мажнун мактабда” (хар

ишсала асар Британия музейида сақланади, унинг сифатли репродукциялари Ўзбекистонда нашр қилинган китобларда мавжуд) каби асарларини ўрганиш ва таҳлил қилиш учун тавсия этиш мумкин.

Мақтаб тасвирий санъат таълимининг ўқувчиларининг миниатюра услубида иллюстрация ишлаш билан боғлиқ фаолиятларида юқоридаги камчиликлар уларнинг тасвирий-иҷодий фаолликларига сезиларли даражада салбий таъсир ўтказади. Шунинг учун ўқувчиларда кузатиладиган бу камчиликларни бартараф этишда ўқитувчининг педагогик фаолиятида таққослаш воситасида шартлилик элементларини кўрсатиб бериш методи кўллаши тавсия этилади. Зеро, айнан қийсий таҳлил асосида ўқувчилар миниатюрага хос шартлилик элементларини англашлари ва амалий фаолиятта татбиқ этиш компетенцияларини ўзлаштиришлари мумкин бўлади. Шунингдек, ўқитувчининг педагогик расми ўқувчиларга йул қўйилиши мумкин бўлган хатоларни олдини олишнинг ишончли методларидан биридир.

Тасвирий санъат таълимида 6-синфдаги “Ўзбек халқ эртаклари сюжетлари асосида миниатюра усулида иллюстрация ишлаш” мавзуси мавжуд бўлиб, ўқувчиларнинг Шарқ миниатюра санъати борасида эгаллаган назарий билим ҳамда амалий тасвирий-иҷодий фаолият компетенциялари даражаси айнан шу мавзу материалларини ўзлаштириш жараёнида намоён бўлади.

Эртакларга миниатюра услубида иллюстрация ишлаш дарсларининг таркибий компонентларининг дастлабки ва энг муҳим элементларидан бири эртақ мазмуни асосида композиция учун сюжет танлашдан иборат. Чунки бу мураккаб таълимий ва тарбиявий вазият бўлиб, табиийки, барча ўқувчи учун ўз қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда айрим ўқувчиларга ўзлари учун қизиқарлироқ бўлган эртақ ёки бошқа адабий манба танлаш имкониятини тақдим этиш мақсадга мувофиқ.

Ўқувчиларнинг эртакларга иллюстрация ишлаш жараёнида қизиқарлироқ қилиш учун турли визуал воситалардан фойдаланиш лозим. Жумладан, профессионал рассомлар томонидан эртакларга ишланган иллюстрацияларнинг

электрон вариантларини экранда катталаштириб кўрсатилиши натижасида ўқувчилар кўз олдида рассом чизган расмни реал номоён бўлиши синфда фақат эмоционал кайфият ҳосил қилибгина қолмай, балки уларда ҳам шу эртаққа nisбатан расм чизиш иштиёқини оширади. Иллюстрацияларни намоёиш этишда ўқитувчини рассомнинг композицияни яратиш методи ни тушунтириб бериши ҳам муҳим аҳамият касб этади, яъни таҳлил этилаётган композицияда рассом қаҳрамонларни тасвирлашда нима учун у ёки бу ранглардан фойдаланганлигига изох берилади. Таҳлил қилиш учун намуна сифатида китоб безовчи таниқли график рассом Тельман Муҳаммедовнинг “Ўзбек халқ эртаклари ҳамда Гафур Гуломнинг “Шум бола” ҳажвий қиссасига ишлаган иллюстрацияларидан фойдаланиш яхши самара беради. Чунки Тельман Муҳаммедовнинг расмлари миниатюра усулида яратилган бўлиб, уларда болаларча беғуборлик, образли юмор ва ирония намуналари чизгилар ва ранглар воситасида ўта юксак маҳорат билан тасвирланганлиги учун ўқувчилар томонидан уларни бадиий идрок этиш ҳам қизиқарли, ҳам тушунарлилиги билан аҳамиятлидир.

Дарснинг мазкур қисмида савол-жавоб методи ни қўллаган ҳолда, биринчидан, ўқувчиларнинг фикр-мулоҳазаларига ойдинлик киртилади, иккинчидан, уларга аниқ йўналиш берилади ҳамда уларнинг фаолиги таъминланади.

Эртакларга миниатюра услубида иллюстрация ишлаш дарсларининг амалий қисмига киришиш олдида ўқувчиларнинг қизиқарли сюжет ва композиция танлаганликлари, ишлаш тартиблари, босқичларини аниқ тасаввур қилиб олганликларига алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Шунингдек, жараёнини ўқитувчи томонидан зийраклик билан кузатиб борилиши ҳамда ксеракли пайтда лозим бўлган тавсия, амалий ёрдамни кўрсатиб бориши муҳим дидактик аҳамият касб этади. Айниқса, рангларнинг шартлилик принципига монанд тарзда композиция мазмунини очиб беришда фойдаланиш юзасидан бериладиган тавсиялар ўқувчилар фаолиятини тўғри ташкил этиш, йўналтиришга асос бўлади.

Табийки, бир соатлик вақт давомида ўқувчилар эртик сюжети асосида миниатюра услубида иллюстрация ишлашни ўзлари истаган даражада яқунлай олмайдилар. Шунинг учун ўқитувчи ўқувчиларнинг ишларини кузатиб борар экан, ҳар бир ўқувчи учун ишини мантиқий яқунига етказиши учун нималарга эътибор қаратиши лозимлиги ҳақида тавсияларни тушунтириб беради.

Дарснинг яқунида болалар томонида эришилган ютуқлар эътироф этилиб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш тартиблари тушунтирилади. Дарснинг мантиқий яқуни ўтилган дарснинг мазмунига мос уйга вазифа бериш бўлиб, ўқитувчи бу борада ҳам методик маслаҳатларини беради. Иқтидорли ўқувчиларга мураккаброқ толширик бериб, дифференциал ёндашувни татбиқ қилиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса тариқасида эътироф этиш жоизки, эртақларга иллюстрация ишлаш дарслари ҳам таълимий, ҳам тарбиявий аҳамият касб этиши билан эътиборга молик. Шунинг учун нафақат тасвирий санъат дарсларида, балки дардан ташқари вақтларда ҳам ўқувчиларни бадий асарларга мурожаат этишлари, уларнинг сожетларини таҳлил қилиш, улар асосида тасвирий композиция ишлашга ўргатиб бориш ўқувчиларда кенг бадий-эстетик машоҳада компетенцияларини шакллантиришнинг ишончли воситаларидан биридир.

4.4. Ўқувчиларнинг бадий-эстетик компетенцияларини шакллантиришда миниатюра санъатига оид материаллардан фойдаланиш

Бугунги кунда амалга оширилаётган таълим-тарбия ишларининг мазмуни ва моҳияти ўша асрда юртимиз эришчақак куч-қудрат, фаровонлик ва маданийлик, маърифийлик ва маънавийлик даражасини белгиловчи асосий омиллардан биридир. Ёш замондошмизнинг маънавий камолоти хусусида қайғуриш республикамиз педагогика фанининг бугунги кундаги долзарб муаммоларидан биридир. Зеро, мамлакатимизнинг тараққиётида биринчи навбатда, жамият аъзоларининг ақл-

заковати, маънавияти хал қилувчи аҳамият касб этади. Шундай экан, бугунги кунга қадар ўқувчиларнинг ақл-заковатини чарқлаш, маънавиятини бойитишда етарли даражада қўлланилмай келинган манбаларга алоҳида эътибор билан қараш маълум бўшлиқларни тўлдириш имконини беради. Шу маънода миниатюра санъати нафақат Шарқ маданиятининг меъморлик, адабиёт, фалсафа, китобат санъати каби жаҳон маданияти ва санъати тарихидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллаган ноёб санъат туригина эмас, балки олий мақомдаги романтика ва шарқона реаллик рамзи, тарбиявий имкониятлари замонавий шароитда тўлиқ фойдаланилмаётган санъат тури сифатида ҳам асрлар оша жаҳон аҳлини ром этиб келмоқда. Ўзининг илмий-ижодий изланишларини Шарқ миниатюра санъатини тадқиқ этишга йўналтирган олимларни исми-шарифини санаб ўтишинг ўзи бу фикрнинг нақадар ўринли эканлигини исботлайди. Булар орасида Америка, Европа олимлари, Шарқ мамлакатларининг тадқиқотчилари ва Ўзбекистон олимларининг илмий мерослари ўзига хос методологик асос сифатида мазкур муаммонинг педагогик талқинини ҳозирга қадар тадқиқ этилмаган соҳа сифатида ўрганиш имконини беради.

Шарқ миниатюра санъати шахс маънавиятини шакллантирувчи манба тариқасида жаҳоншумул аҳамият касб этганлигини унинг намуналари сақланаётган музей, кутубхона ва шахсий коллекцияларнинг номларини келтириш билан ҳам изоҳлаш мумкин. Фақат Камолитдин Бехзод мўйқаламига мансуб асарларнинг ўзи Франциянинг машхур Лувр музейида, Британия музейида, АҚШнинг Бостон ва Метрополитен музейларида, Қоҳиранинг “Ислом санъати” музейида, Салтиков-Шчедрин номидаги Россия Миллий кутубхонасида, Эрондаги “Ҳазрати Ризо” китобхонасида, Истамбул ва Болтимор университетларининг кутубхоналарида, шунингдек, таниқли шарқшунос, санъатшунос, тарихчи ва давлат арбоблари (Роберт Гаррет, Геворкян (АҚШ), Ф. Мартин (Швеция), Э.Кухнел, Мухаммад Наимхон (Афғонистон), Частер Битти (Англия)нинг шахсий жамғармаларида сақланади. Бу далилларнинг барчаси мазкур муаммо педагогик йўналишдаги тадқиқот сифатида долзарб

муаммо ва у ўқувчиларнинг миниатюра санъатига ижобий муносабатини шакллантириш, шахсни ривожлантириш, унинг маънавий дунёсини кенгайтиришда муҳим маданий-тарихий манба эканлигидан далолат беради.

Миниатюра санъатининг тарбиявий имкониятларини аниқлаш ва ундан ўқувчиларнинг бадий-эстетик, маънавий камолотларида фойдаланиш кўп қиррали, мураккаб жараёндир. Бу жараёнда миниатюра санъати воситасида ўқувчилар онглик Шарқ халқларининг тарихи, фалсафий дунёси, рухий кечинмалари, турмуш тарзини, умуман аждоқларимизнинг маънавиятини сингдириш орқали санъатдаги профессионализмни, борлиқни моҳирона тасвирлаш усулларини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан тушунтириш имкониятлари очилади.

Кези келганда муаммонинг яқин ўтмишдаги аҳолини тахлил этиб ўтиш ўринлидир. Яқин йилларгача умумтаълим мактабларида олиб борилаётган тасвирий санъат таълимининг асосини европача реалистик тасвирий санъат қонун-қоидаларини, тарихини ўрганиш ташкил этар эди. Миниатюра санъати маданий мерос, маънавий-эстетик камолотга етказувчи манба сифатида ўрганишга лозим топилмади. Табиийки, тасвирий санъатдаги мукамаллик андазаси сифатида Европа тасвирий санъати ҳисоблаб келинди. Шу боис ўқувчилардан ўзлари билган рассомларни санаб ўтиш сўралганда, асосан европалик рассомларнинг номлари зикр этилар эди. Шарқона тасвирий санъатни, миниатюра санъатини ўқувчилар, катта ёшдаги кишилар, ҳаттоки айрим маданият ва маърифат аҳли ҳам санъатдаги “нопрофессионал ҳолат” деб эътироф этган ҳоллар кузатилган. Мана шу жойда бир нозик вазият юзага келади. Ҳар бир санъат йўналиши ҳам ўзига хос мукамаллик намунаси дур. Уларни ўқувчилар томонидан ўқиб ўрганилишини ташкил этишда бирини иккинчиси томонидан камситилишига асло йул қўйилмаслиги лозим. Аксинча, уларни улуғловчи, бир-бирини тўлдирувчи, бойитувчи томонларидан оқилона фойдаланиш энг ишончли йўлдир. Тарихий манбалар, санъатшуносликка оид тадқиқотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, жаҳон санъатининг йўналишлари, хусусан Ғарб ва Шарқ маданияти ва санъатининг

синтезлашуви жуда қадимий жараёндир. Унинг тарихий йўналишлари антик даврга, Уйғониш даврига бориб тақалади. Жаҳон маданиятининг йирик вақиллари (Леонардо да Винчи, Рембрандт, Камолитдин Бехзод, Матисс ва бошқалар) уларнинг ютуқларидан унумли фойдаланган ҳолда ижодий камолот чўққисини забт этганлар. Мазкур маълумотларни бадий-эстетик тарбия жараёнида кўшимча ўқув материали сифатида қўлланиши ҳар икки йўналишдаги санъатни бир-бирини бойитганлигига яққол мисол бўлади ва улардан фойдаланиш, шубҳасиз, ўқувчиларнинг маънавий дунёсини бойитади. Зеро, бир миллатнинг санъати доирасида том маънодаги маънавий камолотни тасаввур этиш қийиндир. Шу ўринда Шарқни Ғарбга, Ғарбни Шарққа ижобий таъсири ибратлидир. Бу таъсир адабиёт ва санъатда яққол кўринади. Ҳожа Хофизнинг

Агар кўнглимни шод этса ўшал Шероз жонони,
Қаро ҳолига бахш этгум Самарқанду Бухорони
Мисралари Й.В.Гётенинг “Ғарбу Шарқ девони” асарининг юзага келишида илҳом манбаи бўлган. Шарқ миниатюра санъатидан Рембрандт каби буюк рассом ҳам илҳомланган. Унинг энг эъзозли буюмларидан бири Шарқ миниатюра санъати асарларидан иборат муракка бўлган. Рассом ўз ижодида ўша муракка-албомдаги миниатюраларга, уларнинг сюжетига қайта-қайта мурожаат этган.

Камолитдин Бехзод вафотидан сўнг 333 йил ўтгач дунёга келган машҳур Анри Матисс рассом сифатида тўлақонли шакллангандан сўнг ҳам Бехзод асарларидаги рангларнинг тиниклигидан хайратта тушган. 1910 йилда Мюнхенда ўтказилган “Муулмон санъати” кўргазмасида намойиш этилган, аслида 1507 йилда Камолитдин Бехзод томонидан яратилган “Шайбонийхон портрети” асарини кўрган Ренуар “Кўзларимга ишонмайман!”, - дея хитоб этган. Бу Шарқни Европага таъсири хусусида.

Ўз навбатида, Европа санъатини, хусусан тасвирий санъатини ҳам Шарқ тасвирий санъатига таъсир ўтказганлигини кўриш мумкин. Бу таъсирнинг мувозанатини, уйғунлашув жараёнини кузатиш ва ундан тўғри хулоса чиқаришга қодирлик

шубҳасиз маънавий етуқлик аломатидир. Шу ўринда Ғарб ва Шарқ тасвирий санъатининг ўзига хос синтезини ўз ижодий ижобий сингдирган Ўзбекистон халқ рассоми, профессор Чингиз Аҳмаровнинг хотираларидан фойдаланиш санъат сирларини эгаллаётган ўқувчиларнинг маънавий дунёсининг “озуқа”си бўлади. Рассомнинг хотираларида қайд этилишича, унинг кўч ўнгидан Камолиддин Бехзод, Султон Мухаммад, Микеланжелло, Леонардо да Винчи, Анри Матиссларнинг асарлари кетмаган, руҳида мусиқа садоларидай доимо янграб турган. Рассом ўзи ижоди давомида Нидерландия ва Италия, Франция ва Россиянинг буюк рассомларининг бадий меросидан илҳомланиб келган. У Андрей Рублев, Илья Репин, Рембрандт, Рубенс, Клод Моне, Гоген, Ван Гог асарларини узоқ йиллар кўра олмаса чўлда узоқ юриб чанқаган одамдай бетоқатлана бошлаган. Шунингдек, ўзининг озуқа манбаи сифатида Гур Амир макбарасини, Регистон ансамблини тилга олар экан, уларни руҳини суғориб турадиган маънавий булоқлар деб атайди. Ч.Аҳмаровнинг буюқлиги, маънавий дунёсининг бойлиги ҳам айнан ўша икки йўналишдаги санъатни энг ибратли хислатларини ижобий ўзлаштирган ҳолда ўзига хос миллий тасвирий санъат мактабини ярата олганлигидадир. Бу мактаб, шубҳасиз, Шарқ миниатюра санъатининг замонавий талқини сифатида намоён бўлди ва Ўзбекистон тасвирий санъати тарихида ёрқин саҳифа бўлиб қолди. Энг асосийси, миллатга, миллий санъат равнақиға қайгуриш, унга эътиқодда бўлиш рассом маънавиятининг асосини ташкил этди. Бундан чиқадиган хулоса шуки, эътиқод ва маънавият дунёқароши шаклланаётган ёш авлоднинг ички дунёсини, тафаккурининг энг асосий маҳсули бўлиши лозим. Айнан шунинг учун Камолиддин Бехзодни ҳам, Чингиз Аҳмаровни ҳам жаҳон тасвирий санъати тарихи буюк мусаввирлар сифатида тан олди. Миниатюра санъатига оид шу каби биографик-фактологик материаллар бевосита ўқувчиларни миниатюра санъатига бўлган қизиқишларини шакллантириш ва ривожлантиришда ўзига хос “йўналтирувчи куч”, омил сифатида эътиборлидир.

Бевосита миниатюра санъати асарларини ўрганиш ҳам ўқувчиларнинг маънавий камолотида муҳим ўрин тутади. Миниатюра санъатини ўрганиш бир-бирини мангикий тўлдирувчи, давом эттирувчи икки йўналиш – тарихий-назарий бадий-аналитик таҳлилга асосланган ва амалий бадий-тасвирий ижодиёт характеридаги йўналишларда олиб борилаётган йиллардан буён республикамиз мактабларида олиб борилаётган тажриба-синов ишлари, илмий-назарий манбаларни таҳлили миниатюра санъати асарларини педагогик классификациясини ишлаб чиқиш имконини берди. Бу классификация, ўз навбатида, миниатюра санъатини ўқувчиларнинг ёши, тарихий-назарий билим кўлами, тасвирий-ижодий малака ва кўникмалари даражасига монанд тарзда таълим жараёнига татбиқ этиш имкониятини беради. Миниатюра санъати ўзининг бадий идрок этиш жиҳатидан мураккаблиги, идрок этувчидан махсус тайёргарликни талаб этиши жиҳатидан ҳам педагогик классификацияга муҳтож эди. Зеро, ўқувчининг ёшига номуносиб асарни тавсия этиш уни маънавий камолотга етакламайди, аксинча, унинг руҳиятини, бадий тафаккурини шикастлаши мумкин. Бу ҳам ўқувчиларнинг маънавий дунёсида маълум бўшлиқларни келтириб чиқаради. Демак, мактаб тасвирий санъат таълимида қўлланиладиган миниатюраларнинг мазмунига кўра қуйидагича классификациялаш мумкин:

1. Афсонавий-мифологик манбаларга ишланган миниатюралар.
2. Миниатюра санъати асарларида аниқ тарихий воқеа адабий асарлар мазмунини акс эпирилиши.
3. Миниатюра санъати асарларида буюк тарихий сиймолар тасвири.
4. Шарқ халқларининг турмуш тарзини акс эттирувчи миниатюралар.
5. Таълим-тарбия мавзусига оид миниатюралар.
6. Фалсафий суҳбатлар сахнаси.
7. Шарқона одоб-ахлоқ мавзусидаги миниатюралар.
8. Ошиқ-маъшуклар хижрони ва висоли мавзуси.

9. Жанг ва ов манзараси, унда мардликни тартибга келтирилиши.

10. Жисмоний камолот, элчиллик ва чаконликни тасвирловчи миниатюралар.

11. Табиат ва ҳайвонат олами тасвири.

12. Аудиенция (Юқори мартабали шахслар билан расмий учрашувлар, қабуллар) мавзусидаги миниатюралар.

Келтириб ўтилган туркумлаш бўйича миниатюра санъатини ўқувчилар ёшларидан келиб чиққан ҳолда ўрганиш ҳам ўзига хос педагогик ёндашувни талаб этади. Зеро, бир тоифадаги ўқувчиларга мос келмаган асарлар (мисол учун, уларни идрок этиш учун ўқувчилар ҳали тайёр эмас) иккинчи тоифа учун мос бўлиши мумкин. Демак, 1, 3, 11, 12-бандларга мансуб деб белгиланган асарлардан мактабгача тарбия муассасаларида иллюстратив материал сифатида, 6, 7-бандлардан ташқари барча бандлардаги миниатюралардан бошланғич ва ўрта таълим бўғинларида фойдаланиш мумкин. Фақатгина юқори синфларда, асосан тўғарак машгулотларида барча банддаги миниатюра асарларидан бадий таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш тавсия этилади. Чунки бу ёшга келиб ўқувчилар миниатюра санъатининг энг дастлабки илдизлари афсонавий-мифологик достонларнинг сюжетларига ишланган деворий суратлар (Афросиёб, Варахша) эканлигини теран англайдилар; тасвирга қараб буюк сиймолар (Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Хусайн Бойқаро, Камолиддин Бехзод, Муҳаммад Шайбонийхон ва б.)ни таний оладилар; фалсафий мазмун касб этувчи асарлардаги персонажларнинг рухий оламини “ўқий” оладилар; ишқий саҳна асарлари – ошиқ-маъшуклар васли ва ҳижрони (Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширин)нинг тасвирий образдаги талқинини тўғри идрок эта оладилар. Йиллар давомида уларни тўғри идрок этишга ўргатиб бориш маънавий камолотга етакловчи ишончли йўл эканлиги амалий кузатувларда ҳам узининг исботини топди.

Миниатюра санъатини ўқувчиларнинг бадий-эстетик камолоти манбаи, уларнинг маънавий дунёсини бойитувчи омил тарзида нечоғлик самарали эканлиги республикамиз

мактабларида олиб борилаётган тажриба-синов ишлари натижаларида ўз аксини топмоқда. Фикримизнинг исботи учун уларнинг айримларига мурожаат этамиз.

Жами 105 мустақил, айна пайтда бир-бирини мангикий тўлдириб боровчи саволлардан иборат ва уч асосий блокни ташкил этувчи анкета сўровномаларини Республикамининг Фарғона, Қашқадарё вилоятлари, Тошкент шаҳри мактабларининг ўқувчилари ҳукмига ҳавола этдик. Мақсад ўқувчиларнинг умумий бадий билимлари (1-блок), тасвирий (2-блок) ва миниатюра санъатига оид (3-блок) билимларининг даражасини аниқлаш эди. Бу мактабларнинг 5–6-синф ўқувчилари ва синов тарикасида бизнинг тавсияларимизга асосланган таълим мазмуни ва методикасига эга бўлган синф ўқувчиларининг, улар орасида 7-синф ўқувчилари ҳам бор эди, анкета саволларига берган жавоблари таҳлил этилганда ҳар уччала блок кўрсаткичлари бўйича энг юқори натижа айнан 7-синф ўқувчиларига тегишли эканлиги аён бўлди. Бунинг энг асосий сабаблари миниатюра санъатини ўқувчиларнинг ёши ва кизиқишига мос тарзда танлаб олиш ва ўргатиш, бу тарбиявий жараёни уларнинг бадий-эстетик ва маънавий камолотларининг асосий манбаларидан бири эканлигини ўқувчилар томонидан онгли хис этишларига эришиш бўлди. Яна бир диққатга сазовор педагогик самара шундан иборат бўлдики, миниатюра санъати ўқувчиларнинг маънавий дунёсини бойитиш билан бир вақтда уларнинг тарих, адабиёт, санъатшунослик ва ҳатто бир қатор аниқ фанлардан ўзлаштириш даражаларини сезиларли даражада ошганлигини кўрсатди. Натижада санъат, хусусан миниатюра санъати маънавият феномени сифатида ўқувчилар томонидан тан олина бошланди; ўқувчиларнинг ички туйғуларининг юзаки таъсир этувчи омиллар таъсирида “қўзғалмовчи” маънавият куртаклари айнан Шарк ва Ғарб маънавияти синтезининг ўқувчиларнинг индивидуал онгига таъсир этиш орқали “ҳаракатлантириш” мумкинлиги ўз исботини топди. Зеро, маънавият шахссиз мавжуд эмас, айна пайтда у умумбашарий характер касб этади; санъатдаги, хусусан Ғарб-Шарк санъатидаги синтезлашув (санъатдаги оқимларнинг

Тасвирий санъатдан ўқувчиларнинг саводхонлик даражаларини ривожлантиришда соҳанинг қонуниятлари ҳақидаги билимлар муҳим рол ўйнайди. Шу маънода тасвирий санъатни чизмачилик билан интегратив тазда ўқитиш бадий таълим сифати ва самарадорлигини оширишда шакл, конструкция, нисбат, перспектива каби қонуниятларни ўзлаштиришда қўшимча дидактик имкониятларни тақдим этади. Ҳар қандай ўқув фанидан таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим педагогик шартлари мавжуд. Шундай шартлар сирасида, шубҳасиз, таълимнинг дидактик принциплари эътироф этилади. Таълимий жараённинг контекстидан, муайян босқичдаги таълимий жараённинг мақсадлардан, шунингдек, ўқув фанларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда у ёки бу дидактик прициплар қўлланади.

Тасвирий санъат таълими тарихи ва назарияси, таълим амалиётининг таҳлилидан аёнки, таълимнинг бу соҳасида кўرғазмалilik, фанлараро алоқадорлик, узвийлик ва узлуксизлик принциплари устувор тарзда қўлланилади. Чунки ўқувчиларда тасвирий саводхонликни шакллантиришда, демакки, бадий таълим сифати ва самарадорлигини оширишда бу принциплар алоҳида аҳамият касб этади.

Маълумки, тасвирий санъат асарларини яратиш қонунияти икки ўлчовли тасвир сатҳида амалга оширилади. Бирок ўқувчиларда тасвирий саводхонликни шакллантиришда учинчи ўлчов тартиблари, қонуниятларидан фойдаланишга ўргатиш талаб этилади. Шу маънода, биринчи навбатда, перспектива қонуниятларини билиш, уни тасвирий фаолиятга онгли татбиқ эта олиш ўқувчиларнинг тасвирий саводхонлигини ошириш замирида бадий таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим шартларидан биридир. Зеро, мактаб таълимий санъат таълимида бериладиган ўқув материалларини ўзлаштириш учун жараёнга мос дидактик имкониятларни тақдим этиш асосида назарий билим ҳамда амалий кўникмаларни босқичма-босқич ўзлаштириб бориш тақозо этилади. Перспектива қонуниятлари шундай ёндашувни талаб этувчи тизим ҳисобланади.

Ўқувчиларни ўз тасвирий фаолиятида перспектива қонуниятларидан тўғри фойдаланишга ўргатиш ўзаро узвийликдаги тўрт йўналишда амалга оширилади.

Биринчи йўналиш – тасвирий санъат таълимининг барча турларида тасвир объектларини шакл ва макон қонуниятлари асосида “қуриш” (жойлаштириш, тасвирлаш, тасвир ҳосил қилишнинг босқичларига амал қилиш), тасвирий санъат асарларини шу қонуният асосида “ўқий олиш” (бадий-эстетик идрок нуктаи назаридан тўғри қабул қилиш, таҳлил ва талқин этиш)га оид компетенциялар шакллантирилади.

Маълумки, ҳар қандай объект (буюм ва х.к.) маконда жойлашади. Тасвирий фаолиятда уларни муайян қонуниятлар асосида тасвирлаш орқали объектларни макондаги жойининг реал ҳолатини тўғри белгилаш мумкин бўлади. Бунда перспектива қонуниятларини билиш асосий шартлардан бири саналади. Чунки объект (буюм)ларнинг планлилик ҳолати, яъни уларни макондаги ўрни – бири олдинроқда, иккинчиси орқароқда ва х.к. ҳолатлар фақат перспектива қонуниятига амал қилинган ҳолатда тўғри тасвирланиши мумкин. Бу талаб “Тасвирий санъат” ўқув фанининг Давлат таълим стандартида ҳам ўқув компетенцияси сифатида белгилаб қўйилган.

Иккинчи йўналиш – шакл ва конструкция. Ўқувчиларга тасвирий санъат асосларини ўргатишда буюмларнинг конструктив тузилишини таҳлил қилиш, уларни геометрик шаклларга ажратган ҳолда тузилиши, нисбатларини аниқлашга доир ўқув материаллари тақдим этилади. Шу тарихқа ўқувчиларда буюмларнинг характериға мос тасвирлаш малакалари шакллантириб борилади. Бу жараёнда ҳам перспектива қонуниятлари алоҳида аҳамият касб этади.

Учинчи йўналиш – композицион фаолият дарсларида, айниқса, тасвирий санъатнинг манзара жанрига оид мавзуларда расм ишлашда ўқувчиларда чизикли ва ҳаво перспективасига оид ўқув компетенцияларини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув материаллари тақдим этилиши кўзда тутилган. Бу қонуниятларсиз картинанинг планлилик параметрини таъминлаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам перспективанинг бу қонунияти

тизимли тарзда ўқув материалларини мураккаблаштириб бориши орқали ўқувчилар онгига сингдириб борилади.

Тўртинчи йўналиш назарий аҳамият касб этиб, асосан, ўқувчиларнинг реалистик тасвирий санъат асарларида расом томонидан “учинчи ўлчам” деб аталувчи “картина чуқурлиги”ни бадий идрок этиш, тўғри баҳолай олиш ҳамда шахсий тасвирий ижодий фаолиятга татбиқ этиш билан боғлиқ.

Демак, юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, бизни ўраб турган муҳит – теvarак-атрофимиздаги объектларини онгимизда доимий сақлаб қолиш учун турли усулларни фойдаланамиз. Бу усуллардан энг самаралиси, шубҳасиз, нарсаларнинг текисликда перспектив тасвирини яшаш ҳисобланади. Чунки нарсанинг перспективасини ясашда унинг геометрик элементлари ҳар томонлама таҳлил қилинади ҳамда шакли тўлиқ ўрганилади ва онгли равишда идрок қилинган, тасвирий санъат қонуниятлари асосида тасвир “қурилади”. Шу тарзда ўқувчилар кузатаётган, идрок этаётган, тасвирлаётган ҳар бир нарсани таҳлил қилишга одатланади. Бу одат тасвирий санъат таълимида ўқувчиларда тасвирий саводхонлик даража-сини ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири саналади. Кузатувчи фазодаги нарсаларни қаердан кўраётганлигига қараб, уларни катта ёки кичик кўриш орқали нарсаларнинг ўзгаришини онгли идрок қила бошлайди. Икки ўлчовли текисликда перспектив тасвирлар яшаш жараёнида нарсанинг учинчи ўлчамини онгли каерда, нуқтаси қандай ракурста бўлишидан қатъи назар тасвирни тўғри ва аниқ бажариш мумкин бўлади. Шундагина тасвирий фаолият маҳсулида шакл, конструкция, макон ва мазмун мутаносиблигига асосланган тасвир ҳосил бўлади.

Ўқувчиларда тасвирий санъатга оид ўқув малакаларини ривожлантиришда соялар назариясига оид билимлар ҳам муҳим роль ўйнайди. Зеро, ёруғлик манбаисиз тасвир ҳам, шакл ҳам кўринмас ҳолатда бўлади, яъни инсон теvarак-атрофдаги буюмларни бирон-бир ёруғлик манбаи орқали ёритилиши туфайли кўради. Бунда ҳам перспектива қонунияти амал қилади, яъни буюм ёруғлик манбаига қанчалик яқин бўлса, буюмнинг конструктив тузилишига кўра сиртларини ажратиб турувчи

ёритилганлик (соя тусининг тўқлик) даражаси шунчалик аниқ бўлади. Бу ҳолатда перспективанинг ҳам чизик, ҳам хаво (ранг)даги татбиқи яққол кўринади.

Аслида оламдаги барча объект, буюмлар икки қонуният асосида кўринади. Бу – перспектива ва ёруғ-соя қонуниятларидир. Агар ёруғ-соя бўлмаса борликдаги барча нарса ясси кўринишда бўлади. Бу ҳолатни мактабгача таълим муассасаслари ва бошланғич синф ўқувчиларининг тасвирий фаолиятида кузатиш мумкин, яъни улар ўзларининг тасвирий санъат “асар”ларида перспектива ва ёруғ-соя қонуниятларига амал қилинмаган примитив расмлар чизадилар. Аслида объект, буюм ва жисмларнинг сиртларига ёруғлик турли миқдорда тушиши натижасида хажмли тасвир ҳосил бўлади. Тасвирий санъат таълимининг барча турларида у ёки бу объект (буюм)ни тасвирлаш назарда тутилади. Демак, тасвирий санъат таълими мазмунида соялар назариясига оид ўқув материалларини кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Аслида бундай билимлар “ёруғлик манбаи”, “шуъла” (блик, буюмнинг ялтироқ жойи), “шахсий соя”, “тушувчи соя”, “рефлекс” каби термин ва тушунчалар билан изоҳлансада, уларнинг ҳосил бўлиш қонуниятлари ўргатилмайди. Шу маънода физика, чизмачилик каби ўқув фанларига оид қонуниятлардан узвийлик принципи асосида фойдаланиш тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим дидактик имкониятидир.

Буюмнинг хажмдорлиги ёки объектнинг рельефига кўра ёруғликнинг тушиши, тарқалиши ҳар хил бўлади. Айнан мана шу ҳар хиллик ёруғ-соя қонуниятлари асосида буюмнинг хажмини тасвирлаш имконини беради. Бунда тасвирий санъатнинг турли ифодавий воситаларидан фойдаланилади. Одатда, тасвирий санъат асари яратилишида соя-ёруғларни штриховка (оддий калам изларидан ҳосил қилинадиган чизиклар), тушевка, тонировка ҳамда ранг суртмаларининг кучи каби ифодавий воситалардан фойдаланилади. Тасаввур бўйича композиция тузиш ёки бирон-бир буюмни тасвирлашда ёруғ-сояни тақсим-ланиши ва уларни қуриш қонуниятларини билиш талаб этилади. Шунинг учун ҳам тасвирий санъат дарсларида, жумладан,

натуранинг ўзига қараб расм чизишда ҳам тасвирларнинг тўғри, реал бўлиши учун бу қонуниятларни яхши билиш тасвирий саводхонлик туркумига кирувчи малакаларнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Тасвирий санъат таълимида ўқувчиларда ёруғлик манбаига кўра унинг йўналишларини тўғри белгилашга ўргатиш ҳам муҳим дидактик аҳамият касб этади. Чунки ёруғликнинг сирт-ларга ётиши буюмнинг шаклига мутаносиб тарзда содир бўлади. Мактаб тасвирий санъат таълимида ўқувчиларга, асосан, конструкциясига кўра унча мураккаб бўлмаган геометрик жисмлар, буюмларни тасвирлаш ўргатилади. Бундай ёндашувнинг дидактик қулайлиги шундаки, биринчидан, уларнинг сиртлари, томонлари конкрет бўлганлиги учун уларни “қуриш”, бу жараёнда конструкция ва перспектива қонуниятларига амал қилиш тартибиди осонлик (қулайлик) мавжуд бўлади. Бу қулайлик тасвирнинг макондаги ҳолатини тўғри тасвирлаш имконини тақдим этувчи соялар назариясида ҳам ўз ифодасини топади. Бу жараён ўзига хос узвийлик ва узлуксизликда мураккаблаштириб борилади.

Ўқувчиларда сояларга оид назарий билим ва амалий малакаларни шакллантириш ва ривожлантиришда, асосан, геометрик шакллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Тасвирий санъат дарсларида нисбатан мураккаб сирт(шакл)лар сфера (айлана)симон буюмларнинг тасвирлари билан боғлиқ. Уларнинг перспективаси, унга монанд тарзда соялари ҳам ўзига хос бўлади. Шу маънода сферанинг шахсий ва тушувчи сояларини қуриш тартибларини билиш тасвирий санъат ўқитувчиси учун муҳим талаб ҳисобланади. Чунки унинг педагогик расмида тасвир объекти, буюмларнинг сояларини тўғри тасвирлаш тартибларини асосли тарзда тушунтириши таълимий аҳмиятга эга.

Шу ўринда ҳақли савол туғилиши мумкин. Келтирилган қонуниятлар, асосан, чизмачиликка оид. Чизмачилик билан тасвирий санъат синфлар кесимида бир пайтда ўқитилмайди, яъни муайян синфда ҳар икки ўқув фани параллел тарзда ўқитилмайди. Демак, ўқувчиларда перспектива, шакл, ёруғ-соя

қонуниятларига оид юқоридаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда тасвирий фаолият олиб бориш имконияти йўқ. Бу саволга жавоб тариқасида таъкидлаш жоизки, келтирилган материаллар, биринчи навбадга, тасвирий санъат ўқитувчисига аталган, қачонки улар ўқувчиларга тасвирий санъат қонуниятларини тушунтиришда юқоридаги мисоллар орқали келтирилган қонуниятларга риоя қилинса, шубҳасиз, ўқувчиларнинг тасвирий фаолияти саводлироқ, мазмунлироқ, самаралироқ кечади. Бу жараён ўқитувчи томонидан натурани тушунтиришда, синф ёзув тахтасида, ўқувчиларнинг расм дафтарида бажариладиган педагогик расмда ҳам қўлланилса, ўқувчилар томонидан тасвирий санъатнинг асосий қонуниятларидан бири — перспективата оид қонуниятларни узвий тарзда ўзлаштириб боришлари учун қулай педагогик шароит ярагади. Қолаверса, баён этилган назарияларга оид экспериментал материалларнинг амалиётда синаб кўриш жараёни чизмачилик ва тасвирий санъат қонуниятларини узвий тарзда қўлланилиши ўқувчиларнинг график саводхонлигини сезиларли даражада оширишни таъминлашини кўрсатди. Бу эса тасвирий санъат таълими сифати ва самардорлигини оширишнинг муҳим дидактик имкониятларидан биридир.

Тасвирий санъат таълими сифати ва самардорлигини оширишда унинг мазмунини, ўқувчиларнинг бадий мушоҳадасини бойтадиган манбалардан унумли фойдаланиш тавсия этилади. Айниқса, ўқувчиларнинг тарих ва адабиёт дарсларида олган билимларидан фойдаланиш ўқувчиларнинг композицион фаолият борасидаги харакатларида асқотади. Жумладан, тарихий манбалар ҳамда бадий асар сюжетлари асосида композиция ишлашда таъсирчан мавзу сифатида танланиши мумкин.

7–8-синфларда Ўзбекистон тарихи фанини ўқитиш самардорлигини оширишда кўшимча манба сифатида тасвирий санъатнинг тарихий жанрдаги асарларидан, шунингдек, миниатюра асарларидан фойдаланишнинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти беқийс. Бу жараёнга тескари алоқа сифатида тасвирий санъат дарсларида тарихга оид материаллардан фойдаланиш

Ўқувчиларнинг ҳар икки фанга оид билимларини мустаҳкамлашни хизмат қилади.

Тарихий мавзудаги тасвирий санъат асарлари ўқувчиларда тарихий тушунчаларни шакллантиришга, уларнинг назарий хулосалар ва умумлашган яқунларидаги ижтимоий ривожланишнинг объектив қонуниятларининг ўзаро алоқаларини яхшироқ тушуниб олишга ёрдам беради, шунингдек, ўқувчиларни эстетик жиҳатдан тарбиялашнинг муҳим воситаси сифатида ҳам эътиборлидир.

Тарихий мавзудаги тасвирий санъат асарлари ўқувчиларда кўриш анализатори иштирокида мушоҳада этиш ва улар ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш билан чегараланмайди, балки мураккаб тарихий ҳодисаларни, тушунчаларни тушуниб олишни ҳам енгиллаштиради, тарихни тўғри ва реал тушунишга ёрдам беради.

Шундай қилиб, тарихий мавзудаги тасвирий санъат асарларидан фойдаланишнинг муҳим аҳамияти қуйидагилардан иборат:

- тарихий билимларнинг асосий манбалари бўлиб хизмат қилади;
- ўқув материалининг таълимий ва тарбиявий вазифаларини муваффақиятли амалга оширишга хизмат қилади;
- ўқитувчи баёнининг аниқ, образли ва эмоционал бўлишига ёрдам беради;
- ўқувчиларнинг ўқув материални ўрганишга қизиқишини оширади ва уларнинг билиш фаолиятини кучайтиради;
- ўқувчиларнинг фикрлаш ва ижодий қобилиятини ўстиради;
- ўқувчиларнинг тарихий билимларини аниқ, чуқурроқ ва мустаҳкамроқ бўлишига ёрдам беради.

Тасвирий санъат асарларини тарих ўқитишдаги аҳамияти уч нарсга билан белгиланади: биринчидан, асар сюжетининг тарих фанини ўқитишда қанчалик муҳим эканлиги билан, иккинчидан, санъаткор (ёзувчи, актёр ва ҳ.к.)нинг тарихий воқеликнинг қанчалик тўғри англай олганлиги ва образли акс эттира билганлиги билан, учинчидан, асарнинг ғояси ва уни бадий тарзда очиб бериш воситаларининг тегишли ёшдаги ўқувчиларга

нечоғлик тушунарли эканлиги билан белгиланади. Бу йўналишдаги билимлар ўқувчиларда тарихий жанрда композиция ишлашларида, шунингдек, "Мен севган қаҳрамон" мавзусида расм ишлашларида фойдаланилади.

Кўринадики, тарих дарсларида фойдаланиладиган тасвирий санъат асарларига ҳам асосан тарихга доир бошқа ўқув кўлланимларига қўйиладиган талаблар қўйилади. Бу талабларни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Мазкур хусусиятлар асосида тарих дарсларида фойдаланиладиган тасвирий санъат асарларининг бир қатор вазифалари белгиланади.

Юқорида келтирилган ҳамда тарих таълимига оид маълумотларнинг тасвирий санъат ўқув фани учун аҳамиятли жиҳати шундаки, бу омил икки томонлама самара беради. Биринчидан, ўқувчиларда композицион фаолият учун бадий мушоҳада доираси кенгайди. Натигада уларнинг тасвирий санъатининг тур ва жанрларида яратаётган композицияларида мазмун ва шакл уйғунлиги кузатилади. Иккинчидан, ўқувчиларда тарихий жанрдаги тасвирий санъат асарларини бадий эстетик идрок этиш савияси ортади.

Ўқувчиларнинг композицион фаолияти натижалари тасвирий санъат таълими сифати ва самардорлигини белгилловчи асосий параметрлардан биридир. Бу борада ўқувчиларнинг адабий асар сюжети асосида композиция яратишлари тасвирий санъат таълимининг барча синфларида назарда тутилганлиги ҳам эътиборлидир. Шу маънода тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларнинг иллюстратив расм ишлаш билан боғлиқ бўлган тасвирий-ижодий фаолиятларини алоҳида дидактик имконият сифатида эътироф этиш мумкин. Бу алоҳидаликнинг яна бир хусусияти шундаки, биринчидан, тасвирий санъат таълимининг бутун даври (1-7-синфлар)да мазкур монографиянинг 2.2., 4.2., 4.3. қисмларида таъкидланганидек халқ эртақлари, шоир ва ёзувчиларнинг ўқувчилар ёшига мос асарлари сюжетлари асосида иллюстрация расм ишлашлари ташкил этилса, иккинчидан, ўқувчилардан алоҳида бадий-эстетик мушоҳада, тасвирий малака талаб этиладиган дарс тури – Шарқ минитюраси услубида иллюстрация ишлаш машғулотларини ташкилий-методик

жихатидан тўғри йўлга қўйиш тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим омили саналади.

“Тасвирий санъат” ўқув фанининг Давлат таълим таркибидаги композицион фаолият бадий таълимнинг асосий турларидан бири сифатида белгилаб қўйилган. Бу турдаги дарслар бошланғич синфларда ўқув дастурига кўра намунави топшириқларда келтирилган мавзулар бўйича амалга оширилади. Тасвирий санъат таълимининг мазкур блокидаги ўқув материаллари асосида ўқувчиларнинг композицион фаолиятини комплекс ташкил этишда 7-синфнинг охириги чораги – “Китобат санъати” блоки, биринчидан, кенг қамровли имкониятларни тақдим этади. Иккинчидан, китобат санъати нафақат 7-синф тасвирий санъат таълимини, балки, умуман мактаб тасвирий санъат таълимини яқунловчи қисми бўлганлиги учун ҳам ўқувчиларнинг барча билимларини амалий татбиқини баҳолаш мумкин бўлади.

ХУЛОСА

Тадқиқот ишларининг натижаларини умумлаштириш натижасида аён бўлдики, умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган “Тасвирий санъат” ўқув фанидан таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг фойдаланилмаган имкониятлари мавжуд. Бу имкониятларни мазмуни ва моҳиятига кўра қўйиладиган таснифлаш мумкин.

Биринчидан, 2017 – 2018-ўқув йилига қадар 6–7-синфларда амалга ошириладиган тасвирий санъат таълимидан дарсликнинг йўқлиги дидактик имкониятларни чекланганлигини асосий сабаби сифатида кўрсатилиши мумкин. Зеро, дарслик Давлат таълим стандарти асосида ишлаб чиқилган, соҳанинг ўқув дастурида белгиланган ўқув материалларининг тўлиқ қамраб олувчи манба бўлганлиги учун тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг дидактик имкониятлари айнан шу боис чекланган.

Иккинчидан, тасвирий санъат соҳасида амалга оширилаётган тадқиқотларнинг кўлами кенг бўлмаганлиги учун бу борада таълим сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи илмий ва методик мазмундаги манбалар танқислиги кузатилади.

Учинчидан, замонавий таълим шароитида таълимнинг электрон ресурсларидан фойдаланиш ҳам иқтисодий, ҳам таълимий самара беради. Шу маънода мазкур тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган, мазмунан Давлат таълим стандартида кўрсатилган ўқув материалларини ўзлаштиришга йўналтирилган қўшимча материаллардан бадий таълим жараёнида фойдаланиш мазкур йўналишда таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим дидактик воситаси сифатида эътироф этилиши мумкин.

Тўртинчидан, электрон шаклда тақдим этилаётган қўшимча материаллар таркибида устувор тарзда тасвирий санъат конуниятларини тушунтиришга бағишланган ўқув таблицалари, “Маҳорат дарслари” туркумидаги анимацион кўргазмали воситалар, видеороликлардан ўринли фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Чунки тасвирий санъат таълими амалиётида соҳа бўйича махсус маълумотга эга бўлган ўқитувчилар 13,7 фоизни

ташкил этганлиги боис ўқувчиларнинг тасвирий санъат қонуниятларини ўзлаштиришлари учун мазкур туркумдаги материаллар яхши таълимий самара бериши ҳақидаги ғоя амалиётда ўзининг ижобий натижасини берди.

Мақтаб тасвирий санъат таълими амалиётида синаб кўрилган қўшимча материалларни тайёрлаш, танлаб олиш қатъий тарзда таълимнинг дидактик талабларига асосланиши лозим. Акс ҳолда бу манбалар тасвирий санъат таълими сифати ва смарадорлигини ошириш воситаси эмас, балки бошқа функцияларни бажарувчи (ўқувчиларни чалғитувчи, тасвирий санъат қонуниятларини нотўғри талқин этувчи, Давлат таълим стандарти талаблари ҳамда ўқув дастури материалларини ўзлаштириш жараёнига салбий таъсир этувчи ва х.к.) манба сифатида намоён бўлиши мумкин. Шунингдек, тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг дидактик имкониятларини кенгайтирувчи воситалар сифатида қўшимча материал тариқасида тақдим этилаётган ўқув таблицаларидан оптимал равишда фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Зеро, бадий таълим жараёнида қўлланилаётган таблицалар ва бошқа мақомдаги қўшимча материаллар тасвирий санъат таълими жараёнини кўرғазмалилик принципига асосланган онглилик даражасини ошириш учун қулай таълимий муҳитни юзага келтиради.

Тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишда қўлланиладиган воситаларни узвийлик принципига асосланганлигига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади, қайсики ўқувчиларнинг тасвирий санъатнинг тур ва жанрлари, уларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақидаги ўқув компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантириш босқичлари мантиқий кетма-кетлик занжирига асослансин. Шундагина тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлиги педагогик жиҳатдан кафолатланган бўлади.

Тасвирий санъат таълимиде ўқув фанларино алоқадорлик принципларига амал қилиш ҳам муҳим восита ҳисобланади. Жумладан, тасвирий санъат таълими амалиётида бошқа фанларга оид қонуниятлардан фойдаланиш ҳам алоҳида эътиборга молик.

Айниқса, чизмачиликнинг перспектива, соялар назариясига оид қонуниятлари, шунингдек, буюмларнинг шаклларини конструктив тузилишини таҳлил қилишга оид кўрғазмали воситалар, биринчидан, ўқитувчи учун дарсни кизикарли ва тушунарли тарзда ташкил этиш учун қулай дидактик муҳит яратади. Иккинчидан, тақдим этилаётган материалларни айнан кўрғазмали воситалар орқали тушунтирилиши натижасида ўқувчилар учун ўқув материалларини англаш, қабул қилиш осонлашганлиги боис уларнинг тасвирий санъатга қизиқишлари ортади ҳамда уларда тасвирий саводхонликка оид ўқув компетенцияларни шакллантиришда юқори самарадорликка эришиш кафолатланади. Натижада тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини ошириш учун дидактик имкониятлар кенгайди.

Тасвирий санъат таълимнинг амалдаги ҳолатини ўрганиш ва унинг натижаларини таҳлил қилиш шунни кўрсатадики, соҳа ўқитувчилари бадий таълим сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилиши мумкин бўлган воситаларнинг дидактик имкониятларидан етарли даражада фойдаланмайдилар. Бунинг асосий сабабалари сифатида қуйидагиларни эътироф этиш мумкин.

Биринчидан, тасвирий санъат таълимиде қўлланиши мумкин бўлган дидактик материалларнинг камёблиги, қолаверса уларнинг бутунги кун талабларига жавоб бермаслиги, яъни замонавий таълимий технологияларга мос эмаслиги боис бу турдаги манбаларга ўқитувчилар томонидан етарли эътибор берилмайди.

Иккинчидан, таълим тизимида унинг сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим воситалари – турли мазмун ва шаклдаги таълимнинг замонавий технологиялари, хусусан, электрон манбаларнинг дидактик имкониятларидан самарали фойдаланилаётган ҳозирги кунда тасвирий санъат таълими хусусиятларини эътиборга олувчи шундай ишланмалар етарли эмас, яъни тасвирий санъат ўқитувчисида соҳага оид замонавий дидактик ишланмаларга нисбатан эҳтиёж мавжуд.

Учинчидан, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган илмий методик нашрларда берилмаётган материалларда тасвирий санъат таълимининг у ёки бу муаммосининг ечимига, хусусан, бадний таълим сифати ва самарадорлигини оширишга оид методик материаллар кам чоғ этилади.

Замонавий таълим тизимида амал қилаётган устувор тенденциялар тизимида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг медиасаводхонлиги таълим мазмунини ва методикасини такомиллаштиришнинг самарали омилларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Шу маънода тасвирий санъат соҳасида муайян ишларни амалга ошириш талаб этилади. Жумладан, мазкур тадқиқот доирасида тасвирий санъат таълимининг сифати ва самарадорлигини оширишни таъминловчи куйидаги манбаларни яратишга алоҳида эътибор қаратилди.

1. Тасвирий санъат таълимидан Ўзбекистон ва жаҳон тасвирий ва амалий санъати, дизайн ва меъморлик санъатига оид иллюстратив материалларнинг электрон каталоги ва улардан фойдаланиш юзасидан методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

2. Тасвирий санъат таълимидан мураккаб мавзулар юзасидан анимациялар воситасида намойиш этишга мўлжалланган электрон вариантдаги намунавий дарс ишланмаларини тайёрлаш.

3. Тасвирий санъат таълимидан ўқув табидаларини расмини ўрнини босишга мўлжалланган ўқув табидаларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг намойишини компьютер воситасида амалга ошириш имконини берувчи технологияларни яратиш ҳамда уларни таълим амалиётига жорий этишнинг оптимал педагогик механизмини ишлаб чиқиш.

Юқорида санаб ўтилган ташкилий-методик ишлар ўқитувчи ва ўқувчилардан муайян компетенцияларни, жумладан, таълимий жараёнларнинг дидактик имкониятларини оширувчи омиллардан бири – медиасаводхонликни талаб этади. Медиатаълим воситаларидан унумли фойдаланиш эса таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим шартидир.

Тадқиқотнинг тахлилий хулосалари сифатида куйидагиларни эътироф этиш мумкин.

1. Умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъат бўйича методик ишланмаларга бўлган эҳтиёж юқорилиги дастлабки социологик тадқиқотлар натижасида ўз исботини топди. Бу ишланмалар, биринчи навбатда, тасвирий санъат таълимининг методик таъминоти, унинг замонавий воситалари – ўқув материалларининг электрон ресурсларидан фойдаланиш таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим дидактик шартларидан биридир.

2. Тасвирий санъат дарсларида турли қўшимча манбалардан фойдаланиш (электрон кагалог, намунавий дарс ишланмаларининг анимацион вариантлари, ўқув табидалари, “Маҳорат дарслари” туркумидаги видеороликлар ва х.к.) тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини сезиларли даражада оширади.

3. Ахборот олиш манбаларининг тармоқлари орғиб бориши улардан фойдаланиш вариантларини кенгайтиради. Шу боис уларнинг соҳа хусусиятига мосларини танлаб олиш ҳамда бадний таълим жараёнига таъбиқ этиш тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан биридир. Айни пайтда ўқув материалига қўшимча сифатида қўлланиладиган ахборотларга қўйиладиган дидактик талабларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Уларнинг Давлат таълим стандарти, ўқув дастурига монандлигидан ташқари миллий мафкуравий ҳамда бадний-эстетик кадриятлар ва анаъаналар, мамлакатимизда амалга оширилаётган таълимий сиёсатга мослиги таъминланиши лозим.

4. Тасвирий санъат таълими ўқитувчисининг педагогик арсеналидаги методик манбаларнинг тахлили шуни кўрсатдики, дарслик, ўқув ва методик қўлланма мақомидаги ишланмаларнинг танқислиги бадний таълим сифати ва самарадорлигини оширишга жиддий тўсқинлик қилаётган омиллар сирасига қиради.

Юқоридаги омиллардан келиб чиққан ҳолда тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг энг муҳим омиллари сифатида ўқитувчининг профессионал компетенцияси, жараёни дидактик манбалар билан таъминлаш,

таълимнинг электрон ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун илмий асосланган ҳамда самарадорлик даражаси амалиётда синаб кўрилган методик комплекс яратиш ва ундан фойдаланишнинг оптимал педагогик механизмини яратиш талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллаев М. Бехзод ва Матисс. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. Хафталик газета. 1990. №8.
2. Абдурахмонов А. Перспектива – Т.: ТДПУ, 2006.
3. Ахмедова Н. Р. Духовное пространство Бехзада в искусстве XX века / Ж. "Санъат". 2000, №2. – С.34 – 37.
4. Арапова С.В. Обучение изобразительному искусству. Интеграция художественного и логического. – СПб.: КАРО, 2004. – 176 с.: ил. – (Модернизация общего образования).
5. Артамонова Е.И. Мировые тенденции в подготовке педагогических кадров // Европа и современная Россия. Интегративная функция педагогической науки в едином образовательном пространстве. Научные труды 14 международной конференции. – Москва-Лиссабон: 2016. – С.3 –11.
6. Ахмедова Н. Р. Духовное пространство Бехзада в искусстве XX века / Ж. "Санъат". 2000, №2. – С.34 –37.
7. Ашрафи М.М. От Бехзада до Риза-и Аббаси. Развитие миниатюры начало века. – Ташкент: SMI-ASIA, МИЦАИ, 2011. – 176 с.
8. Бивальцева М.В. Иллюстрируем сказки с радостью. / "Начальная школа". №1 – 2003. С. 59 – 62.
9. Вильде Т.Н. Иллюстрирование народных сказок на уроках тематического рисования / "Начальная школа". №1 – 2003. С. 57 – 59.
10. Голубева И. Книга и образ. Формирование индивидуального художественного языка / журнал "Искусство в школе". 2009, № 3. С. 14 – 18.
11. Ибрагимов А., Сулаймонов А. Китобат санъатига оид терминларнинг изоҳли-иллюстратив лугати. – Тошкент: "Фан", 2007. – 80 б.
12. Камолитдин Бехзод. Альбом. Тузувчилар: Э.Исмоилова, З. Рахимова. – Тошкент: "Санъат" нашриёти, 2000. – 40 б.
13. Мадримов А. Ўзбекистон миниатюра санъатини ўрганиш муаммолари / Ж. "Санъат". 2015,2-сон. – 25 – 27-б.
14. Макарова М. Перспектива. – М.: Просвещение, 1989.

15. Новикова Г.П. Повышение качества инновационной деятельности в общеобразовательных организациях в контексте интеграции в мировое образовательное пространство // Европа и современная Россия. Интегративная функция педагогической науки в едином образовательном пространстве. Научные труды 14 международной конференции. – Москва-Лиссабон: 2016. – С.11 – 18.
16. Пугаченкова Г. А. Бехзад – портретист и портрет в миниатюрной живописи Среднего Востока / Ж. "Санъат". 2000, №2. – С.10 – 15.
17. Сулаймонов А., Абдуллаев Н., Сулаймонова З. Тасвирий санъат. 7-синф. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги НМИУ, 2017. – 80 б.
18. Сулаймонов А., Сайдалиев С. Аниқ фанларга оид билимларнинг интегратив татбиқи // Аниқ фанларнинг ўқитиш самардорлигини ошириш ва таълим сифати индикаторларини амалиётга самарали жорий этиш
19. Сулаймонова З. Камолиддин Бехзоднинг бадий-эстетик мероси умумбашарий ва миллий кадрит сифатида./ Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: Камолиддин Бехзод номидаги мемориал боғ-музейи. 2015. – 33 – 37-б.
20. Сулаймонова З. Китобат санъати. Ўқув кўланма. – Тошкент: Илм-Зиё, 2016. -96 б.
21. Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. – Тошкент: "Таълим тараққиёти". Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ахборотномаси. 6-махус сон. 1999. – 86 – 167-б.
22. Хакимов А. Бехзад – западно-восточный контекст (пародокс исторических ассоциаций) / Ж. "Санъат". 2000, №4. – С.22 – 25.
23. Хакимов А. Искусство Узбекистана: история и современность. – Ташкент: Издательство журнала "Санъат", 2010. 504 с.
24. Хакимов А. Историко-теоретические проблемы художественного образования в Узбекистане. В кн.: Искусство и образование в странах Азии. – Сидней: 2005.
25. Эткин И.К., Азаркович В., Архипова Н. Иллюстрации к произведениям литературы. 5 – 8 классы. – М.: "Художник", 1964. 32 с.
26. Ўқув жараёнига замонавий инновацион технологияларни жорий этиш: муаммо ва ечимлар / республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: ЎзПФИТИ, 2017.
27. Clarke, Angela; Hubert, Shane. Envisioning the Future: Working toward Sustainability in Fine Art Education / INTERNATIONAL JOURNAL ART & DESIGN EDUCATION. FEB. 2016. – 36 – 50.
28. <https://apps.webofknowledge.com>

МУНДАРИЖА

Кириш.....3

БИРИНЧИ БОБ. Тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг назарий асослари

- 1.1. Умумий ўрта таълим муассасасларида тасвирий санъат таълимини такомиллаштиришнинг концептуал асослари.....9
- 1.2. Тасвирий санъат таълимининг хорижий тадқиқотлар контекстидаги методик эҳтиёжларининг миллий таснифи.....22
- 1.3. Тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини баҳолашнинг асосий параметрлари28
- 1.4. Компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштрилган Давлат таълим стандарти асосида тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини баҳолаш мезонлари.....37
- 1.5. Тасвирий санъат таълими мазмунини одернизациялаш воситасида таълим сифати ва самарадорлигини таъминлаш.....55
- 1.6. Дарсликни модернизациялаш тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг дидактик имконияти сифатида.....67

ИККИНЧИ БОБ. Тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг дидактик имкониятлари

- 2.1. Тасвирий санъат дарсларида фаолият турлари алоқадорлиги асосида таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг методик асослари86
- 2.2. Узвийлик принципи асосида иллюстратив расм ишлаш дарсларида тасвирий санъат таълими самарадорлигини оширишнинг дидактик имкониятлари.....97

УЧИНЧИ БОБ. Тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш

- 3.1. Тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг дидактик имкониятлари тизимида таълимнинг электрон ресурсларидан фойдаланиш 104
- 3.2. Медиа таълим тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини ошириш омили сифатида.....115
- 3.3. Тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишда таълимнинг электрон қўлланмасидан фойдаланиш.....123
- 3.4. Тасвирий санъат дарсларида ахборот технологияларидан фойдаланиш воситасида бадий таълим сифати ва самарадорлигини таъминлашнинг дидактик имкониятларини ошириш.....130

ТўRTИНЧИ БОБ. Тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг миллий-тарихий асослари

- 4.1. Ўқувчиларда бадий таҳлил компетенцияларини шакллантириш таълим сифатини оширишнинг муҳим дидактик талаби сифатида.....136
- 4.2. Тасвирий санъат таълимида шарқ миниатюра санъати асарлари намуналаридан нусха кўчириш машғулотларини ташкил этиш.....143
- 4.3. Тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларга миниатюра услубида иллюстрация ишлашни ўргатиш методикаси.....148
- 4.4. Ўқувчиларнинг бадий-эстетик компетенцияларини шакллантиришда миниатюра санъатиға оид материаллардан фойдаланиш.....154
- 4.5. Фанлараро интеграция тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг дидактик имконияти сифатида.....163

Хулоса.....173

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....179

Тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг дидактик имкониятлари. Монография. – Тошкент: “BAYOZ”, 2017. – 184 б.

ISBN 978-9943-48-99-1-2

УЎК: 37.016:74
КВК: 74.268.51

АСҚАРАЛИ СУЛАЙМОНОВ

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ТАЪЛИМИ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ДИДАКТИК ИМКОНИЯТЛАРИ

Техник муҳаррир Дилшод Хўрозбоев
Дизайнер Баҳодир Тўхлиев
Саҳифаловчи Бекзод Раҳматов

Нашриёт лицензияси: АЛ №234, 11.02.2013.
Босишга рухсат этилди: 25.12.2017.
Оффсет қоғози. Қоғоз бичими: 60x84 1/16.

Times гарнитураси. Оффсет босма.
Ҳисоб наشريёти: 7,66. Шартли б.т: 11,5.
Адади 500 нусха. Буюртма № 20.

“BAYOZ” нашриётида нашрга тайёрланди

“BAYOZ” МҶЗ матбаа корхонасида чоп этилди.
Тошкент. Лутфкор 1-тор кўчаси, 1-уй.

ISBN 978-9943-4899-1-2



9 789943 489912

